

**МИТЧ ГЛЕЙЗЕР**

**ИШАЁ 53**

**ШАРҲЛАР**

**Битта боб ҳаётингизни бутунлай ўзгартириб юбориши мумкин**

**МУНДАРИЖА**

Муқаддима

Кириш

1-боб. Мен яхудийман... хўш, нима бўпти?

2-боб. Яхудийлар битиклари – шунчаки тарихий китоб эмас

3-боб. Муқаддас Китоб башорати: келажак очилади

4-боб. Ишаё пайғамбар, унинг башоратлари ва даври

5-боб. Раббийнинг қули

6-боб. Қулнининг қурбонлиги

7-боб. Ишаё пайғамбар китобининг 53-боби ва гуноҳни ювиш

8-боб. Янги Аҳднинг ишончлилиги

9-боб. Исо Ишаё пайғамбар китоби 53-бобининг башоратларини бажардими?

10-боб. Яхудийлар эътиrozларининг сабаби бор

11-боб. Ишаё пайғамбар китобининг 53-боби - ва сиз

12-боб. Сиз ёлғиз эмассиз

Шахсий постскриптум

Илова: Исонинг яхудийлар Масихи эканлигини кўрсатувчи қўшимча башоратлар

Тавсия этиладиган адабиётлар

Изоҳлар

## МУҚАДДИМА

Битта боб ҳаётингизни тўлиқ ўзгартириб юбориши мумкин! Бу Муқаддас Китоб – қўпинча Эски Аҳд деб номланадиган Яҳудий Битиклари таркибига киравчи Ишаё пайғамбар китобининг 53-бобидир. У ҳақиқатан ҳам жуда оммалашган.

Ҳозир сиз қўлингизда ушлаб турган нашр, авваламбор, художўй бўлмаган кишиларга мўлжалланган. Ишаё пайғамбар китобининг 53-боби Яҳудий Битикларининг бир қисми бўлғанлиги боис, сиз ўқиб чиқадиган нарсаларингизнинг кўпчилиги яҳудий ўқувчиларга мўлжалланган. Бироқ бу китоб фақат яҳудийлар учунгина ёзилган эмас. Худди кўп динлар томонидан эъзозланадиган Куддус – яҳудийлар шаҳрига ўхшаб, аввалдан яҳудийча матнга эга бўлган Яҳудий Битиклари масиҳийлар учун ҳам муқаддас ҳисобланади. Ва ҳатто Қуръон ҳам Эски Аҳдга ҳаволалар келтиради. Шунинг учун, гарчи бу китоб, авваламбор, яҳудийларга мўлжалланган бўлсада, ишончим комилки, у бошқа миллат ва диний эътиқоддаги одамлар учун ҳам муҳимдир. У ўзини ҳеч қандай расмий динга мансуб эмас деб ҳисобловчи, лекин Худо билан чуқур шахсий муносабатларни қидираётганларга ҳам ёрдам беради.

Нима учун Ишаё пайғамбар Китобининг 53-боби сизнинг ҳаётингизни ўзгартириб юбориши мумкин? У бизнинг тарихимизни, ахлоқимизни ва динимизни – яҳудий меросининг энг муҳим устунларини тасвирлаб берадиган яҳудийлар Муқаддас Китобининг бобларидан биридир. Каломда мажусий халқларга Худонинг севгиси ва унинг бу халқларга нисбатан режаси ҳақида ҳам кўп ахборот бор. Сиз яҳудиймисиз, йўқми, художўймисиз, йўқми – умид қиласманки, нима бўлганда ҳам, Ишаё пайғамбар китобининг 53-бобини ўқиб чиқиш ва англаш сизнинг ҳаётингизни ўзгартириб юборишга қодир.

Ишаё пайғамбар китобининг 53-боби сиз учун аҳамиятли матнга айланишидан умидвор қилишга асос бўладиган фақат баъзи сабабларни кўрсатиб ўтаман:

- у ўзингиз ҳақингизда нимадир билиб олишингизга кўмаклашади; айниқса, Иброҳим, Исҳоқ ва Ёқубнинг Худоси билан шахсан муносабатлар ҳақида;
- у сизга Муқаддас Китоб ишончга сазовор эканлигини кўрсатади;
- у сизни нафақат келажакни башорат қиласадиган, балки Ўз ваҳийсини амалда ҳаётга татбиқ ҳам этадиган Худога яқинлаштиради;
- у сизга Масиҳга нисбатан ўз кутишларингизни шакллантиришга кўмаклашади; сиз унинг башорати кўпчилик “барча яҳудийларнинг энг буюги” деб атайдиган Зотнинг ҳаётида қандай амалга ошганини кўрасиз.

Сиз қўлингизда Ишаё пайғамбар китобининг 53-бобидаги барча башоратларни бажарган Исо (Унинг иврит тилдаги исми – Йешуа) – Исройлнинг Масиҳи эканига ишонган ва бу эътиқод туфайли ҳаёти бутунлай

ўзгарган масиҳий яхудий ёзган китобни ушлаб турибсиз.

Мен анъанавий яхудий уйида ўсдим ва тарбияландим, шунинг учун мен яхудий учун Исо Исроилнинг Масиҳи деган фикрнинг ўзини қабул қилиш қанчалик оғирлигини тўлиқ тушунаман. Менинг қўплаб қабиладошларим чуқур руҳийликни излашади ва Худо билан мустаҳкам шахсий муносабатларга инитилишади. Гарчи қўпчилигимиз иудаизмда буни топмасакда, биз яхудийлар яхудий жамиятидан ажралишни ҳатто хаёлимизга ҳам келтирмаймиз.

Анча йил олдин мен Исо Исроилнинг Масиҳи эканлигига ишондим, лекин шунга қарамай, ўзимнинг яхудийлигимдан воз кечмоқчи эмасман. Мен чин руҳийликни изладим – эҳтимол сиз ҳам шуни излаётгандирсиз. Умид қиласманки, сиз – ҳеч бўлмагандан бир оз вақтга – яхудий бўла туриб, Исога ишониш мумкин эмас, деган анъанавий ишончни бир четга қўйиб турасиз. Исода тўлиқ амалга ошган Масиҳга оид башоратларни буюк яхудий пайғамбарлардан бири айтиб ўтганди ва бу сўзсиз, бизга яхудий бўла туриб, Исога ишониш мумкин деган асос беради.

Мен ҳаммасдан ҳам кўра қўпроқ, бу кичик китобни ўқиётганингизда Худо қалбингизга қўл солишидан умидворман. Мен Яратувчи билан янада чуқурроқ ва яқинроқ муносабатлар худди менинг ҳаётимда бўлгани каби, ҳаётингизнинг ҳам воқелигига айланишини сўраб ибодат қиласман. Дунёда Иброҳим, Исҳоқ ва Ёқубнинг Худоси билан муносабатлардан кўра тўлиқроқ, шодлик ва қониқиши бахш этувчи ўзаро муносабатлар йўқ.

Китобимнинг мақсади сизни динингизни ўзгартиришга ишонтириш эмас, балки сизни Ўз қиёфасига кўра ва Ўзига монанд қилиб яратган Зот билан янги муносабатларни очишингиздан иборатдир. Худони билмаслик худди – онанг ёки отанг кимлигини билмаслик кабидир: билмаслик қалбда бўшлиқ қолдиради, уни фақат сиз ким эканлигиниз ва қаёқдан эканлигинизни билибгина тўлдириш мумкин. Худони билмасдан туриб, мавжудликнинг таянч саволларига жавоб бериш қийин. «Нега мен бу дунёдаман? Ҳаётимнинг мақсади нима? Ўзимнинг қисматимни амалга ошириш ва яхши одам бўлиш учун уни қандай яшаб ўтишим керак?» - булар ё бизни бир умр азоблайдиган ёки бизни Яратувчининг бағрига йўллайдиган саволлардир.

Сизни яратган ва севадиган Худо билан янги шахсан муносабатларга эга бўлишингиз учун Парвардигор йўлингизни ёритсин ва сизга Ишаё пайғамбар китобининг 53-бобини тушунишингизни инъом этсин.

Доктор Митч Глейзер  
Қуддус, 2010 йил май

## КИРИШ

Агар сиз, гарчи анъаналарга риоя қилмайдиган яхудий бўлсангиз ҳам, албатта, барибир ўзингизни бизнинг халқимиз тарихи ва меросига мансуб деб ҳисоблайверасиз. Сиз бу меросга хиёнат қиласиган ёки уни хор қиласиган

бирор иш қилмаслигингиз тушунарлы. Кимdir илк бор менга Исо Истроилнинг ваъда қлинган Масихи эканлигини айтганида айнан шу гап менинг хаёлимга келди. Мен шундай деб ўйладим: «Агар бизнинг – яхудийлар жамиятининг мисолларида буни менга “ичкаридан” намойиш этиб берса олмасангиз, мени бунга ишонишга ҳеч қачон мажбур қила олмайсиз. Буни менга бизнинг яхудийларнинг Муқаддас Битиклари асосида исбот қилиб беринг, ана шунда мен сизнинг далилларингизни синчилаб таҳлил қилиб чиқишига ваъда бераман. Фақат менга Янги Аҳдан иқтиbos келтирманг!»

Менинг айтилмаган даъватим қабул қилинди. Муқаддас Китобнинг менинг қарашларимда инқилоб қилган асосий парчаларидан бири Ишаё пайғамбар китобининг 53-боби бўлди. Ишонаверинг, Исо – Масих эканлиги ва биз яхудийлар асрлар давомида умид қилган ҳамма нарсани амалга оширганини ҳақиқат деб қабул қилиш менга жуда қийин бўлди! Бу ўз-ўзим билан кураш эди – айниқса, Ишаёнинг қадимий башорати Масихни мен учун мутлақо кутилмаган қиёфада тасвирлаб бергани учун. Шоҳ ва бизнинг барча душманларимизни енгадиган Жангчи сифатида келадиган (мен шунга ишонч билан тарбияланган эдим) Масих ўрнига, 53-боб охир-оқибатда бутун инсониятнинг гуноҳлари учун азоб чеккан ва улар учун Ўз ҳаётини қурбон қилган мўмин-қобил Инсонни тасвирлайди.

Аввалига бу шунчаки менинг тасаввуримга сифмади. Эҳтимол сиз ҳам айнан шуни ҳис қиласиз. Исо бизнинг Масих ҳақидаги тасаввурларимизга мутлақо мос келмайдиган, энг номувофиқ номзод бўлиб кўриниши мумкин. Бунинг устига, менда яна бир муаммо бор эди: Унинг “издошлари” деб аталаётганлар томонидан “Унинг номи ила” яхудий халқига етказилган азоблар туфайли Исони объектив қабул қилиш қийин эди. Унинг издошлари деб фараз қилинганлар бунчалик даҳшатли иш тутганига шубҳа билан қураш – табиий эмасми?

Исо, очиғини айтганда, болалигимдан менга инкор қилишни ўргатишгани боис, яхудийлар Масихи қиёфасига мутлақо мос келмайдиган тасаввур уйғотиши ҳам жуда халақит қиларди. Ҳақиқатга тик қарайлик: Исони тасвирловчи машҳур суратларнинг кўпчилиги яхудий менталитети ва маданиятидан анча узоқ. Айнан шунинг учун Ишаё пайғамбар китобининг 53-бобини ўқиб чиқиши мен учун катта кашфиёт бўлди!

Кўп яхудийлар, ҳатто художўй бўлганлари ҳам бу боб билан таниш эмас, чунки унинг матни синагогда ўқиладиган ҳафтараларнинг<sup>1</sup> ҳафталиқ бобига киритилмаган.

Ҳар ҳафта ҳафтаралар ўқишида бу бобнинг ташлаб кетилиши олдиндан била туриб қилинган ҳаракат ёки фитна эканлиги ҳақида таҳминлар қилмаймизу, аммо, барибир синагогада ўқишининг йиллик цикли Ишаё пайғамбар китобининг 52-бобидан бирданига 54-бобга сакраб ўтиб кетишида қандайдир сирли нарса бор. Ҳаммамиз ҳам ўз мулоҳазаларимизда эркинмиз ва сиз бизнинг донишмандларимиз нима учун 53-бобни ўтказиб юборишга қарор қилишгани сабаблари борасида ўз фикрингизни тузишингиз мумкин.

Ҳақиқатан ҳам, кўп синчков яхудий олимлари бу боб устида бош

қотиришган ва уни Носиралик Исо бажарган башорат деб қарамаслик лозим деган хulosага келишган. Улардан баъзилари бундай таъкиддан сўнг келиши мумкин бўлган қаттиқ ижтимоий жазолар туфайли шундай йўл тутишга мажбур бўлишгани эҳтимоли катта.

Ҳамма нотўғри фикрларни, ҳатто улар сизга ўзини оқладиган бўлиб туюлсада, вақтинча бир четга суриб қўйишга ва келгуси мулоҳазаларни диққат билан кузатишга ҳаракат қилинг. Умид қиласанки, сиз янги билимлар учун очиласиз ва ўқиб чикиш жараёнида ўз хulosаларингизни чиқаришингиз мумкин. Худо сизга бу ажойиб бобдаги ҳақиқатни очишини сўраб ибодат қилинг.

## ИШАЁ ПАЙҒАМБАР КИТОБИ, 53-БОБ

Бизнинг хабаримизга ким ишонди?  
Эгамизнинг құдратли кучи кимга аён бўлди?  
Эгамизнинг қули Эгамиз олдида янги кўчатдай,  
Қуруқ тупроқдаги илдиздай ўсди.  
Бизни Ўзига жалб қиладиган  
Гўзаллик, улуғворлик Унда йўқ эди.  
Бизни Ўзига ром этадиган  
Ҳеч бир жозибаси йўқ эди.  
Одамлар Ундан нафратландилар, Уни рад этдилар.  
У қайғу, азоб—уқубат нималигини биларди.  
Ҳамма Ундан юз ўғирди, Ундан ҳазар қилди.  
Биз Уни одам қаторида санамадик.  
Ҳа, дардларимизни У Ўзига олди,  
Оғриқларимизни У Ўз зиммасига олди.  
Биз эса ўйладик: “Уни Худо урган,  
Аламдийда, жабрланган У!”  
У эса бизнинг гуноҳларимизни деб ярадор бўлди,  
Бизнинг айбларимиз туфайли эзилди.  
Бизга тинчлик келтирадиган жазо Унга тушди,  
Унинг яралари бизга шифо берди.  
Ҳаммамиз қўйлардай йўлдан адашдик,  
Ҳаммамиз ўз йўлимиздан кетдик.  
Ҳаммамизнинг айбларимизни  
Эгамиз Унинг зиммасига юклади.  
У жабр қўрди, Ўзи уқубат чекди,  
Аммо миқ этмади, оғзини очмади.  
Бўғизланишга олиб борилган қўзидаидай,  
Жун қирқувчи олдида жим турган қўйдай  
У миқ этмади, оғзини очмади.  
Ҳукм билан, куч билан олиб кетилди.  
Унинг насли ҳакида ким ўйлади?  
Тириклар юртидан У улоқтирилди,

Халқимизнинг гуноҳи туфайли Унга зарба тушди.  
Гарчи У ёвузлик қилмаган бўлса ҳам,  
Оғзидан ёлғон сўз чиқмаган бўлса ҳам,  
Унга ёвузлар қатори қабр берилганди,  
Аммо ўлганда У бойлар ёнига кўйилди.  
Эгамиз Ўз қулини эзишни, азоблашни маъқул кўрди.  
Шундай бўлса ҳам, Эгамизнинг қули Ўз наслини қўради,  
Узоқ умр кечиради,  
Чунки У Ўзини гуноҳ учун назр қилди.  
У орқали Эгамизнинг хохиши бажо бўлади.  
Чеккан азобларининг натижасини кўриб,  
У мамнун бўлади.  
Менинг солиҳ қулим Ўз билими туфайли  
Кўпчиликни оқлаб, уларнинг айбини Ўзига олади.  
Шу боис буюклар қаторида Унга улуш бераман,  
У кучлилар билан ўлжаларни бўлишади.  
Ахир, У Ўзини ўлимга тутиб берди,  
Гуноҳкорлар қаторида саналди.  
Кўпларнинг гуноҳини У Ўзига олди,  
Гуноҳкорлар учун васийлик қилди.

Бу китобда биз Ишаё пайғамбар китобининг 53-бобида топилган муайян тафсилотлар билан Исонинг ҳаёти ва шахсини таққослаб, Янги ва Эски Аҳднинг тарихий ишончлилигини тадқиқ этамиз, башоратлар табиати ҳакида ва гуноҳни ювиш таълимоти тўғрисида билиб оламиз. Келинг, бу саёҳатга бирга жўнайлик! Сизга зарур бўладигани бу – бор-йўғи янги билимлар учун очиқлик ва самимий юракдир!

## **1-БОБ** **МЕН ЯҲУДИЙМАН... ХЎШ, НИМА БЎПТИ?**

Бугунги кунда аксарият яҳудийлар, кўнгли очик бўла туриб, танлаб олинганлик ғоясининг ўзи бизни хижолат қилаётганини тан олган бўлишарди. Биз халқимиз Худо томонидан танлаб олинганлигидан хижолат тортамиз. Ҳатто яҳудийлигимиз далилиниңг ўзиёқ бизга бир оз ноқулай туюлади.

Албатта, диндор яҳудийларга яҳудийлар – Худо томонидан танлаб олинган халқ эканлигига рози бўлиши осонроқ. Кўргина яҳудий диний жамоалари биз Исроилнинг Худосига содиқ бўлиш ва Синай тоғида инъом этилган Тавротда бизга очиб берилган Унинг амрларига итоатда яшашимиз учун танлаб олинганлигимизга розидирлар.

Лекин кўпчилигимиз “диндор” эмасмиз. Бунинг устига кўпларни яҳудий халқининг Худо танлаб олганлиги далилига чин қалдан ишонадиган қабиладошларимизнинг “сарабланганлиги” ташвишга солади.

Биз халқ сифатида Худо томонидан алоҳида тарзда танланганимизга ишончимиз қўпчилик томонидан ўзига бино қўйиш ва бидъат сифатида қаралади – агар бунга замонавий мульти-маданият таъсири остида қаралса. Ҳа, биз ўз этник гуруҳимизнинг ноёблигини осон қабул қиласиз. Биз ўз меросимизга ардоқ билан муносабатдамиз ва ажойиб анъаналаримизни худди польшалик америкаликлар, италиялик америкаликлар, афроамерикаликлар ва Лотин америкаликлар каби сақлаймиз. Лекин ўзини “танлаб олинган” деб ҳисоблаш? Бу ўзининг ноёблигини ҳеч нима билан асосламаган миқёсларга қадар шишириб юборишни англатмайдими?

### **Танланганлик юки**

Нима яхудийларни сайёранинг бошқа халқлари орасида ноёб қиласи? Бу биз ҳар куни ўзимизга ёки бошқаларга берадиган саволимиз эмаслигини биламан; лекин яхудийлар анъанасида тарбияланган бизнинг қўпчилигимиз бу далилни тушуниш ва мулоҳаза қилишга уринамиз. Эҳтимол, бу масала биз учун қанчалик муҳим эканлигини бошқалар фаҳмлаб олишини истамасмиз, лекин биз, яхудийлар баъзи маънода бу масала биз учун қимматга тушаётганини тушунамиз (бироқ биздан олдин яшаганлар учун уларнинг яхудийлиги уларга анча қимматга тушган!). Биз қирғинлар ва салиб юришлари ҳақида нафақат узоқ ўтмишдаги ҳодисалардан биламиз. Бугунги кунда, XXI асрда ҳам, биз доим Холокостни эслаб яшаяпмиз. Гарчи ўзимиз уни бошдан ўтказмаган ёки уни бошидан ўтказганларнинг болалари бўлмасакда. Айтиш мумкинки, Холокост кўп жиҳатдан ҳаётимизни ва яхудийлар ўзлигини англашини белгилаб берди.

Яхудий халқининг мавжуд бўлиши биз учун жуда муҳим, чунки биз яхудийлармиз. Кўпчилигимиз яхудий халқи, унинг тарихи ва маданиятини гуллаб-яшнаган ҳолда кўришни истаймиз. Ўтган асрда биз шунчалик кўп нарса йўқотдикки, бугунги кунда халқимиз, унинг маданияти ва динининг (гарчи биз унчалик диндор бўлмасакда) тирик қолиши яхудий сифатида биз учун жуда муҳимдир. Шундай эмасми?

*Яхудий бўлиш* нимани англатади? Бу саволни ўзимизга беришимиз биланоқ, албатта хаёлимизга, миллатлараро “ҳазиллар” кела бошлайди. Шамоллаганда товук шўрва, мактабда фақат аъло баҳолар – гап нима ҳақида бораётганини ҳаммамиз тушунамиз! Лекин ишончим комилки, биз қалбимизнинг тубида чуқурроқ ва жиддийроқ жавобларга ташнамиз.

Умуман олганда, яхудийлигимиз, бугунги кунда ҳам, болалиқдан катта ҳаётга қандай ўтишимизни белгилаб беради. Яхудий бўлиш дунёга маълум бир тарзда муносабатда бўлишни англатади. Гарчи биз, худди аввалгидек, оналаримиз бизга ўргатган маданий меъёрларга риоя қилсакда, “яхудий бўлиш” анча кўп нарсани ўз ичига олишини фаҳмляяпмиз.

Эҳтимол, биз ўзимизга берадиган энг асосий саволлардан бири: «Танланган бўлиш нимани англатади?» деган саволдир.

Бизнинг “танлаб олинган” лигимизга нисбатан яхудий амби-валентлиги (туйғуларнинг мураккаб чатишуви)ни “Томдаги скрипкачи” фильмида кўриш мумкин. Бир пайт Тевье-сут сотувчи осмонга қарайди ва шундай дейди: «Ҳа,

мен биламан, биламан! Биз – Сенинг танлаган халқингиз. Аммо Сен баъзан, вақтинча бўлса ҳам, бошқа бирорни танлаб олсанг бўлмайдими?»

Кўпинча халқимизнинг Худо томондан танлаб олинганлиги, яхудийларнинг ўзларининг тушунчасида, қандайdir тутиб бўлмас ва жумбоқли нарса бўлиб кўринган. Кўринишидан, бу танлаб олинганлик кўп жиҳатдан бизнинг қувончларимиздан кўра юкимизни кўпайтирганга ўхшайди. У бизга ғалабалардан кўра кўпроқ муаммолар келтириди ва тинмаётган таъқиблар учун баҳона бўлди. Мажусийлар кўпинча яхудийларнинг “танлаб олинганлиги”ни антисемитизм учун сабаб сифатида ишлатишди.

Яхудий халқининг танлаб олинганлиги таълимоти яхудийлар ва “масиҳийлар” ўртасида бир-бирини тушмасликка олиб келди (ҳатто яхудийлар ва мусулмонлар ўртасидагига қараганда кўпроқ). Афсуски, асрлар давомида иудаизм ва масиҳийлик – ҳар бири Худо томонидан танланганликка даъвогарлик қилган дунёнинг иккита буюк дини ўртасида баҳс ва рақобат руҳи ривожланди.

Бу қарама-қаршилик натижаси яхудий халқи энди танланган эмас деб ҳисоблайдиган ва моҳиятан, Исони рад этганигимиз учун бизни қоралайдиган тарихий масиҳийлик ичида яхши тушунмаслик бўлди. Айнан мана шу ишонч асрлар давомида қўплаб “масиҳийлар”га ўзининг Худога хизмат қилишини яхудийлар билан бешафқат муносабатда бўлишда деб қарашга имкон берди. Ҳозирги кунда бу унчалик кенг тарқалмаган деб ўйлаш лозим, лекин шунга қарамай, баъзи қолдик ҳолатлар сақланиб қолган ва бу, шубҳасиз, бир-бирини тушунишга салбий таъсир қилмоқда.

Яхудий Муқаддас Китобимиз айнан масиҳийликнинг асосчиси бўлган Масиҳнинг келишини башорат қилганига ишонишимиз қийинлигига ҳайрон қолиш керакми?<sup>2</sup> Агар яхудийлар тарихига мурожаат қилинса, яхудий учун “масиҳийлик”ни кейинчалик мажусийлар учун ҳам очилган яхудийлик ҳаракати сифатида қабул қилишнинг амалда иложи йўқлиги тушунарли бўлади. Исо яхудий Масиҳ эканлигига ишониш учун, масиҳийликни тушунишимизни қайта кўриб чиқишимиз ва унда бегона, мажусийлик илдизларини эмас, яхудийлик илдизларини кўришимиз зарур. Яхудийларнинг кўпчилиги учун бу жуда осон эмас.

Тарихан шу нарса шаклланганки, Масиҳ Шоҳ сифатида келишидан олдин, азоб чекиши ва ўлиши зарур бўлганлигини қабул қилишимиз қийин. Китобнинг 10-бобида кўрасизки, бундай дунёқарашнинг акс-садолари Мишнада ва ҳақиқатан ҳам шундай бўлиши керак деб ўйлайдиган раввинларнинг кўпгина бошқа кўлёзмаларида ҳам бор. Бироқ яхудийларга бу далилни қабул қилиш учун очиқ бўлишлари жуда қийин, чунки буни тушуниб этиш “номи ила” бизнинг аждодларимизни таъқиб этишган ўша Масиҳни қабул қилишга олиб келиши мумкин.

Айнан шу нарса Ишаё пайғамбар китобининг 53-бобини объектив кўриб чиқишимизга халақит қиласди. Бунинг устига, агар Исо яхудийлар Масиҳи бўлсаю, лекин У мажусийлар Масиҳи ҳам бўлса, у ҳолда бизнинг танланганлигимизнинг ноёблиги айнан нимада? Яхудий халқининг улуши ва

вазифаси нимадан иборат?

### **Танлаб оловчиси бўлмаган танланганлар**

Исройлдаги машҳур пивонинг шиори шундай дейди: «Бу пивони танланган халқ танлайди!» Ушбу ҳолатда яхудий халқи мавжудлигининг мазмунини билдирувчи танлаб олинганлик маркетингнинг шилқим шиорлари даражасигача олиб туширилган ва пиво рекламаси учун ишлатилган! Бирок бу бизни унчалик ғазаблантирмаслиги керак: афтидан, бу шиор танланган халқ бўлиш нима эканлигини ўзи ҳам яхши тушунмайдиган яхудий маллиф томонидан ўйлаб топилган.

Бугунги кунда қандайдир халқ ўзини танлаб олинган деб атаси ҳақидаги фикрнинг ўзиёқ жирканчdir. Яқин ўтмишдаги барча йирик сиёсий ҳаракатлар, Буюк француз инқилобидан бошлаб, имтиёзли синф тушунчасини йўқотишни ўзларининг бош вазифаларидан бири сифатида кўрдилар – ва мана шу жиҳатдан халқнинг “танлаб олинганлиги” ғояси таназзулга юз тутган ғояси сифатида кўрилиши мумкин.

Яхудийлар доимо ҳар қандай ижтимоий ҳаракатнинг олдинги қаторида бўлдилар – Франция ва Россиядан тортиб, Кўшма Штатларгача. “Синфсиз жамият” тузиш ғояси кўпинча ватандошларимга Худо халқимизни қандайдир алоҳида мақсадлар учун танлаб олганлиги тўғрисидаги ғояга қараганда анча жозибалироқ туюлган.

Америкалик яхудийлар эканмиз, тенглик жамиятимизнинг мустаҳкам идеалларидан бири эканлигини фаҳр билан айта оламиз. Шундай экан, нега энди одамларнинг баъзи гуруҳи танлаб олинган сифатида қаралиши керак? Бу бизнинг жамиятимизнинг ҳам, кўплаб Ғарб мамлакатлари жамиятининг ҳам фалсафий асосларига зид келади.

“Танлаб олинганлик” масаласи яхудийларни ўз-ўзларига янада мураккаброқ саволлар беришга ундейди. Агар биз ҳар биримизни алоҳида ҳамда бутун яхудий халқини маълум бир Илоҳий мақсад билан яратган Худо борлигига ҳақиқатан ҳам ишонсан, ҳаётимиз қандай ўзгаради? Ахир, биз ҳаётимизнинг Илоҳий мақсади нимадан иборатлигини тушунишни истамаймизми?

### **Жавоблар учун қаерга мурожат қилиш керак?**

Танлаб олинганлик ғоясининг ўзиёқ бизни танлаган Зотнинг мавжудилиги далилини назарда тутади. Қандай қилиб биз Танлаб оловчини қабул қилмасдан туриб, ўзимизнинг танланганлигимизни тушунишга уринишимиз мумкин?

Биз яхудий халқи бошқалардан фарқ қилишини биламиз. Яхудийларнинг алоҳида тарихи, алоҳида маданий анъаналари бор бўлиб, улар кўпинча яхудийлар асрлар давомида яшаган мамлакатларнинг анъаналари ва хусусиятлари билан чатишиб кетган. Сефардмизми ёки ашкеназми, собиқ Совет Иттифоқи, Польша, Шимолий Африкадан келганмизми ёки исройлликмизми – биз ҳаммамиз бир-биримиз билан яхудийлигимиз орқали боғланганмиз. Шунга қарамай, “танлаб

олинганлигимиз” умумий миллий тарихимиз, диний байрамларимиз ёки анъанавий таомларимизга қараганда күпроқ нарсани қўзда тутади.

Бизнинг меросимиз асосини ўзини ташкил қиласдан кўра чуқурроқ нимадир мавжуд: бу, халқимизнинг Яратувчи томонидан маҳсус муқаддас мақсад учун танлаб олинганлиги гоясиdir. Тики авваламбор бизни танлаб олган Зот билан муносабатларимизни тиклаб, бу мақсадни тушуниб олмагунимизча, биз ўзимизни – яхудий сифатида ҳам, шахс сифатида ҳам – намоён эта олмаймиз.

Эҳтимол, сиз Муқаддас Китобга мурожаат қилмай туриб, бу топилган жавоблар юзаки ва вақтинчалик эканлигини аниқлаб, яхудий бўлишнинг маъноси нима эканлигини таърифлашга уриниб кўргандирсиз. Бу шунинг учун ҳамки, фақат Муқаддас Китобни тушуниш орқалигина биз “танлаб олинганлигимиз” сирини англашиб олишимиз мумкин, чунки бу тезис илк бор унда эсга олинган ва ривожланмоқда. Битикларни ўқиётиб, бизни танлаб олган Худо ҳакида ва У нега бундай қилгани сабаблари ҳамда Унинг бутун дунёдаги халқларга нисбатан режалари ва мақсадлари тўғрисида билиб оламиз.

Муқаддас Китобни ўрганиш – вақт ва куч сарфлашга арзиди. Бу, пировардида сизнинг ҳаётингизни бойитади. Биз яхудий халқининг, Муқаддас Китобда тасвирланганидек “танлаб олинганлигини” англашиб етганимизда, яхудий бўлиш нима эканлигини фаҳмлай бошлаймиз. Бу тадқиқот кутилмаган ва ҳайратланарли натижаларга олиб келади ва бизнинг онгимиз янги билимлар учун очик бўлади, деб умид қиласман!

Моҳиятан, фақат бизнинг Худо томонидан танлаб олинганлигимизни англагачгина, ўзимизнинг миллий мавжудлигимиз мўъжизасини фаҳмлашимиз мумкин. Мантиқ ва соғлом ақл нуқтаи назаридан яхудийлар халқ сифатида аллақачон қирилиб кетишига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Бироқ биз нафақат яшаб қолдик, балки гуллаб-яшнаётган миллатга айлана билдик. Бугун биз яна ўз еримиздамиз, ўз тилимиз бор ва биз дунё сахнасида содир бўлаётганларга сезиларли таъсир ўтказа оляпмиз.

Агностик ва скептик Марк Твен яхудий халқи мавжудлигини йўқ қилиб бўлмаслиги ғайритабиий ва ҳайратланарли эканлигини тан олганди. 1899 йилда у шундай деб ёзганди:

«Мисрликлар, бобилликлар, форслар, дунё салтанатларини яратган. Бутун саёрага ўзларининг қудратлилиги ҳакида тантанали ва сершовқин эълон қилишган, кейин эса худди тутун каби даф бўлишган ва ўлишган. Юнонлар ва римликлар уларнинг донгдор шуҳратини мерос қилиб олишган – ва улар ҳам йўқликка юз тутишган. Бошка халқлар пайдо бўлишди, ўзларининг алангали машъласини вақтинча қўтаришди, лекин фақат учқунлар қолдириб, у ҳам ёниб битди, баъзан шу учқунлар ҳам ёниб бўлди. Яхудийлар уларнинг ҳаммасини кўрди, уларнинг ҳаммасини мағлуб қилди, ҳозир ҳам яхудийлар худди хар доим бўлганлари кабидирлар: асрлар давомида тушкунлик ва заифликни билмаган. Худди ҳозиргидек, ҳеч қачон яхудийларнинг таъсири, улар яшаётган халқлар орасидаги ўрни пасаймаган, уларнинг

куввати, ҳаракатчанлиги ва ақлининг ўткирлиги камаймаган. Дунёда ҳамма ўлимга маҳкум, ҳамма кетади, ҳатто энг кучлилар ҳам, бироқ яхудийлар қолади. Улар абадийлигининг сири нимада?»<sup>3</sup>

Марк Твен бу сўзларни замонавий Истроил давлати тузилишидан яrim аср илгари ёзганди. Яна шуниси аҳамиятлики, бу Холокостга қадар ёзилган. Мен Марк Твен бу икки ҳодисадан кейин нималарни ёзган бўлиши мумкинлигини фақат тасаввур қилишим мумкин. Улар унинг яхудий халқини “йўқотиб бўлмаслиги” ҳақидаги ишончини янада мустаҳкамлаган бўлар эди.

На бошқа халқларнинг хукмронлиги, на салиб юришлари, на Шарқий Европадаги доимий таъқиблар, пировардида на “яхудийлар масаласини бутунлай ҳал қилиш”ни кўзлаган Гитлер, на бошқалар – яхудийларни халқ сифатида йўқ қила олмади.

Ҳатточи биз раввинимиздан “Сен бугун эркак бўлдинг” ёки “Сен бугун аёл бўлдинг”ни (ўзимизнинг “бар-мицва ёки бат-мицва” лигимизни) эшитган кунимиздан сўнг, синагогага бирор марта ҳам бормаган бўлсакда – биз яхудий халқининг йўқолиб кетмаслиги далилининг ўзидаёқ нимадир ғайритабиийлик борлигини инкор қила олмаймиз.

Халқимизни танлаб олган ва миллатимизни сақлашда давом этаётган Худо борлигидан ташқари бу замонавий мўъжизага қандай изоҳ бера оласиз? Яхудий халқи мавжудлиги ва замонавий Истроил давлати тузилишининг ўзиёқ – Иброҳим, Исҳоқ ва Ёқубнинг Худоси болигининг жуда жiddий ва ишончли исботидир. Истроилнинг келажаги Битикларда тасдиқланган ва ишонтирилган, шунинг учун биз Танаҳ (яхудий Муқаддас Китоби ёки Эски Аҳд) деб атайдиган Китобга жамланган қадимий матнларга бутунлай жiddий қараш лозим.

### **Муқаддас Китоб истиқболи**

Иудаизмдаги танлаб олинганлик ғоясини тушуниш учун, Муқаддас Китобнинг бу ҳақида гапирилган жойларини ёдлаб олиш зарур. Ҳатто биз синагогага вақти-вақти билан бораётган бўлсак ва яхудий халқининг тарихи ва динини чуқур қадрласакда, танлаб олинганлигимиз ғояси асосланган Муқаддас Китоб ҳақиқатларини билмаслигимиз мумкин.

Ўзининг бат-мицвалигидан сўнг диндан узоқлашган баъзиларимиз, қалбининг туб-тубида яхудий Муқаддас Китобини тушунишсиз ўзларининг яхудий сифатидаги бош вазифасини тўла англаш жуда қийинлигини тан олишади. Танлаб олишга қодир бўлган Худонинг мавжудлигини эътиборга олмай туриб ва бизнинг миллат сифатида шаклланишимизнинг маънавий манбалари тасвирланган Китобга мурожаат қилмай туриб, бизнинг “танлаб олинганлигимиз” ҳақидаги саволга мос жавоб бериш мумкин эмас. Биз яна қаердан жавоб топишмиз мумкин?

Эҳтимол, сиз учун Муқаддас Китоб – шунчаки яхудий тарихини ёритиб берувчи китобдир. Эҳтимол, сиз уни шу нуқтаи назардан ҳам яхудий халқи учун, ҳам масиҳийлар ва мусулмонлар учун асос бўлувчи диний китоб сифатида кўриб чиқишга тайёрдирсиз. Эҳтимол, сиз учун Муқаддас Китоб

шунчаки антология, қизиқарли ўқиш бўлиб, сиз унда фақат ахлоқий ва руҳий ҳикматлар, чиройли диний қўшиқлар ва шеърият, халқимиз асрлар давомида тўплаган донишмандлик ва билимлар тўпламини кўраётгандирсиз.

Кейинги бобларда биз Битикларнинг ўзгармас ва ишончлилиги далилларини кўриб чиқамиз. Аммо сиз ҳозирги вақтда Муқаддас Китобга қандай муносабатда эканлигиниздан қатъи назар, ўқиш давомида сизнинг қалбингиз бойиши, яхудийча ўз-ўзини англашингиз эса чуқурлашишига ишонаман. Сиз бу китобни ўқиб чиқищдан кутишингиз мумкин бўлган энг кам нарса бу яхудийларнинг «танлаб олинганилиги» таълимотини яхшироқ тушунишишингиздир.

### **Иброҳимнинг танлаб олиниши**

Яхудий халқининг танлаб олиниши эркак ва аёл – Иброҳим ва Сорадан бошланган (ўша пайтда улар ҳали Ибром ва Сорай деб аталишарди). Семит кўчманчилари янги миллатнинг уруғбоши бўлиши учун Худо томонидан даъват қилинганди. Битиклар матнига кўра, уларнинг ота-она бўлиш имконияти – бутун халқни қўя туринг, кимгadir бўлсада – жуда ҳам кам эди. Шуниси қизиқки, Худо шунчаки яхудий халқини танлаб олганидан кўра кўпроқ иш қилган: У аллақачон фарзанд кўриш ёшидан ошиб бўлган эркак ва аёлдан фарзандни дунёга келтириб, амалда халқ яратди. Худо ва Ибромнинг бу биринчи учрашуви Ибтидо китобида тасвирланган (12:1-3):

*“Шундан кейин Эгамиз Ибромга деди: “Ўз юртингдан, қариндош–уругларинг олдидан — отанг хонадонидан чиқиб кет. Мен сенга бир юртни кўрсатаман, ўша ерга борасан.*

*Буюк халқнинг отаси қиласман сени,  
Барака бераман сенга,  
Улуғ қиласман сенинг номингни,  
Барака манбаи бўлурсан сен.  
Мен барака берурман сени дуо қилганларга,  
Сени лаънатлаганларни Мен лаънатлайман.  
Сен орқали барака топарлар  
Ер юзидағи жасамики халқлар.”*

Худо халқ учун ғайритабиий тарзда яратилган мамлакатни беришни ваъда қилди. У ҳатто бу мамлакатнинг чегараларини ўрнатди. Бу Ибтидо китобида қандай тасвирланганига эътибор қилинг (15:18):

*“Шундай қилиб, ўша куни Эгамиз Ибром билан аҳд қилди ва шундай деди: Мен сенинг наслингга Мисрдаги дарёдан тортиб буюк Фуром дарёсигача бўлган жойларни... бераман”*

Бу оятларда Худо яхудий халқини пайдо қилган ва танлаб олган Зот сифатида намоён бўлади. У Ибром ва Сорайнинг авлодлари миллат пайдо қилиши учун, уларга ғайритабиий тарзда ўғил беришни ваъда қилади. У Ибромга бир нечта жуда муҳим шахсий ваъдалар ҳам беради.

Бироқ бу матннинг энг муҳим банди Ибтидо китоби 12-бобининг 3-

оятида жойлашган бўлиб, ундан биз яхудий халқининг илоҳий тақдири ҳақида билиб оламиз. Кейинчалик Пайғамбарлар китобларида ҳам тасдиқланган бу оятда Исроил халқи Худо томонидан дунёга халқларига барака (иврит тилида *гоим*) келтириш учун яратилгани айтилган. Мажусийлар учун марҳамат манбаи бўлиши учун Яхудий халқи Худо томонидан яратилди!

Пайғамбарлар китобларида Исроил халқлар учун ёруғлик ва Худонинг Коинот ҳукмида Унинг ҳақиқатига гувоҳ бўлишга даъват этилган. Анъанавий тарзда яхудий халқи буни кўплаб худоларга сифинган дунёга яккахудоликни келтиришга чақириқ деб тушунган.

Яхудий халқи Худонинг адолатли Шоҳлиги фуқаролари камбағаллар ва хуқуқсизларга ғамхўрлик қилишларини талаб қилган эзгу Худо ҳақида дунёга гапириб беришга даъват этилган. У болаларни қурбон қилишни, бутхона фоҳишалигини ва дин номидан содир этиладиган бошқа мудҳиш одатларни қоралади. Бу одатларнинг кўпчилиги қадимги дунёда мутлақо ҳимоясиз бўлган аёллар, болалар ва бечораларга тааллуқли эди.

Хатто агар сиз ўзингизни агностик ёки атеист деб ҳисобласангиз ва замонавий талқинлар тарафдори бўлсангиз ҳам, барибир сиз Исроил халқи зиммасига юкланган масъулият ва Ибтидо китобининг муаллифи томонидан тақим этилган жуда аниқ мажбуриятлар: тузатишга ўта муҳтож бўлган дунё (*тиққун олам*)да<sup>4</sup> Таврот ахлоқини ёйишнинг мазмунини тушуна оласиз.

Яхудий халқи дунёга барака олиб келиш учун Худо томонидан яратилган ва чақирилганига қарамай, бизга бу барака айнан нимадан иборат бўлиши аниқ айтилмаган. Буни яхудийлар дунёга беришга даъват қилинган барака Тавротга асосланган ахлоқий яккахудолик деб тушунишимиз керакми? Ёки бундан ташқари, яхудий халқи дунёга бериши керак бўлган яна бир нарса борми?

Ҳаворий Павлус номи билан танилган – Рав Шоул – Галатия (замонавий Туркия) худудида яшаган Исонинг ilk издошларига яхудий халқи дунёга келтирадиган асосий барака – Исо Масих эканлигини ўз мактубида ёзган. Иброҳим ва Довуднинг авлоди Исо яхудий онадан туғилган яхудий бўлиб, барча халқлар учун келган яхудий Масих сифатида тасвирланган. Қизиги шундаки, бугунги кунда бутпарастлар Танаҳни қабул қилишади, ахлоқий яккахудолик позицияларида туришади ва Таврот тамойилларига тасаввурга сифас даражада ишонишади. Агар мажусийлар Исони қабул қилмаганларида, бу содир бўлмас эди. Балки, Рав Шоул яхудий халқи дунёга берадиган асосий барака Худо деб атаганида ҳақиқатдан узоқ бўлмагандир.

Хўш, яхудий эканлигимизнинг ўзига хослиги нимада? Гарчи халқимиз омон қолишининг ўзи мўжиза бўлса-да, биз, шубҳасиз, шунчаки яшаб қолишдан кўра кўпроқ нарсалар учун яратилганимиз. Худо яхудий халқини биз У билан ҳам шахсан, ҳам халқ сифатида боғланишимиз ва бу алоқанинг баракасини дунёнинг барча халқларига етказишимиш учун танлаб олган. Биз бу даъватни – халқимизга берилган даъватини – тушуниб, уни ҳаётимизнинг мақсадига айлантиrsаккина, баҳтли бўламиз.

Охир оқибат, биз бу дунёга келтира оладиган энг катта неъмат бу Масиҳдир. Аммо бу Масиҳ қачон тинчлик ва фаровонлик даврини олиб келади? Бу жуда узоқ чўзилмоқда... Ҳақиқатан ҳам бизнинг дунёмиз шунчалик умидсизми, биз ўз даъватимизни унутиб, аввалгидек яшашни давом эттиришимиз керакми?

Яҳудий халқининг илоҳий вазифаси бор. У дунёга Масиҳ бериш учун Худо томонидан танланган. Биз қилаётган бошқа ҳамма нарсани фақат миллий тақдиримизни – бутун дунёга Худонинг тинчлигини, шаломни келтиришни амалга оширишга тайёргарлик деб қараш мумкин, холос. Худонинг халқимиз учун режасини билганимизда ва уни амалга оширишда У билан бирга иштирок этганимизда, биз яҳудий сифатида ўзимизни энг кўп даражада англаймиз.

Худо, моҳиятан, Масиҳнинг пайдо бўлишини "кутилмаган совға" сифатида режалаштирган, чунки У саҳнада кутилмагандан пайдо бўлади... бироқ, аслида шундайми? Ўқишида давом этинг – ва ҳаммасини ўзингиз кўрасиз!

## **2-БОБ. ЯҲУДИЙ БИТИКЛАРИ – ШУНЧАКИ ТАРИХИЙ КИТОБ ЭМАС**

Сиз қачондир Муқаддас Китобни ўқиганмисиз? Агар сиз бар- ёки батмицвани нишонлаган бўлсангиз, ишончим комилки, сиз ҳеч бўлмагандан кўз югуртириб, ушбу яҳудий миллий хазинаси билан танишган бўлишингиз керак. Эҳтимол, сиз Муқаддас Китоб иврит тилини ўргангандирсиз ва ҳафтараларнинг ҳафталиқ бобидан парча ўқиб бериб бутун оилани жуда хурсанд қилгандирсиз. Аммо бу сиз Худонинг инсониятга, яҳудий халқига ва ўз ҳаёtingизга нисбатан мақсадларини тушуниш ниятида Муқаддас Китобни ҳеч қачон ўқимаганингизни истисно этмайди.

Кўпчилигимиз яҳудий мактабларида ўқиганмиз ва фақат шундай қабул қилингандилиги учунгина яҳудий жамоасининг ҳаётида қатнашганмиз. Албатта, Муқаддас Китобни мунтазам ўқимасдан ҳам, диний ёки дунёвий яҳудийча ўзини англашга эга бўлиш мумкин. Аммо Синай тоғидаги инъомдан бери яҳудийлар ҳаётининг юраги бўлган ва шундай бўлиб қолган бу вақтга боғлиқ бўлмаган матнни тушунишга уриниш ҳеч кимга зарар келтирмайди.

Эҳтимол, сиз, ҳозир катталар учун, бутун кўп асрлик тарихни англаш ва Муқаддас Китоб XXI асрдаги ҳаёт учун долзарб ёки долзарб эмаслиги ҳақида ўз хуласаларингизни чиқариш вақти ниҳоят келгандир. Ишончим комил: сиз ҳайрон қоласиз!

Сўнгги ўн йиллкларда кўплаб яҳудийлар ҳақиқатни анъанавий иудаизмдан ташқарида қидириб, ҳиндуизм, буддизм ва бошқа яҳудий бўлмаган эътиқод шаклларига мурожаат қилишмоқда. Бу биз ҳаётнинг маъносини қидириб, жавоб излаётганимизнинг кўрсаткичидир. Аммо, афсуски, жуда кўп ҳолларда биз ўз руҳий тарихимизни англашга ҳаракат

қилмаймиз. Нега биз излашда Яхудий Битикларига истар-истамас мурожаат қилишимиз, нега халқимиз тарихига энг мос келадиган ўша руҳийликни ривожлантиришни хоҳламаётганимиз ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?

Тўғрисини айтганда, кўпчилик Муқаддас Китобни бугунги қунда унча ҳам долзарб эмасдек ҳисоблашади. Бу биз уни ҳамиша осонгина олиш учун “кўл етгулик” бўлиши учун энг кўринарли жойга қўймайдиган китобдир. Агар сиз қачондир Муқаддас Китобни ўқиган бўлсангиз, ҳойнаҳой, ўқиб чиққан матнларнинг кўпини тушунмагандирсиз. Баъзиларимизни иврит тили – ўзига хос тил эканлигига ва у орқали тушунарсиз сўзларни шунчаки такрорлагандага унинг маъносини тушунишимиз ва барака олишимиз мумкинлигига ишонч руҳида тарбиялашган. Бундай идрок ўтмишга хос бўлиб, бу Битикларга ва иудаизмга мурожаат қилишга ундаш ўрнига кўпроқ улардан узоқлаштиради.

Замонавий тилга айланишдан аввал иврит муқаддас тил – ибодатлар ва диний маросимлар тили, Муқаддас Китоб тили сифатида танилган. Балки, яхудийлар маънавиятини ва Худо билан шахсий муносабатларини излашда Муқаддас Китобга мурожаат қилмаганлигимизнинг сабабларидан бири биз иврит тилини ўқий олмай, уни она тилимизга таржима қилинган ҳолда ўқишга ҳаракат қилмаганимиздир.

Иврит қайтиб келди: замонавий Истроил давлати уни бутун халқнинг кундалик мулоқот тилига айлантирди. Аммо оғзаки иврит тилини билсалар ҳам, кўпчилик уни Битикларни ўқиши учун етарли даражада билмайди. Шу боис, замонавий яхудий учун Муқаддас Китоб кўпинча тушунарсиз туюлади.

Балки, сиз Муқаддас Китобни инсон эркинлигини чеклайдиган эскирган қонунлар тўплами деб ҳисобларсиз? Диний ҳокимият ҳақиқатан ҳам кўрқинчли бўлиши ва унинг номидан кўплаб сусистеъмолликлар содир этилиши мумкин. Одамлар бу уларни давлатнинг умумэътироф этилган ахлоқий меъёрлари ва юридик қонунларидан устун қўяди деган ўйда, ўзларининг худолари ёки пайғамбарлари номидан даҳшатли хатти-ҳаракатларни содир этишган ва содир этишда давом этмоқда. Имонлилар жамиятга жуда кўп ижобий нарсаларни олиб келишганига қарамай, улар “Муқаддас Китоб номи билан” қилган ёмонликлари шунчаки ақл бовар қилмасдир. Баъзи одамлар Муқаддас Китобнинг руҳий ва ахлоқий таълимотларини қурол сифатида ишлатиб, бошқаларга, хусусан, уларнинг фикрига қўшилмаганларга зарар етказганидан афсусланишдан бошқа илож йўқ.

Шунга қарамай, Муқаддас Китобнинг гўзаллиги, яхлитлиги ва поклиги баҳсга ўрин қолдирмайди. Унинг ахлоқий ва руҳий асослари бизни раҳмдил, яхши эр-хотинлар, ота-оналар, aka-ука ва опа-сингиллар – шунчаки жамиятнинг аъзолари бўлишга ўргатади. Қўшма Штатларнинг кўплаб ажойиб хайрия ҳаракатлари ортида айнан Муқаддас Китоб ахлоқи турибди. Агар Бернард Мэддоф<sup>5</sup> Муқаддас Китобни ўқиб, уни бутун қалби билан қабул қилганида эди, у яхудий жамоасини кўплаб одамлар ва турли яхудий ижтимоий ва хайрия муассасалари банкрот бўлишига олиб келган шафқатсиз ва ҳиссиз очкўзлик билан шарманда қилмаган бўлар эди.

Битикларни қандай кўриб чиқиши кераклиги ҳақида тортишувлар мавжуд: Худо илҳом берган, илоҳий илҳом ёки илҳом берилган одамлар томонидан ёзилган. *Илоҳий илҳом* ибораси "Худо илҳомлантирган" деган маънони англатади. Бу саволга жавоб берадиган кўплаб ажойиб китоблар ёзилган. Буни ўзингиз учун ҳал қилиш мақсадида Муқаддас Китобни ўқиб чиқишингиз керак. Фақат бир нарса аниқ: агар сиз Худога ва У ўзини инсониятга очиб берганига ишонсангиз, вақт синовидан ўтган бу Китоб инсоний доираларидан анча узоқда, деб тахмин қилиш мантиқан тўғри.

Қандай қилиб Худо номукаммал инсон деган мавжудотни Худонинг одамлар билан муносабатлари ва Унинг инсониятга тааллуқли режалари ҳақида аниқ ҳисбот ёзишга илҳомлантирганига ақл бовар қиласмикан? Битиклардаги сатрларини ўқиётганимизда, ҳақиқатан ҳам Худонинг овозини эшитишимиизга амин бўла оламизми?! Агар сиз ҳозир бу саволларга жавоб беришга тайёр бўлмасангиз ҳам, барибир Муқаддас Китобни очиқ қалб билан ўқинг ва Худодан у орқали сиз билан гаплашишини сўранг. Синаб кўринг, ахир сиз ҳеч нарса йўқотмайсиз-ку!

Сизда шундай савол туғилиши мумкин: "Бугун биз ўқиётган Муқаддас Китоб Мусо (Моше) ва пайғамбарлар томонидан ёзилган Муқаддас Китоб эканлигига қандай амин бўлишимиз мумкин?" Бизда бу масалани бу ерда батафсил мухокама қилиш имконияти йўқ, Битиклар матнини сақлаш ва авлоддан-авлодга узатишида, айниқса китоб чоп этиш ихтиро қилинишига қадар, энг кичик тафсилотларга бўлган ҳайротомуз иззат-икром ҳақида ўйлаб кўринг. Масалан, Ишаё пайғамбар китоби 53-бобининг энг қадимги матни милоддан аввалги 200 йилларга тўғри келади. У Қумронда топилган Ўлик Денгиз Ўрамлари тўпламининг бир қисмидир. Ўша вақтга қадар ушбу бобнинг энг қадимги матни милодий 900 йилга тегишли эди. Бу иккала матн (деярли минг йилдан кўпроқ вақт билан бир-биридан ажралган. – *таржимон изоҳи*) мутлақо бир хил бўлиб, бир-бирига сўзма сўз тўғри келади, бу эса яхудий ҳаттотларининг эътиборлилиги ва аниқлиги – ва, албатта, бу жараённи бошқарган Илоҳий қўл ҳақида гувоҳлик беради

Ҳаётимизни бойитиш ва уни Битиклар ёрдамида ўзгартиришнинг калити Муқаддас Китоб қандай ёзилгани ёки авлоддан-авлодга ўтказилганининг тафсилотларини билишда эмас, балки унинг мазмуни ҳаётимизнинг маркази ва жозибаси бўлишига имкон беришдадир.

### **Муқаддас Китобнинг сюжет чизиги**

Сиз бутун умр синагогага борган ва Муқаддас Китоб билан яхши танишган бўлишингиз мумкин. Бироқ менинг назаримда, кўплаб яхудийларга ўхшаб, сиз у ерга мунтазам бориб турмагансиз. Эҳтимол, сиз Муқаддас Китобнинг умумий тарихи устида ҳеч қачон мулоҳаза юритмагандирсиз. Балки, сиз унинг тузилиши, сюжет чизиги ва асосий бўлимлари билан ҳатто таниш ҳам эмасдирсиз.

Яхудийлар анъанасига кўра, Муқаддас Китобда учта асосий бўлим бор. Биринчиси бу Таврот – Мусонинг Беш Китоби, иккинчиси - Пайғамбарлар,

учинчи бўлим эса – ичига оятлар, тарихий (Биринчидан тўртингичагача Шоҳлар Китоби) ва бошқа баъзи китоблар киритилган Битиклардир. Муқаддас Китобнинг кичикроқ бўлимлариға байрамлар билан боғлиқ алоҳида китоблар (масалан, биз Пурим байрамида ўқийдиган Эстер ёки Эзфир Китоби) киради.

Дастлаб, Муқаддас Китоб ўроғлиқ қоғозларга ёзилган, аммо бугунги кунда бу қоғозлар бўйича уни фақат синагогда ўқишади. Босма дастгоҳ ихтиро қилинганидан сўнг, ўқиши осонлаштириш учун Муқаддас Китобни бошқа адабий асарларда бўлганидек, боб ва оятларга ажратишга қарор қилинди. Баъзида боблар ва оятларга бўлиш ўзбошимчалик билан қилингандек кўринади, лекин аслида ўқиш ва ҳавола қилиш учун жуда қулайдир.

Муқаддас Китобнинг дастлабки бешта китобида дунёнинг яратилишидан Мусонинг вориси Нун ўғли Ёшуагача бўлган воқеалар ҳақида ҳикоя қилинади. Бу бешта китобда – Мусонинг Беш Китоби ёки Тавротда – Иброҳим, Исҳоқ, Ёқуб, Юсуф, уларнинг хотинлари ва болаларининг тарихини – уларга нисбатан ҳар қандай замонавий "узундан-узоқ опералар" зерикарли бўлиб туюладиган ҳикояларни ўз ичига олган! Тавротда биринчи Фисих байрами, Исроил халқининг Қизил денгиз орқали ўтиши, Масих ҳақидаги биринчи ваъдалар, Исҳоқ (Ицхак)нинг қурбонликка келтирилиши ва бошқалар тасвирланган. Бундан ташқари, Мусонинг Беш Китобида Синай тоғида Тавротнинг инъом этилиши ҳақида ҳикоя қилинади. Маъбад ҳали қурилмаган бўлса-да (ўша пайтда Исроилликларда фақат кўчма Чодир бор эди), бу дастлабки бешта китобда ўша вақтдан бошлаб яхудий халқининг диний ҳаётида муҳим роль ўйнаган қурбонликлар тизими тасвирланган ва ўрнатилган.

Беш Китобда биринчи марта кейинчалик Муқаддас Китобда марказий бўлиб қолган ғоялар ва мавзуулар белгилаб олинган. Хусусан, бу биз Худонинг феъл-атвори – Унинг севгиси, илоҳийлиги, қудрати ва шоншарафи ҳақида билиб оладиган биринчи маълумотлардир. Одам Ато ва Момо Ҳавонинг яратилиши ва уларнинг Худонинг амрига бўйсунмасликлари, натижада Худо улар учун яратган мукаммал жойдан ҳайдаб чиқарилиши Муқаддас Китобнинг энг муҳим сюжет чизикларидан бирига асос бўлади. Эътибор беринг: илк эркак ва аёлда ҳамма нарса бор эди, лекин шунга қарамай, улар илоннинг (шайтоннинг) васвасасига берилиб, Худога қарши исён қўтаришди. Шундай қилиб, биз бутун Муқаддас Китобни қамраб олган асосий мавзуулардан бирига яқинлашамиз: бир томонда, инсониятга барака бераётан Худо, бошқа томонда – афсуски, доим Ундан юз ўгираётган биз.

Аслида, Муқаддас Китоб ҳикоясининг қолган қисми Худо инсониятнинг гуноҳини ювиш сайъ-ҳаракатларига, яъни Унинг яратганлари яратилишидан кўзланган мақсадни амалга оширишлариға қаратилган. Фисих ва Чиқиши ҳақидаги ҳикоялар гуноҳни ювиш тарихининг рамзи ва турланишига айланади: қудратли Худо яхудий халқини гуноҳни ювишга, уларни қулликдан озод қилишга; яхудийлар У ваъда қилган ерда яшашлари

учун уларни халос қилишга ваъда берди. Муқаддас Китобда "нажот" мотиви шундай пайдо бўлади - бу атама тез-тез ишлатилади, лекин ҳар доим ҳам тушунилмайди. Моҳиятан, "нажот топиш" Худонинг ҳузурида ва Худонинг ваъдаларига биноан яшаш учун руҳий эркинликда "қулликдан озод бўлиш" деган маънени англатади.

Муқаддас Китоб яхудий халқининг келиб чиқиши ҳақида ҳам ҳикоя қиласиди. Муаллиф Иброҳимнинг бош вазифасини, Худонинг унга халқ ва ер ваъда қилганини, Мисрдаги асирликда миллий онг шакллантирилганлигини ва гарчи бу халқ қийинчиликларни бошидан кечиришга тўғри келсада, Худо уларни доимо қудратли қўли билан кўллаб-кувватлайди, деб ишонтирганлигини тасвирлайди. Осмонда ёки ерда ҳеч нарса Худо берган ваъдаларини бажаришига тўсқинлик қила олмайди.

Тарихий китоблар Ёшуа китобидан бошланиб, Исроил юртининг босиб олинниши ва халқнинг яратилиши тарихи ҳақида ҳикоя қиласиди. Улар Худо абадий ўрнатган Шоҳ Довуд сулоласининг туғилиши ҳақида сўзлайди. Бу яхудий халқи анъанавий равишда Масих Шоҳ Довуднинг авлоди бўлишига ва ҳатто Довуд шаҳрида – Байтлаҳмда туғилишига ишонишининг сабабларидан биридир. Тарихий китобларда яхудий халқи қандай қилиб қабила жамоасидан ўз юртида яшовчи халққа айлангани, кейин босиб олинган ва забт этилган халққа, кейин эса ўз ватанига қайтган халққа айлангани ҳақида ҳикоя қиласиди.

Маълумки, Бобилдаги асирликдан сўнг яхудий халқининг ҳаммаси ҳам Исроил ерига қайтмаган. Милоддан аввалги 722 йилда пойтахти Найнаво бўлган кучли Оссурия (Юнуснинг тарихи эсингиздами?), Исроилнинг Шимолий Шоҳлигига ҳужум қилди. Довуднинг ўғли Сулаймон ҳукмронлигидан кейин мамлакатда бўлиниш юз берди ва ўнта Исроил қабиласи гўёки "йўқолиб кетди". Оссурияликлар, одатдагидек, забт этилган яхудийларни асирга олишди ва улар ўзлигини англашини заифлаштириш ва эҳтимол тутилган исён кўтаришларининг олдини олиш учун уларни бутун империя бўйлаб тарқатиб юборишли. Шимолий Шоҳликнинг йўқ қилинишини тасвирлаб бўлгач, тарихий китоблар Жанубий Шоҳликнинг, биринчи навбатда унинг пойтахти – Қуддуснинг тарихини ҳикоя қилишга ўтади.

Сулаймон қурган Маъбад милоддан аввалги 586 йилда вайрон қилинган эди. Бир неча ўн йилликлар ўтиб, форс ҳукмдорининг рухсати билан у қайта тикланди – фақат милодий 70 йилда римликлар томонидан яна йўқ қилинди. Тарихий китоблар тахминан 600 йиллик даврни қамраб олади: Довуд Шоҳлиги яратилган вақтдан тортиб (милоддан аввалги 1000 йил) то Эзра ва Нахимиё бошчилигига Яхудийларнинг Қуддусга қайтишигача (милоддан аввалги бешинчи аср ўрталари) бўлган давр.

Гарчи Пайғамбарлар китоблари Муқаддас Китобнинг тарихий китобларидан ажратилган бўлса-да, биз пайғамбарлар тарихий китобларда тасвирланган даврда яшаганлигини тушунишимиз керак. Муқаддас Китоб пайғамбарлари икки тоифага бўлинган – Буюк ва Кичик пайғамбарлар. Буюк пайғамбарлар – Ишаё, Еремиё, Ҳизқиёл ва Дониёр (гарчи баъзи черков

қонунларида Дониёр кичик пайғамбарларга киритилса ҳам ёки унинг китоби Битикларнинг тарихий китоблари қаторига киритилган бўлса ҳам). Кичик Пайғамбарлар жами ўн икки нафар эди (Муқаддас Китобда эслатиб ўтилган, аммо уларнинг номи билан аталувчи китоблар қолдирмаган пайғамбарлар билан бирга).

Пайғамбарлар китоблари мавзуси кўп жиҳатан Муқаддас Китобнинг асосий мавзусига тўғри келади. Пайғамбарлар Истроил халқига Худо юборган элчилар эди, улар одамларни тавба қилишга, исёнкор йўлларидан воз кечишга ва Худога қайтишга чақирдилар.

Пайғамбарларнинг вазифаси факат келажакни башорат қилиш эди, деб тахмин қилиш нотўғри. Пайғамбарлар, албатта, келажакни башорат қилишган – лекин бундан ҳам муҳими, уларни тинглаганларни Худонинг ҳозирги замонни ўзгартириш режасида иштирок этишга чорлашган. Бунинг энг яхши тасвирларидан бири Юнус китоби бўлиб, унда пайғамбар оссуряликларни гуноҳларини ювишга чақириш учун Найнавога қандай юборилгани баён қилинган. Юнусни қаттиқ ажаблантирган нарса, улар ҳақиқатан ҳам тавба қилишгани, шу тариқа, ўзларидан Худонинг ғазабини четлатишгани бўлди. Пайғамбарлар ҳозирги замонга мурожаат қилишган, аммо келажакни ҳам тасвирлашган. Маълум маънода, қилинган башорат уларга ваҳий қилинган ва қудратли Худо томонидан тасдиқланган. Пайғамбарлар ўз замондошларига мурожаат қилганлиги, Худо эса инсонни эркин ирова билан яратганлиги сабабли, пайғамбарларнинг чақириғига ўз вақтида жавоб берар экан, одамлар келажакдаги тақдирларини ўзгартириши мумкинлиги аниқ бўлди.

Афсуски, Муқаддас Китоб яхудий халқи ҳамиша ҳам пайғамбарларнинг чақириғига кутилгандек жавоб беришмаганини кўрсатган. Қолаверса, ҳар қандай бошқа миллат ва бошқа одамлар гурухи ҳам худди шундай қилган бўларди, чунки биз ҳаммамиз – Одам Ато ва Момо Ҳавонинг фарзандларимиз. Аммо бу тарихий давр давомида Парвардигор яхудий халқини ўз мақсадларининг диққат марказида бўлиши учун танлаб олди.

Яхудий Битикларини ўқир эканмиз, халқимиз руҳий саёҳатда эканлигини тушунамиз. Бизда харита, бизда кўрсатмалар, бизга тўғри йўлни топиш учун қаерда бурилиш ва тузатилган кўрсатмаларга қандай амал қилиш кераклигини айтиб турган "самовий навигатор" (GPS) овози бор эди - лекин ҳеч ким бу кўрсатмаларнинг мағзини чақмади.

Муқаддас Китобда бошқа кўплаб маълумотлар мавжуд. Шундай қилиб, бугунги кунда синагогаларда хизмат қилишнинг юраги Забур, Шоҳ Довуд томонидан ёзилган Худога қаратилган гўзал қўшиқлардир. Забурнинг кўплаб саноларига мусиқалар ёзилган. Ҳикматлар, Қўшиқлар қўшиғи ва ҳатто Еремиё пайғамбар томонидан ёзилган Марсияни, кўпинча донолик адабиёти деб аташади.

Ушбу китобларнинг гўзаллиги ва донолигини қадрлаш учун шунчаки Муқаддас Китобни ўқиб чиқиш етарли. Худо кимлиги ва сиз ҳамда мен ким эканлигимизни тушунмасдан туриб, ушбу бўлимдаги Забур ва бошқа китобларни ўқишининг иложи йўқ. Қолган бутун Муқаддас Китоб қисми нима

ҳақида гапирса, Забур ва донолик адабиёти ҳам худди шу ҳақда сўзлайди: Худо бизни севди ва ўз мақсадлари учун яратди, лекин биз унинг чақириғини қайта-қайта рад этмоқдамиз. Гуноҳларимиз ва худбинлигимиз туфайли биз баҳтли ҳаёт баҳш этиши мумкин бўлган дунёни муаммолар ва кулфатларга тўла дунёга айлантиридик.

Яхудий Битикларининг энг катта умиди Масиҳдир. У келиши билан инсоният ўз гуноҳи ва исёни билан ўзига орттириб олган барча муаммолар йўқолади. Бу – Муқаддас Китоб умид қиласиган ва хабар берадиган тарихнинг баҳтли охиридир. Масиҳ келади ва Куддусда ҳукмронлик қиласи. Ишаё башорат қилганидек, Масиҳ нафақат ғазаб ҳассаси билан, балки бутунлайadolat, раҳм-шафқат ва ҳақиқат билан ҳукмронлик қиласи. Катта Бобо ва Момонинг гуноҳига ботган дунё шифо топади ва Ер юзида ҳақиқий тиккун олам бўлади.

Муқаддас Китобнинг бутун тарихини бир неча жумла билан умумлаштириш осон эмас, лекин унчалик қийин ҳам эмас. Худо мукаммал дунёни, жумладан мукаммал одамларни, эркак ва аёлни яратди. У уларга Ирода эркинлигини берди, буни улар суиистеъмол қилдилар. Одам Ато ва Момо Ҳаво Худога қарши исён кўтаришди, сўнгра кейинги авлодлар ҳам исён қилишди. Кўп йиллар давомида Худо яхудий халқи дунёга раҳм-шафқат тарқатишини ният қилган, аммо унинг халқи исён кўтарган. Шундан сўнг, Худо, пайғамбарлар башорат қилганидек, одамларни ўзи билан яраштириш учун Масиҳини юборди. Кун келиб, ўлган ва тирилган Масиҳ қайтиб келади, лаънатни бекор қиласи ва Ер юзида Ўзининг раҳм-шафқат ваadolat таҳтини ўрнатади.

### **Муқаддас Китоб аниқлиги: тарих, фан, география ва маданият**

Муқаддас Китоб тарих, фан, география, маданият ёки антропология бўйича дарслик эмас. У қадимги динлар, хронология ёки қадимий савдо йўллари ҳақида тўлиқ маълумот беришга мўлжалланмаган. Бироқ, замонавий археологик тадқиқотлар натижалари Яхудий Битикларининг тарихий аниқлигини рад этишдан кўра, кўпроқ тасдиқлаб бермоқда. Бўлажак тадқиқотчилар, шубҳасиз, Муқаддас Китоб бошқа тарихий манбаларга қараганда, замонавий илмий назариялар билан кўпроқ тасдиқланишини исботлаш учун ҳаракатларини давом эттирадилар.

Муқаддас Китобнинг тўғрилиги ва ишончлилигини исботлаш – Худонинг мавжудлигини исботлаш демакдир. Кўплаб далилларни илгари суриш мумкин, аммо, охир-оқибат, ҳақиқат нима эканлигини қандай аниқлаш мумкин? Қуйидаги далилни ҳам қабул қилишимиз керак – биз Яратувчини эмас, балки яратилганларни тасвирлаш ва ўлчаш учун мўлжалланган илмий услублар орқали Худони тадқиқ эта олмаймиз. Муқаддас Китобнинг ишончлилиги фойдасига хизмат қилувчи турли хил далиллар мавжуд, аммо баъзиларнинг ишончли ва ҳақиқий деб ҳисоблаганлари бошқалар томонидан ҳақиқат сифатида қабул қилиниши мутлақо шарт эмас.

Мен Муқаддас Китобга оид бўлмаган Муқаддас Китоб тадқиқотларининг аҳамиятини камайтирумайман. Аммо, охир-оқибат,

Муқаддас Китоб ҳақиқатини тан олиш объектив текширувни имон билан бирлаштиришни назарда тутади. Жиддий эътиқод жиддий далилларга асосланади. Муқаддас Китобнинг аниқлигини тасдиқловчи кўплаб ҳақиқатлар мавжуд. Аммо Муқаддас Китоб фан, тарих ва ҳатто диннинг кенг қамровли дарслиги эмас. Муқаддас Китоб бу – яхудий халқи ва Худо ҳақидаги қиссадир.

Агар сиз Муқаддас Китоб қадимий маданият афсоналари ва ривоятлари тўплами деб ҳисобласангиз, илтимос, ўз қарашларингизни қайта кўриб чиқинг. "Замонавий академик такаббурлик" тузогига тушиш, яъни ўтмишни замонавий билим ва тушунчалар нуқтаи назаридан баҳолашга берилиб кетишдек катта васваса мавжуд. Бу усул Муқаддас Китобга татбиқ этилганда, унинг тарихий аниқлигидан дарҳол воз кечишга тайёр бўлинг, чунки бу ҳолда биз Битикларни Ғарб гуманизми ва рационализми мезонлари бўйича ўлчаймиз (бу ўз-ўзидан бизнинг нуқтаи назаримизни акс эттирувчи фалсафадир). Битикларга нисбатан татбиқ этилажак ушбу меъёлар уни баҳолаш учун жуда шубҳали бўлиб қолади.

Менимча, Муқаддас Китобда тасвиrlenган воқеаларни (Қизил Денгизнинг ажралиши, Синай тоғида Тавротнинг ҳадя қилиниши ёки келажакни олдинда айтиб берган Муқаддас Китоб башоратлари) тарихан асоссиз деб эълон қилиш интеллектуал жиҳатдан ҳалол бўлмайди, чунки бизни – мутлақо асоссиз равишда – Муқаддас Китобни афсона деб ҳисоблашга ўргатишган.

Аслида, сўнгги юз йил ичидаги Муқаддас Китоб ҳикоялари ва далиллари рад этилганидан кўра, кўпроқ тасдиқланди. Муқаддас Китобнинг кўплаб тафсилотлари – хронология, география, никоҳ маросимлари ва бошқалар – археологик қашфиётлар, қадимий қазилма топилмалари ва Ўлик Денгиз ўрамлари каби матнлар натижасида тасдиқланди.

Ишаё пайғамбар китоби 53-бобининг маъносини чинакам тушуниш учун *биз одатда* Муқаддас Китобга мурожаат қиласиган *анъанавий нотўғри қарашларни четга суриб*, Муқаддас Китобнинг ўзи учун ўзи сўзлашига имкон беришимиз керак.

### **3-БОБ. МУҚАДДАС КИТОБ БАШОРАТЛАРИ: КЕЛАЖАК НАМОЁН БЎЛАДИ**

Башоратлар Муқаддас Китобнинг катта қисмини ташкил қиласиди ва пайғамбарларнинг ўзлари вақт ўтиши билан Яхудий Битиклари тарихини тушунишда жуда муҳимдир. Муқаддас Китобдаги башоратлар нафақат келажак ҳақида гапириб беради, балки пайғамбарларнинг ўз замондошларига Худодан келган мактубни етказиш инъомининг ифодаси ҳамдир.

#### **Муқаддас Китобдаги вақт тушунчаси**

Муқаддас Китобдаги Исройлга хос бўлган вақт ҳақидаги тушунча, вақт

тўғрисида мутлақо бошқача тасаввурга эга бўлган баъзи қадимий цивилизациялардан фарқли ўлароқ, замонавий Ғарб маданиятларининг аксариятига жуда мос келади. Муқаддас Китобдаги вақт тушунчаси мунтазам, баъзи бир бошқа маданиятларда эса вақт модели циклик ёки ҳодисаларнинг кетма-кет ўзгариши асосида қурилган.

Циклик моделлардан фарқли ўлароқ, Муқаддас Китобда вақт китобхонда тарихий тараққиёт туйғусини яратиб доимо олдинга силжиди – барча воқеалар маълум бир авжига қараб кетаётганга ўхшайди. Муқаддас Китобга кўра, тарих интилаётган келажакнинг асосий воқеаси – бу Масихнинг келиши ва Масихий Шоҳликнинг ўрнатилиши. Бошқача қилиб айтганда, тарих охир-оқибат тугайди. Ушбу концепция бошқа маданиятларга хос бўлган ғоялардан сезиларли даражада фарқ қиласди. Шундай қилиб, баъзилар тарих доимо такрорланиб туради ва унинг охири йўқ, фақат доимий равишда қайтиб келадиган янги ибтидо бор деб ҳисоблашади. Пайғамбарлар, вақт маълум бир бошланғич нуқтадан олдиндан белгиланган охиригача ҳаракат қилишини тушунишга асосланиб келажакни башорат қилганлар. Муқаддас Китобдаги башоратнинг асоси – келажак Худога аён ва У ўз ҳалқига келажақдаги баъзи нарсаларни очиб бериш учун пайғамбарлардан фойдаланади. Нима учун?

Башорат рўёбга чиққач, исроилликлар бу пайғамбар ҳақиқатан ҳам Худонинг элчиси эканлигини англаштириб учун. Бундан ташқари, ўша даврнинг «оддий» одамида – айниқса қийин пайтларда келажакка умид ва ишонч ҳисси пайдо бўлди.

### **Муқаддас Китобга кўра келажак**

Келажакни тасвирлашда Муқаддас Китоб воқеаларнинг учта алоҳида гуруҳини ажратиб кўрсатади. Биринчи гурухга – Исроил халқининг келажагига энг катта эътибор берилган. Иккинчи гуруҳда – Иброҳим, Исҳоқ ва Ёқубнинг жисмоний авлодлари бўлмаган бутун дунё халқларининг келажаги тасвирланган. Учинчи гурух алоҳида шахсларнинг шахсий тақдирларини ўз ичига олади. Муқаддас Китоб шахсий келажагимизни турли йўллар билан тасвирлайди. Янги Аҳд Исонинг биринчи келишидан ва асрнинг охиригача бўлган воқеалар иштирокчиларининг яна бир гурухини қўшади: булар яхудийлар ва бутпарастларни ўз ичига олган Исога имон келтирганлардир (баъзан бу гурух Жамоат деб аталади). Асрнинг охири Янги Аҳдда худди Яхудий Битикларида бўлгани каби тасвирланган – бу Масихий Шоҳликнинг дарвозаси ёки кўпригидир.

Сиз Ишаё пайғамбар китобидаги машҳур 65:25 оятини эшитган бўлсангиз керак: "Бўри билан қўзичоқ бирга ўтлаб юради". Қўзининг бўри (ёки шер) атрофида хавфсиз ўтлаб юришига сабаб, Одам Ато ва Момо Ҳаво орқали дунёга келган гуноҳнинг лаънати олиб ташланган бўлади.

Кўпинча пайғамбар сифатида ҳаракат қилган шоҳ Довуднинг кўпгина Забурлари умид уйғотиши учун ёзилган – Довуд тарих охир-оқибат қаерга кетаётганини чуқур тушунган. Умид ҳар доим келажакка қараб йўналган бўлади ва Яхудий Битикларига кўра, келажак имонлилар учун ёрқин ва

кувончлидир. Муқаддас Китобга асосланган ҳақиқий умид ҳозирги шароит ва ҳаёт қийинчиликларини енгишимизга ёрдам беради.

Бу, биз ҳозирги кундан қочиб кетаяпмиз ёки ҳаёт қийинчиликларидан яширинаяпмиз дегани эмас. Биз шунчаки инсоният тарихи қаерга кетаётганини тушунаяпмиз. Бошқа динлар ва маданиятлар умиднинг турли хил тасвирларини таклиф қиласди. Масалан, индуизм издошлари, бир кун келиб уларнинг бошқа шаклда гавдаланиши, агар одамлар маълум бир шахсий покланиш даражасига эришсаларгина, рухларнинг кўчиши (реинкарнация) циклини битта катта онгга бирлашиш орқали якунлаш мумкинлигини айтишади.

Муқаддас Китобдаги умид ҳамда бошқа диний конфессиялар ва маданиятлар томонидан тақдим этилган умид ўртасидаги асосий фарқлардан бири шундаки, биз унда иштирок этишни хоҳлаймизми ёки йўқми, Муқаддас Китобдаги келажак ҳақидаги башорат амалга ошади. Масиҳнинг келишини дунёнинг яратилиши каби аниқ. Масиҳнинг келишини ва Унинг Шоҳлигининг ўрнатилишини ҳеч нарса тўхтата олмайди.

### **Башоратларнинг табиати**

Башоратларни уч тоифага бўлиш мумкин. Баъзи башоратлар дарҳол амалга ошди – Муқаддас Китобда бунга кўплаб мисоллар мавжуд. Иккинчи гурухга тегишли бўлган – оралиқ башоратларнинг амалга ошиши – баъзан кўп йиллар давом этган, аммо улар аллақачон амалга ошиб бўлган. Бу башоратлар охирзамонга ишора қиласди. Нихоят, учинчи гурух – келажак билан боғлиқ воқеаларни тасвирлайдиган "охирзамон" башорати.

Муқаддас Китобдаги кўплаб башоратлар, хоҳ бевосита, хоҳ оралиқ бўлсин, аллақачон амалга ошиб бўлгани Муқаддас Битик ва Худонинг режаси ҳақиқатини яна бир бор тасдиқлади. Бу келажак кунлардаги башоратларнинг амалга ошиши ҳам худди шундай ишончли ва муқаррар эканлигига умид ҳамда ишонч беради; бевосита ва оралиқ башоратлар амалга ошганидек, улар ҳам бажо бўлади.

Муқаддас Китобда кўплаб Масиҳга оид башоратлар мавжуд бўлса-да, уларнинг амалга оширилиши бир муддат кечикирилди, лекин улар аллақачон содир бўлди. Ишаё пайғамбар китобининг 53-бобидаги каби баъзи башоратлар милодий биринчи асрда Исонинг келиши билан амалга ошди. Аммо Масиҳ ва Унинг шоҳлиги ҳақидаги башоратлар ҳам борки, улар Худонинг режаси якунланишининг энг юқори нуқтасига ишора қиласди ва охирги қунлардаги воқеаларга эътиборни қаратади.

Маъбаднинг вайрон бўлиши, Масиҳнинг туғилиши, Исроилнинг тарқалиб кетиши ва ҳатто яхудий халқининг Исроил заминига қайтиши ҳақидаги башоратлар оралиқ башоратлардир. Улар охирги кунлардаги воқеалар билан боғлиқ эмас, лекин уларнинг амалга ошиши охирзамон ҳақидаги башоратлар ҳам амалга ошишининг ишончли кафолатидир.

Амалга ошган башоратлар, айниқса биз оралиқ деб атаган башоратлар, Худонинг мавжудлиги ва Муқаддас Битик ҳақиқий эканлигининг далили сифатида қаралиши мумкин. Бундан ташқари, амалга ошган башоратлар

шуни кўрсатадики, Худонинг бутун инсоният учун режаси бор, У бизнинг ҳаётимиз давомида уни амалга оширади ва келажак авлодларда ҳам амалга оширишда давом этади.

Ибромга ундан халқ яратиб, ўша халққа ерни мерос қилиб беришни ваъда қилган Худо, биз қиличлардан омочга айлантирадиган қун келишини пайғамбарлар орқали башорат қилган Худодир (Ишаё 2:4). Бу ўша Худо бўлиб Масих Довуд тахтида хукмронлик қилишини ва Унинг хукмронлигининг охири бўлмаслигини башорат қилган (Ишаё 9:6-7). Ва ўша Худо Ишаё пайғамбар китобининг 53-бобида бир қун келиб хукмронлик қиласидиган Масих аввал ўлиб, тирилиши кераклигини бизга айтган.

Пайғамбарлар сўзи орқали Худо кўплаб мамлакатлар яхудий халқини йўқ қилишга уринишларини, лекин улар муваффақият қозона олмаслигини башорат қилган. Ўзининг пайғамбари Еремиё орқали Худо яхудий халқи билан янги аҳд тузадиган қун келишини ва Синай тоғида Мусо орқали тузилган эски аҳд ислоҳ қилинишини ваъда қилди (Еремиё 31:31).

Яхудий халқи нафақат уларни йўқ қилишга бўлган кўп уринишлардан омон қолибина қолмай, балки Худо томонидан Муқаддас Битикларда ваъда қилинган юртга қайтарилиганини шунчаки тасодиф деб ҳисоблаш мумкинми? Бу башоратлар жуда аниқ бажарилганлиги сабабли, бошқа ваъда ва башоратлар ҳам амалга ошишига умид қилиб, Муқаддас Китобдаги бошқа башоратларга ҳам ишонишимиз мумкин.

### **Башоратларнинг ҳақиқийлиги**

Мусо Яхудий Битикларида башорат қилиш мезонларини ўрнатган одам бўлган. Қонунлар 18:17-22 оятларда пайғамбарларнинг хизматини тасвирлаб, қонун чиқарувчи башоратларнинг ҳалоллиги ва виждонлилиги мезонларини шакллантирган. Мусонинг айтишича, агар башорат амалга ошмаса, исроилликлар пайғамбарга ўлим жазосини қўллашга ва ёлғон баёнотлари учун ўлдиришга ҳақли. Бундай буйруқлар пайғамбарларни Худо номидан гапираётганликда даъво қилаётганда, хоҳ ҳозирги хоҳ келажакдаги воқеалар ҳакида бўлсин, жуда эҳтиёткор қилиб қўйганини айтишга ҳожат бўлмаса керак.

Мусонинг ўзи ҳам пайғамбар сифатида ҳаракат қилган. Исроил халқи ваъда қилинган юртга киришидан олдин ёзилган, Қонунлар (Деварим) китобининг 4-боби – Тавротнинг бешинчи китобида, Мусо исроилликлар ўз юртларини тарқ этишга мажбур бўладиган қун келишини башорат қилган. Аммо кейинроқ, у "охирги кунлар" деб атаган даврда (биз юқорида айтиб ўтган келажакнинг Масиҳий Шоҳлиги) бутпарастлар юртларига тарқалиб кетган кўплаб яхудийлар Худога юз тутишиб, Исроил юртига қайтадилар<sup>6</sup>.

Бундан ташқари, Қонунлар китобининг 28-бобида Мусо яхудий халқи Иордан дарёсидан ўтиб, Исроил ерига киришини, аммо кейинчалик - итоатсизлиги сабабли – у ердан кетишга мажбур бўлишини башорат қилган<sup>7</sup>. Мусо Исроил юртидан ташқаридаи сургун йилларини яхудий халқи учун катта қайғу даври, шунингдек, бутларга сифиниш васвасаси даври сифатида тасвирлайди. Худди шу башоратли тасвир Левилар китобининг бобларидан

бирида (26-боб) тасвиrlанган.

Яхудий халқи Нун ўғли Ёшуа бошчилигига вайда қилинган юртга кирғанми? Албатта! Яхудийлар Тавротга бўйсунмасликлари натижасида ўзларини Исроилдан ташқарида, бутпараст халқлар орасига тарқалиб кетишганми? Шубҳасиз! Муқаддас Китобдаги башоратнинг том маънода амалга ошиши Муқаддас Битикнинг ҳақиқийлиги учун кучли далилдир.

Бу башорат тўлиқ амалга ошдими деб сўраш адолатданми? Яхудийлар тарқалиб кетган бутпараст мамлакатларни тарқ этиб, тавба қилиб, Худо томонидан тирилтирилган Исроил юргига қайтишдими? Бу ҳақда бир нима дейиш қийин, чунки тарих ҳали тугамаган. Биз яхудий халқининг бир қисми Вайда қилинган Ерга – кўпинча "мўъжизавий тарзда" қайтиб келганини кўрамиз. Бироқ, исроилликларнинг аксарияти диндор эмас, уларнинг кўпчилиги агностик ёки атеистлардир. Демак, халқимиз тавба қилиши ва Худо билан шахсий муносабатларга қайтиши керак бўлган башоратнинг ўша қисми ҳали амалга ошмаган.

Мусонинг бу оралиқ башорати тўлиқ амалга ошишига шубҳа йўқ. Ҳизқиёл пайғамбар, қуруқ суяклар ҳақидаги машҳур башорати ўз номи билан аталган китобнинг 37-бобида ёзилгани буни моҳиятан тасдиқлайди. Қуруқ суяклар башоратида биз яхудий халқи ўз юргига қайтиб келаётганини ўқиймиз, лекин у ҳали тўлиқ тикланмаган. Ҳизқиёл китобининг 36- ва 37-бобларидан маълумки, халқнинг руҳий ўзгариши Исроил юртининг ўзида содир бўлади.

Ҳизқиёл Исроилнинг Бобил асирилиги пайтида ўз башоратини ёзганлиги сабабли, одамларнинг тўлиқ тикланиши ва руҳий ўзгариши ўша пайтда содир бўлмагани аниқ - ва ҳали ҳам содир бўлмаган. Биз яхудий халқининг Исроил юргига қайтиши бу башоратнинг қисман амалга ошишидир, деган хulosага келишимиз мумкин. Ҳизқиёлнинг башорати яхудий халқининг тикланиши бир неча босқичда содир бўлишини кўрсатганлиги сабабли, кўпчилик Иброҳим, Исҳоқ ва Ёқубнинг Худо билан жонли ва шахсий муносабатларсиз Исроилга қайтиб келганига ҳайрон бўлмаслик керак. Руҳий янгиланиш, башорат қилинганидек, халқимиз ўз заминига қайтганидан кейин содир бўлади.

### **Масиҳ ҳақидаги башоратлар**

Биз ҳозиргача гаплашган ҳамма нарса Масиҳ ҳақидаги башоратларни тушунишимизга ёрдам беради. Масиҳ ҳақидаги башоратларнинг икки тури мавжуд. Биринчи тури – бу Масиҳнинг шахси, Унинг хусусиятлари, Унинг келиши вақти ва У келганда нима қилиши кераклиги ҳақидаги оралиқ башоратлар. Иккинчи тур – охир замон башорати бўлиб, у Масиҳий Шоҳликка, тарихнинг кульминациясига ва якунига ишора қиласиди. Бундай ҳолда, битта Масиҳнинг икки марта келишини таҳмин қилиш мантиқан тўғри эканлиги аён бўлади: биринчи келиши – оралиқ башоратларда айтилган вазифаларнинг бажарилиши билан боғлиқ; иккинчи келиши – тарихнинг якуни ва кульминацияси билан боғлиқ.

Аслида, Масиҳ ҳақидаги башоратларнинг баъзилари Унинг биринчи ва

иккинчи келишига ишора қиласы; бу башоратлар ҳам оралиқ, ҳам охир замон башоратидир. Аммо уларнинг қўпчилиги Унинг биринчи ёки иккинчи келиши ҳақида аниқ гапиради. Бир-биридан фарқлаш ҳар доим ҳам осон эмас, лекин башорат матнининг тили бизга бунинг жавобини айтиб бериши мумкин.

### **Ишаё пайғамбар китобининг 53-боби ва Муқаддас Китоб**

Биз кўриб чиқаётган Ишаё пайғамбар китобининг 53-боби Яҳудий Битикларининг бир қисмидир. Бу парча Исо қилган барча ишларини башорат қиласи деб ҳисоблаймиз ва 700 йилдан кўпроқ вақт ўтгач, Янги Аҳдда тасвирланган.

Агар сиз Муқаддас Китобга ишонсангиз, Исонинг ҳаёти ва таълимоти Яҳудий Битиклари, хусусан Ишаё пайғамбар китобининг 53-бобидаги башоратларнинг амалга ошиши ёки йўқлиги ҳақида асосли фикр билдиришингиз мумкин.

Аммо Муқаддас Китобга муносабатингиз ҳали шаклланмаган бўлса ҳам, далилларга қаранг. Агар Ишаё пайғамбар китобининг 53-бобидаги башорат, эълон қилинганидан 700 йилдан кўпроқ вақт ўтгач, Исода тўлиқ ва тарихий аниқлик билан амалга оширилган бўлса, бу бутун Муқаддас Китоб – Янги Аҳд ҳам, Яҳудий Битиклар ҳам ишончли ва ҳаққоний эканлигини тасдиқловчи етарлича кучли далил эмасми??

Менимча, Муқаддас Китобга бўлган муносабатингиз кўп жиҳатдан сиз қандай тарбияланганингизга ва ҳозир ҳаётингизнинг қайси даврида эканлигинизга боғлиқ. Мен анъанавий яҳудий тамойиллари ва Муқаддас Китоб қарашларига кўра тарбияланганман, лекин мен буни қабул қилмаганман ёки ишонмаганман. Диний ортодоксал яҳудий муҳитида менга Худо Тавротни Синай тоғида Мусога берганлигини, Танаҳдан келган ҳар бир сўзни тўғри, аниқ ва ишончли деб қабул қилиш кераклигини ўргатишган. Мен ишондимми? Йўқ! Буларнинг ҳаммаси, худди, ўзимни “Эркин фикрли одам” деб билганим учун у бир қулоғимдан кириб, иккинчи қулоғимдан чиқиб кетарди.

Бироқ, Яҳудий Битикларидаги, айниқса Ишаё пайғамбар китобининг 53-бобидаги башоратларнинг тўғрилигини кўрганимда, Исо чиндан ҳам башоратларни амалга оширганига амин бўлдим. Бу мени Муқаддас Битиклар ҳақидаги қарашларимни қайта кўриб чиқишига унлади. Мен яна саволларга кўмилдим, улар ҳақиқатан ҳам тўғри ва ишончлими? Балки уларга жиддийроқ қараш керакдир?

Ҳаётингизнинг қайси нуқтасида бўлишингиздан қатъи назар, бу ерда айтилган ҳамма нарсага очиқ юрак билан, ҳеч қандай ножоиз муносабатда бўлмай ёндашишга ҳаракат қилинг. Шунда ва шундан кейингина Ишаё пайғамбар китобининг 53-бобидаги башорат сиз учун мантиққа эга бўлади.

### **4-БОБ.**

### **ИШАЁ ПАЙҒАМБАР, УНИНГ БАШОРАТЛАРИ ВА ДАВРИ**

## **Пайғамбарнинг роли**

Яҳудий Битикларида Худо одамларга тўғридан-тўғри мурожаат қилган ҳолатлар мавжуд. Баъзан У фаришталарни Ўзининг элчиси сифатида ишлатган, ҳаттоқи эшакни ҳам. Худо Ўз халқи билан гаплашиш учун ваҳийлар, тушлар ва Чиқиш китобида тасвирланган сирли Урим ва Туммим<sup>8</sup> дан фойдаланган.

Лекин кўпинча Худо яҳудий халқига Унинг вакиллари бўлган пайғамбарлар орқали мурожаат қилган. Китоблари Яҳудий Битикларига киритилган асосий, катта ва кичик пайғамбарлардан ташқари Исроилда бошқа пайғамбарлар ҳам бўлган. Илёс ва Элишай буюк пайғамбарлар эди, лекин Муқаддас Китобда улар томонидан ёзилган ҳеч қандай китоб йўқ эди. Пайғамбарлар мактаблари ҳам бўлган. Шундай мактаблардан бирига шоҳ Шоул Довудни ўлдиришга уринишларидан бирида дуч келган.

Ўша даврларнинг пайғамбарлари биз тушунадиган маънода "диний" эмас эдилар. Худо томонидан турли жойларга юборилиб, улар Ўз халқига Унинг Каломини айтиш учун кўчалар, бозорлар ва орқа йўлларни кезишарди. Улар Маъбаддан ажралган ва ҳеч қачон кундалик ташкил этилган диний хизматларда қатнашишмаган. Бу ҳозирги раввинлар ёки хизматчиларни нима учун замонавий пайғамбарлар деб ҳисоблаш нотўғри эканлигига яна бир далил. Албатта, пайғамбарлар ҳурматга сазовор бўлган, лекин шу билан бирга улар одатда жамиятнинг ҳовлисида бўлиб, тузатишга муҳтож бўлган вазиятларда Худонинг овозини ифодалаганлар. Олдинги бобда кўрганимиздек, пайғамбарлар ҳозирги кун ва келажак ҳақида гапирадилар.

Янги Аҳдда пайғамбарлар ҳам бўлган, лекин Яхё чўмдирувчи сифатида танилган Ёханан ҳа-Матбилдан юқори бўлган ҳеч ким йўқ эди. Исонинг ўзи Ёханан яҳудийларнинг охирги пайғамбари эканлигини айтади (Матто 11). Ёханан одамови бўлиб, чўлда яшарди; лекин Худо томонидан унинг оғзига солинган ҳақиқатни у шундай эҳтирос билан эълон қиласди, охир оқибат бу учун ўз жонидан ҳам айрилди.

Биз Битикдан биладиган пайғамбарлар орасида турли хил одамларни учратиш мумкин: дехқонлар, давлат арбоблари, оддий эркаклар ва аёллар. Биз Еремиё каби жуда ёш пайғамбарларни ва ундан ёши улуғроқ пайғамбарларни ҳам кўришимиз мумкин. Исроилда бир қанча шоҳлар хукмронлиги давридаги пайғамбарлар ҳам бор эди. Ҳамманинг умумий томони шу эдики, улар қўрқмасдан Худонинг вакили бўлган (Худога қаршилик кўрсатган Юнусни истисно деб ҳисоблаш мумкин!) ва Худонинг оғир хабарларини ўз халқига етказишган.

## **Пайғамбарлар, руҳонийлар ва шоҳлар**

Пайғамбарларнинг жамиятдаги мавқеи ҳақида яхшироқ тасаввурга эга бўлиш учун биз тўхтаб, Исроил жамияти қандай ташкил этилгани ва фаолият юритганини кўриб чиқишимиз керак. Мисрга кўчишдан олдин яҳудийлар патриархал-қабила жамиятида яшаган. Ушбу шаклда у тахминан 400 йил давомида мавжуд бўлган (уларнинг бир қисми – қулликда).

Исроил халқи замонавий тилда айтганда, “президент, бош вазир, давлат котиби ва бош судья ролини бирлаштирган ҳолда ижро этувчи” деб таърифлаш мумкин бўлган позицияни эгаллаган Мусо раҳбарлигида шаклана бошлади. Мусонинг акаси Ҳорун Ёқубнинг ўн икки ўғлидан бири бўлган Левийнинг авлоди эди. Леви авлодлари, левилар, руҳонийлар бўлиб, уларнинг вазифалари хизматни ўз ичига олган: биринчи навбатда, чодирда, сахрода, кейин эса Қуддуснинг қалбидаги халқнинг доимий ибодат марказига айланган Маъбадда.

Мусо яхудий халқига Худонинг хабарларини етказганида, у том маънода пайғамбар каби ҳаракат қилган. Дарҳақиқат, пайғамбарлар Худо номидан гапирган, руҳонийлар эса инсон ва Худо ўртасида воситачи бўлган (биринчи навбатда, қурбон келтириш маросимларида ва ибодатларда).

Худонинг Ўзи Исроилнинг Шоҳи бўлиб қолишни хоҳлаганди. Бироқ, Исроил яхудий халқи дунёнинг бошқа халқлари каби ердаги шоҳи йўқлигидан шикоят қилгани учун, Худо Шоулни (Шаул) шоҳ қилиб тайинлашга рози бўлди. Бу ғайриоддий эди, чунки Шоул Яхудо эмас, Бенямин қабиласидан эди, Ибтидога кўра (49:10), Исроилнинг хукмдори, кейинроқ эса Масих-Шоҳ ҳам шу қавмдан чиққан бўлиши керак эди.

Кўп йиллар давомида яхудий халқини Масиҳнинг Руҳини қабул қилган учта хизматчи — пайғамбар, руҳоний ва шоҳ бошқарган. Баъзан шоҳ Исроил Худосидан юз ўғириб, Ахаб каби бутларга сифинарди. Аммо аксарият ҳолларда шоҳнинг виждони ва бутун халқ учун ахлоқий асосий тамойилнинг ташувчиси пайғамбар эди. Худо пайғамбарлар билан ва пайғамбарлар орқали, пайғамбарлар эса шоҳ ва бутун халқ билан гаплашган. Натижада, пайғамбарлар томонидан эълон қилинган сўзларнинг аксарияти ўрамларга ёзилган ва бу бизнинг Битикларга айланган. Пайғамбар яхудий халқига мурожаат қилган Худонинг овози бўлиб, келажакдаги воқеалар ҳақида хабар берган ва одамларнинг ҳозирги хатти-ҳаракатларини тушунтирган.

### **Ишаё пайғамбар ким бўлган?**

Ишаё олим ва давлат арбоби бўлиб, камида тўртта яхудий шоҳлари даврида пайғамбарлик хизматини қилган. У жуда камтар одам эди, унинг қандай хизматга чақирилгани бундан далолат беради (Ишаё 6). Ишаё, бутун халқ каби, ўзининг ҳам "лаблари нопок" эканлигини ва у ўзини муқаддас ёки поклай олмаслигини тушунди. У Худонинг борлигидан жуда аниқ ва сезиларли даражада ҳайратда қолди ва гуноҳдан покланиш зарурлигини ҳис қилди. Ўшанда ваҳийда Серафлар қунлик қурбонликлар келтириладиган қурбонгоҳдан қўмир чўғини олиб, Ишаёнинг лабларига босиб, унинг қалбини ва башоратларини рамзий маънода поклаган эди.

Ишаёнинг иврит тили – юксак ва таъсири бўлиб, бутун Муқаддас Китобдаги энг юксак тиллардан биридир. Ишаё туғилганиданоқ имтиёзли мавқега эга бўлган ва хизматининг кўп қисмида шоҳ маҳкамасининг аъзоси эди. Қайсиdir маънода, у Муқаддас Китобдаги энг рамзий ва драматик ишларни қилиш учун Худо томонидан чақирилган Еремиё ёки Ҳизқиёл каби радикал эмас эди.

Ишаёнинг пайғамбарлик хизмати шоҳ Уззиё<sup>9</sup> даврида бошланган. Афтидан, Ишаё шоҳга қаттиқ боғланиб қолган ва Уззиёнинг ўлимидан ларзага келган. Бу зарба унинг ўз қарашлари ва хизматга чақируви пайдо бўлган аҳволга айланди (Ишаёнинг 6-боби).

Ишаё пайғамбар сифатида, шунингдек, кейинги учта яхудий шоҳлари<sup>10</sup> ва қўплаб бутпараст ҳукмдорлар қўл остида хизмат қилган. У уйланган ва исмлари башорат маъносини берувчи икки фарзанди бўлган. Муқаддас Битикда пайғамбарнинг хотини ҳам башоратчи сифатида тилга олинади.

Ишаё хизматининг биринчи ярмида, ҳозирги Ироқни ўз ичига олган Месопотамияда жойлашган Оссурия, Исроилнинг жанубий шоҳлигига мунтазам равишда таҳдид солиб турувчи қудратли давлат бўлган. Ишаё яхудий халқини Оссурия тажовузи хавфи ҳақида доимо огоҳлантирган ва шу билан бирга Яхудони оссурияликларнинг уларни йўқ қилишига йўл қўймаслиги учун тавба қилишга чақирган. Кейинчалик, оссурияликлар бобилликлар томонидан бўйсундирилганда, у худди шундай хизматга эга бўлган: бобилликлар Худонинг ҳукми қуролига айланмаслиги учун Ишаё исроилликларга Тавротга риоя қилишлари кераклиги ҳақида огоҳлантиради. Афсуски, яхудий халқи тавба қилмади ва охир-оқибат бобилликлар яхудийларга хужум қилиб, Маъбадни вайрон қилдилар. Бу оралиқ башоратлар тўлиқ амалга ошиди, лекин ишончим комилки, Ишаё пайғамбарнинг ўзи уларнинг амалга ошишини ҳаммадан ҳам қўра истамаган.

## Ишаёнинг ваъзи

Ишаё ваъзининг аксарияти Жанубий Шоҳлик устига ташқаридан бостириб келган ҳарбий таҳдидларга, шунингдек, ичкаридан юзага келадиган руҳий ва ахлоқий таҳдидларга жавоби эди. Бу иккала ташқи ва ички хавф-хатарлар салтанатнинг вайрон бўлишини келтириб чиқарган - охир-оқибат Бобил истилоси натижасида ҳудди шу нарса содир бўлди.

Солномалар китобига муаллифларнинг шарҳи Ишаё пайғамбар воизлик қилганини тасдиқлади, айниқса, яхудий халқи дуч келадиган ички таҳдидлар ҳақида – гарчи Ҳизқиё ва Йўшиё каби художўй шоҳлар халқни гуноҳдан қайтаришга ва жазонинг олдини олишга ҳаракат қилган бўлсалар ҳам<sup>11</sup>.

Муқаддас Китоб тарихини диққат билан ўқиши ва тушуниш шуни аниқ кўрсатадики, халқнинг итоатсизлиги натижасида миллий фаровонликка ички таҳдид бошқа мамлакатларнинг Исроилни зabit этиш истаги билан боғлиқ бўлган ташқи таҳдидлардан анча юқори эди. Ишаё ваъзининг мавзуси тавба қилиш эди. Ўнлаб йиллар давомида у бутун иштиёқи билан буни ваъз қилди, чунки у Шимолий шоҳликка нима бўлганини кўрди. У нима учун Оссурия томонидан босиб олинганини билар ва Жанубий шоҳликни бундай жазодан кутқариш учун қўлидан келганини қилганди. Бу келажақдаги Масиҳий Шоҳлик Ишаё пайғамбарнинг мактубида асосий мавзу бўлишининг яна бир сабабидир.

Ишаё пайғамбар инсониятнинг начорлигини, гуноҳ ва ёвуз мойилликларни енга олмаслигини ва Худога итоат қилолмаслигини кўрди,

шунда ҳар ким ўзининг шахсий баҳтидан ва биргалиқда – миллий хавфсизликдан баҳраманд бўлиши мумкин эди. Худонинг Исроил билан тузган аҳдида яхудийлар юракларини тош қотириб, Худодан юз ўгиришда давом этсалар, ваъда қилинган юртдан қувиб чиқарилиши айтилгани учун, Ишаё Исроилнинг гуноҳи ва исёни жуда оғир оқибатларга олиб келишини билар эди. Ҳукм, тавба ва келажакка умид мавзуси деярли ярим аср давомида унинг башоратли хизматининг асосий мавзуси бўлиб келди.

Ишаё пайғамбар китоби 66 та бобдан иборат ва Яхудий Битикларидаги энг йирик башорат қилувчи асаддир. Биринчи 39 бобда Худонинг яхудий ҳалқи устидан ҳукми ҳақида сўз боради. Ишаёнинг охирги 27 та боби асосан келажакка бағишлиланган. Унда, биринчи навбатда, Масих ва Унинг гуноҳкор сайёрамизни Адан боғи билан рақобатлаша оладиган ва эҳтимол ундан ҳам ошиб кета оладиган жойга айлантиришдаги ролига эътибор қаратилган.

Ишаё пайғамбар китобининг 1 ва 5-бобларини ўқиши қийин, чунки уларда яхудий ҳалқининг гуноҳлари тасвириланган. Шуниси қизиқки, ҳозирги яхудийликнинг айрим оқимларида гуноҳ тушунчаси алоҳида роль ўйнамайди. Эҳтимол, бу Худонинг мустақил ва чексиз табиатини ҳар томонлама камситадиган замонавий маданиятнинг таъсиридир. Бунинг ўрнига биз соғлом фикрни, моддий дунёни ва ўз тажрибамизни идеаллаштирамиз. Агар гуноҳ Худо белгилаган меъёрлар билан эмас, балки ўзимиз ўрнатган меъёрлар билан ўлчанса, биз, албатта, камроқ гуноҳкор кўринамиз. Бироқ, менимча, биз ўзимизнинг солиҳлик меъёрларига ҳам, айниқса, Худонинг меъёрларига ҳам мос келмаслигимизни ҳаммамиз билсак керак.

Ишаё пайғамбарнинг китоби Масиҳий характерга эга. Тарихнинг охирига ишора қилувчи башоратлар бор – айниқса, пайғамбар келажакни тасвирилайдиган 60-66 бобларда. У бизга гуноҳ лаънати олиб ташланган, кутқарилган келажак дунёning тасвирини кўрсатади.

Ишаё пайғамбарнинг китобида бир қатор масиҳий башоратлар ҳам мавжуд. Улардан бальзиларида Масиҳнинг шахсияти ва феъл-автори (9:6-7 ва 11-боблар), шунингдек, Унинг туғилиши ҳақида гап боради. 7-бобнинг 14-оятида биз пок ҳомиладор бўлиш ҳақидаги башоратни топамиз (у жуда кўплаб баҳс-мунозараларга сабаб бўлган ва ҳозир ҳам бу мунозаралар давом этмоқда). Китобнинг иккинчи ярми “Қулнинг қўшиқлари”дир. У 53-бобни ҳам ўз ичига олади, унда Масих бутун яхудий ҳалқи учун, шунингдек, алоҳида ҳар бир инсон учун қандай азоб чекиши ва ўлиши кераклиги тасвириланган.

Ишаё Сурия, Эрон, Миср ва бошқа ҳалқларнинг келажаги ҳақида ҳам башорат қилган. Унинг келажак ҳақидаги тасаввурнида Исроил ва дунё ҳалқлари ўртасидаги муносабатлар тасвириланган – бу муносабатлар давримизнинг энг мураккаб масалаларидан биридир. Ишаё пайғамбарнинг сўзларига кўра, Яқин Шарққа тинчлик келади, аммо бу тинчлик фақат ер юзида Масих ҳукмронлик қилгандагина келади.

## 5-БОБ. РАББИЙНИНГ ҚУЛИ

Биз ушбу китобда кўриб чиқаётган башорат Ишаё пайғамбар китобининг 52-бобининг 13-оятидан бошланади. Бу оятнинг биринчи сўзлари: “*Мана, Менинг қулим яшиайди...*”. Уларда бу башоратнинг асосий қаҳрамони Раббийнинг Қули эканлиги айтилади. Биз яхудий қуллар ҳақида қанчалик кўп билсак, бу матнни яхшироқ тушуна оламиз. Бу Раббийнинг Қули ким? Ишаёми? Матнда Ишаё ҳақида гапирилмаётганга ўхшайди. “Қул” тушунчасини Исроил халқи билан бирлаштириш керакми? Баъзи ҳолларда, ҳа, лекин ҳар доим ҳам эмас. Яна ким Раббийнинг Қули бўлиши мумкин?

Ишаё пайғамбар китобининг 53-бобини тушуниш учун, қул ёки агар хоҳласангиз, қулларнинг кимлигини аниқлаш жуда муҳим. Бироқ, бу бобдаги Раббийнинг қулини фақат Ишаё пайғамбар китобининг ушбу бўлимидаги, одатда “Кулнинг қўшиқлари” деб аталадиган бошқа парчалар билан контекстда тушуниш ва англаш мумкин.

“Кулнинг қўшиқлари”ни Ишаё пайғамбар китобининг 42-61-бобларидан топиш мумкин. Қул атамасининг турли Муқаддас Китоб талқинлари орасида тадқиқотчилар иккита асосий тушунчани ажратиб кўрсатадилар: Масих ва Исроил халқи. Брандейс университети фанлари доктори, масиҳий олим доктор Вальтер Кайзернинг тушунтиришича, ушбу боблардаги қул тушунчаси<sup>12</sup> алоҳида шахсга - Масиҳий шахсга ҳам ва бутун Исроил халқига ҳам тегишли бўлиши мумкин<sup>13</sup>.

Матнда бир қатор ўринлар мавжуд бўлиб, улардан шу нарса келиб чиқадики, Раббийнинг қули деганда пайғамбар бутун Исроил халқини назарда тутади: Ишаё пайғамбар китобининг 41:8-оятидан бошлаб; 43:8 ва бошқа оятлар; 44:26 оядан кейин; 48:20 оятгача. Бошқа томондан, Ишаёнинг қуидаги: 42:1-9, 49:1, 49:5-9 ва 52:13 - 53:12-б оятларини диққат билан ўқиши орқали, уларда Раббийнинг қули алоҳида шахс сифатида тилга олинаётганини кўрсатади. Афтидан, бу ерда тўғридан-тўғри Масих ҳақида гап бораяпти.

Ниҳоят, Раббийнинг қули тушунчасини икки хил талқин қилиш мумкин бўлган бир қатор жойлар мавжуд. Булар Ишаё 49:1, 50:4-11 ва 61:1-4.

Раббийнинг қули тушунчаси таърифи – пайғамбар бутун Исроил халқини назарда тутаяптими ёки алоҳида шахсими – Исо бу башоратни амалга оширганлигини тушуниш учун муҳим. Агар пайғамбар Ишаёнинг 53-бобидаги башорати бутун Исроил халқига эмас, балки алоҳида шахсга тегишли эканлигини исботлай олсак, бу башоратнинг Исода амалга ошиши мантиққа тўғри келади.

### **Яхудий битикларидағи қул**

Яхудий Битикларида тахминан 800 марта учрайдиган ивритча эвед сўзи “қул” ёки “хизматкор” деб таржима қилинган. Ишаё пайғамбар китобининг 40-дан 53-бобигача бу сўз 31 марта, деярли ҳар доим Раббий сўзи билан бирга келади. Доктор Кайзернинг тадқиқотига кўра, “Раббийнинг қули”

атамаси кўпинча Эски Аҳддаги энг муҳим шахсларга - Мусо (17 марта), Ёшуа, Шоҳ Довуд ва ҳатто Иброҳим, Исҳоқ ва Ёқубга тегишли<sup>14</sup>. Кўпинча бу тушунча пайғамбарларга нисбатан ҳам қўлланилади. Абраҳам Хешел томонидан ёзилган бу мавзуға доир энг машҳур замонавий яхудий китобларидан бири: "Менинг қулларим, пайғамбарлар" деб номланган.

Иврит тилида эвед сўзининг илдизи *авад* бўлиб, Яхудий Битикларида 290 марта қўлланилади. Муқаддас Китобда у одатда иш тушунчасининг номларидан бири сифатида ишлатилади. Раввинлар ибодат учун атама сифатида "аводаҳ" илдиз сўзидан фойдаланадилар. Бу билан донишмандларимиз Худога ибодат қилишни машақкатли меҳнат деб ҳисоблаш мумкинлигини таъкидлайдилар.

Эвед *Адонаи* ёки *Раббийнинг қули* - бу Худонинг иродасини бажарадиган ва Илоҳий Устозига тўлиқ бўйсунадиган шахс. Бу тушунча ортида нима борлигини тушуниш учун бир лаҳзага тўхташга арзийди. Тавротга кўра, қарзга ботган ёки еридан айрилган исроиллик бошқа исроилликнинг қулига айланиши мумкин. Бироқ, олти йилдан кейин уни озод қилиш ва ўз ерларини сотиб олиш имкониятини бериш керак. Аммо баъзи исроилликлар хўжайинини ташлаб кетмасликни ва олти йиллик қуллиқдан кейин ҳам унга хизмат қилишда давом этишни афзал қўришган. Бундай қулларнинг қулоғига улар хўжайинига ихтиёрий равишда хизмат қилаётганлигининг белгиси сифатида маҳсус сирға қўйилган. Қуллар, одатда, буни олти йиллик беихтиёр қуллик даврида кўрган яхши муомаласи учун миннатдорчилик сифатида қилишган<sup>15</sup>.

Бу тушунча бизга қул тушунчасини чуқурроқ тушунишга ёрдам беради. Бизнинг олдимиизда ўз хўжайинига меҳр-муҳабbat, миннатдорчилик ёки бурч туйғуси билан ўз ихтиёри билан хизмат қиласидиган одамнинг сурати гавдаланади. У ўзининг барча орзу ва режаларини қолдириб, ўзини сахий хўжайинининг иродасига тўлиқ бўйсундириди.

## 6-БОБ. ҚУЛНИНГ ҚУРБОНЛИГИ

Энг қийин муаммолардан бири – 2000 йилдан кўпроқ вақт олдин яшаган одамнинг ўлими бугунги кунда бизга қандай таъсир қилиши мумкинлигини тушунишdir.

Ҳаёт учун ўлим тамойили ҳамма жойда ишлайди. Табиатда бошқасига ҳаёт бериш учун бирининг ўлими зарурлигини кўрсатадиган қўплаб мисоллар мавжуд. Шундай қилиб, гўзал гулга ҳаёт бериш учун ерга экилган уруғ ўлади.

Исонинг ўзи мўл-кўл янги мева бериш учун ерга тушганда ўладиган уруғ ҳақида тапирганда, дехқончилик билан боғлиқ мисолларни ишлатган (Юҳанно 12:23-26). Бу тамойилнинг амал қилишини инсоний муносабатларда ҳам кузатамиз. Биз одатда бошқаларнинг манфаати учун ўз ташвишлари, орзулари, мартаба ва молиявий фаровонлигини қурбон қилишга тайёр

одамларга қойил қоламиз.

Бироннинг ҳаётини сақлаб қолиш учун ўқни ўзига олиб ёки танаси билан минани ёпиб олган аскар ҳақида эшитар эканмиз, ана шундай ўзига хос қурбонлик – ўз жонини фидо қилиш бошқаларга ҳаёт бахш этишини англаймиз.

Биз ўз ватанларини тарк этиб, авлодлари манфати учун янги жойга кўчиб ўтаётган муҳожирларга қойил қоламиз. Бу яҳудийлар тарихига жуда хос: кўплаб Шарқий Европалик яҳудий муҳожирлар бир вактлар ўз фарзандлари учун яхши келажакни таъминлаш учун АҚШга кўчиб келишган. Хориждан кўплаб ажойиб олимлар ўз билимларини мукаммаллаштириш учун АҚШга келишди. Ўз оиласари ва халқи учун улар яқинлари ва дўстларидан узоқда айрилиққа бардош беришга тайёр эдилар.

Биз беғараз раҳбарларга қойил қоламиз. Раҳбарлик лавозимлари ўзига хос афзалликлар, молиявий бойлик, юқори мақом, куч ва таъсир олиб келишини тушуниб, биз ҳамкаслари ва қўл остидагилар ҳақида қайғурадиган ва уларнинг манфати учун қаттиқ меҳнат қиласидиган раҳбарларни ҳурмат қиласиз. Ўзининг молиявий ёки бошқа имтиёзларидан фойдаланмайдиган (у бунга ҳақли бўлиши мумкин), компания ва унинг таркибидаги одамларнинг умумий манфати учун ишлашга интиладиган раҳбар бизни ҳайратда қолдиради.

Тарихдан биламизки, ўзларига бойлик орттиргандан кўра, ўзини бироннинг манфатлари учун фидо қиласидиган ва камига қаноат қиласидиган раҳбарлар кўпроқ ҳайратда қолдиради. Бундай ишбилармон раҳбарнинг ёрқин намунаси – камтарлиги, интизоми ва фидойилиги билан машҳур бўлган Уоррен Баффеттир<sup>16</sup>. Диний, сиёсий ва илмий соҳаларда шунга ўхшашиб кўплаб мисоллар мавжуд. Худбин раҳбарларга келсак, биз уларни олдида ваҳимага тушишимиз мумкин, лекин биз уларга ҳеч қачон қойил қолмаймиз.

Исонинг шахсияти ҳақида гапирганда, – У ғамхўрлик қилган ва Ўзи хизмат қилган одамлар манфати учун биз Ўзини қурбон қилишга тайёр бўлган яна бир буюк Йўлбошчини эълон қиласиз. Ишаё пайғамбар китобидаги 53-бобнинг матни бизни истарали бўлмаган, ажойиб ташқи кўринишга, машҳурликка ёки катта бойликка эга бўлмаган Раббийнинг қули билан таништиради:

“Эгамизнинг қули Эгамиз олдида янги кўчатдай,  
Куруқ тупроқдаги илдиздай ўсди.  
Бизни Ўзига жалб қиласидиган  
Гўзаллик, улуғворлик Унда йўқ эди.  
Бизни Ўзига ром этадиган  
Ҳеч бир жозибаси йўқ эди.” (Ишаё 53:2).

Пайғамбар таърифлаган шахс четга чиқарилган, нотўғри тушунилган ва жамият томонидан қабул қилинмаган шахс сифатида тасвиранланган:

“Одамлар Ундан нафратландилар, Уни рад этдилар.  
У қайгу, азоб–уқубат нималигини биларди.

*Ҳамма Үндан юз ўғирди, Үндан ҳазар қилди.  
Биз Уни одам қаторида санамадик.” (Ишаё 53:3).*

Шунга қарамай, Раббийнинг Қули ҳаддан ташқари фидойилик кўрсатади ва Уни рад этган ва ҳақорат қилганлар учун ихтиёрий равища азоб чекади. У бу дунёда эга бўлган оз нарсаси билан – Ўз соғлиги, улуғворлиги ва ўзини хурмат қилиши билан, Унинг қурбонлигига лойик бўлмаган ва буни мутлақо қадрламаганлар учун хайрлашишга тайёр:

*“Ҳа, дардларимизни У Ўзига олди,  
Оғриқларимизни У Ўз зиммасига олди.  
Биз эса ўйладик: “Уни Худо урган,  
Аламдийда, жабрланган У!”  
У эса бизнинг гуноҳларимизни деб ярадор бўлди,  
Бизнинг айбларимиз туфайли эзилди.  
Бизга тинчлик келтирадиган жазо Унга тушди,  
Унинг яралари бизга шифо берди.  
Ҳаммамиз қўйлардай йўлдан адашдик,  
Ҳаммамиз ўз йўлимиздан кетдик.  
Ҳаммамизнинг айбларимизни  
Эгамиз Унинг зиммасига юклади.” (Ишаё 53:4-6).*

Ишаё пайғамбарнинг сўзларига қўра, Раббийнинг Қули ғайритабиий равища биз Худонинг тамойилларига эмас, балки эътиқодимизга мувофиқ яшаш орқали ўзимизга етказадиган барча муаммолар ва азоб-уқубатларни Ўз зиммасига олади. Бу Одам бошимизга тушиши керак бўлган жазони Ўз зиммасига олади, бизнинг руҳий муваффақиятсизлигимиз учун хукмни Ўз зиммасига олади:

*“Ҳукм билан, куч билан олиб кетилди.  
Унинг насли ҳақида ким ўйлайди?  
Тириклар юртидан У улоқтирилди,  
Халқимизнинг гуноҳи туфайли Унга зарба тушди” (Ишаё 53:8).*

Шубҳасиз, 53-бобда пайғамбар тасвирлаган шахс Қул-Қаҳрамондир. У ҳаммага: эркаклар, аёллар, яхудийлар, бутпарастлар – яъни бутун инсониятга хизмат қиласи!

Бу боб биз Худони менсимай, ўз андазаларимиз, шахсий режаларимиз бўйича, Худонинг меъёрлари ва интилишларини инобатга олмасдан яшаганимиз учун Қул бизга аталган барча оғриқларни, азоб-уқубатларни ва жазоларни бошидан кечирганини ўргатади.

Исо рад этилгани учун биз Худо томонидан қабул қилингандик. Худо Исодан узоқлашгани учун биз Осмондаги Отамизга яқинлашдик. Биз кечирилдик, чунки ахлоқан тубанлашганимиз учун Исо айбимизни Ўз зиммасига олди. Исо чираб бўлмас оғриқни бошидан кечиргани учун биз шифо топишими мумкин. Исо бизнинг ўрнимизга жазо олди – шунинг учун биз жазога ҳукм қилинмаймиз.

## **Қул мотивацияси**

Ўзгалар манфати учун қилинган ҳар қандай фидойиликдан ҳаммамиз ҳайратда қолсак-да, қаҳрамонликнинг энг катта ифодаси ўзга инсон учун фидойилик эканига шубҳа йўқ. Бунга нима туртки бериши мумкин?

Севги одамларни бошқалар учун ўз ҳаётини қурбон қилишга ундайдиган ҳаракатлантирувчи кучдир. Аскарнинг ўз юртига, онанинг ўз фарзандига, раҳбарнинг ўз жамоасига бўлган меҳри уларни севган инсонлари учун жонини беришга тайёр бўлишига олиб келади.

Исо: “*Ким ўз жонини дўстлари учун фидо қилса, бундан ортиқ севги йўқ*” деганида айнан шуни назарда тутган (Юханно 15:13).

Ҳеч шубҳа йўқки, Ишаё пайғамбар китобининг 53-бобида топилган фидойи Қул, яъни ўзида бор нарсасини, шу жумладан ўз ҳаётини бошқаларнинг фаровонлиги учун қурбон қилишга тайёр бўлган Қулнинг тавсифига Исо мос келади. Агар сиз Исо Исроилнинг Масихи эканлигига ишончингиз комил бўлмаса ҳам, Унинг Ўзини қурбон қилишга тайёрлиги, албатта, ҳайратга солади.

Ўзингизга беадаблик билан: “Дунёда ўз жонини фидо қиладиган ҳеч нарса йўқ”, деб айтиш вассасаси пайдо бўлиши мумкин. Аммо биз олий қадриятлар учун ўлишга тайёрлик – бутун инсониятнинг фазилатларини яхшилайдиган фидойиликнинг чўққиси эканлигини чукур тушунамиз.

Ишаё пайғамбар китобининг 53-боби юксак фидойилик масаласини янги босқичга олиб чиқади. Раббийнинг Қули бу бобда бошқаларнинг гуноҳлари учун ихтиёрий равишда азоб чекадиган киши сифатида тасвиrlанган. Унинг азоб-уқубатлари шунчаки фидокорона ғамхўрликнинг намунаси эмас; Унинг ўлими, аслида, Худонинг гуноҳларни кечириши билан бевосита боғлиқ. Бошқача қилиб айтганда, Раббий Қулининг ўлими кутқарилиш сифатида кўриб чиқилади.

Қутқарилиш – бу "қулликдан сотиб олиниш" деган маънени англатувчи атама. Исроилликлар ҳар йили ўтказиладиган Фисиҳ байрами орқали кутқарилишнинг маъносини тушунишарди.

Бегуноҳ ва ўлимга лойик бўлмаган қурбонлик Қўзиси яхудий халқининг барча тўнғичлари маҳкумликдан халос бўлиши (қутқарилиши) учун қурбон қилинди, шунда исроилликлар Миср қуллигини Ваъда қилинган Юртда озодлик учун тарк этишлари мумкин эди. Исроилликларнинг ўрнига қўзининг қурбонлик қилиниши, эҳтимол, Ишаё гуноҳлари учун жазога лойик бўлганлар учун Қулнинг қурбонлик ўлимини тасвиrlаганида шуни назарда тутган бўлса керак.

Ушбу қурбонлик ўлими Ишаёнинг қуидаги оятларида тасвиrlанган (бошқаларнинг гуноҳлари учун Қулнинг ўлими қандай таъкидланганига эътибор беринг):

*“Ҳукм билан, куч билан олиб кетилди.*

*Унинг насли ҳақида ким ўйлайди?*

*Тириклар юртидан У улоқтирилди,*

*халқимизнинг гуноҳи туфайли Унга зарба тушиди.*

*Гарчи У ёвузлик қилмаган бўлса ҳам,*

*Оғзидан ёлғон сүз чиқмаган бўлса ҳам,  
Унга ёвузлар қатори қабр берилганди,  
Аммо ўлганда У бойлар ёнига қўйилди.  
Эгамиз Ўз қулини эзиши, азоблашини маъқул кўрди.  
Шундай бўлса ҳам, Эгамизниг қули Ўз наслини кўради,  
Узоқ умр кечиради,  
Чунки У Ўзини гуноҳ учун назр қилди.  
У орқали Эгамизниг хоҳииш бажо бўлади.” (Ишаё 53:8-10).*

Муқаддас Худони хафа қилган ва гуноҳ қилган эркак ва аёллар, яхудий ва бутпарастларнинг ўрнига Раббийнинг Қулси ўлади. Дарҳақиқат, биз ўлим жазосига ва Худодан узоклашишга лойиқмиз. Пайғамбар орқали У барча одамларнинг жазосини ўз зиммасига олиши, гуноҳларимиз учун кечирилишимиз ва маҳкум бўлмаслигимиз учун Ўз қулини юборишига ваъда берди. Қайсиdir маънода, Қулнинг ўлими Фисих байрамининг амалга ошишидир!

Ушбу парчада айтилганларнинг барчасидан келиб чиқсан ҳолда, *Раббийнинг Қули* тушунчаси остида бутун Истроил халқини тушуниш ҳеч қандай маънога эга эмас! Қандай қилиб гуноҳкор Истроил гуноҳкор Истроил учун ўлиши мумкин? Бундай баёнот матнни мантиқсиз қиласи. Шунинг учун кўпчилик Раббийнинг Қули ваъда қилинган Масиҳдир, деган холосага келди, у тахтга келишидан олдин бу башоратни амалга ошириши ва гуноҳларимиз учун ўлиши керак.

Ишаё пайғамбар китобининг 53-боби Худо, биз яратилганлар У билан яқин шахсий муносабатларни қайта тиклашимиз учун Ўзи ва инсоният ўртасида турган "тўсқинлик қилаётган гуноҳ"ни қандай олиб ташлаши ҳақидаги башоратдир. Агар сиз ва сизнинг яқин инсонингиз – онангиз, отангиз, фарзандингиз, турмуш ўртоғингиз ёки дўстингиз ўртасида хафагарчилик ёки тушунмовчилик девори мавжуд бўлса, қандай қилиб улар билан яқин муносабатда бўлишингиз мумкин? Ўзаро муносабатларни тиклаш учун бу хафагарчиликларни олиб ташлаш керак. Инсон ва Худо ўртасидаги муносабатлардаги бўлиниш бизнинг гуноҳларимиз туфайли юзага келади. Ва биз кечирилмагунимизча, ҳеч қачон У билан дастлаб биз учун мўлжалланган яқин шахсий муносабатларга эга бўла олмаймиз. Худонинг Ўзи – Раббий Қулининг азoblари ва ўлими орқали – биз учун бўлиниш сабабини йўқотишга ҳаракат қилди.

## **7-БОБ. ИШАЁ ПАЙҒАМБАР КИТОБИНИНГ 53-БОБИ ВА ГУНОҲНИ ЮВИШ**

Гуноҳни ювиш таълимотини тушунтириш Муқаддас Китобдаги энг муҳим мавзулардан биридир. Шу билан бирга, гуноҳни ювиш энг муҳим руҳий ҳақиқатлардан биридир. Гуноҳни ювиш ғоясини аниқлаштириб олмасдан туриб, Ишаё пайғамбар китобидаги 53-бобнинг маъносини асло

тушуниб бўлмайди.

Замонавий яхудий жамиятини кузатишлар шуни кўрсатадики, кўпчилик яхудийлар, ҳатто шанба кунига (шаббат) риоя қилмайдиганлар ҳам, гуноҳни ювиш қуни – Ём Кипур – ибодатхонани зиёрат қилиш учун дам олиш қуни олишади ёки бу кунни бошқа ҳар қандай йўл билан ўзларига ажратиб олишади. Лекин бу нима учун кераклигини тушунамизми? Биз биламизки, Ём-Кипурнинг анъаналари одамлар бошқаларни кечиришини ва Худо томонидан одамларнинг кечирилишини ўз ичига олади (йилига бир кун биз ҳаммамиз Худога ишонишга тайёрмиз – ҳатто исботсиз ҳам!). Аммо барибир, кўп одамлар учун гуноҳни ювиш ғояси ноаниқ ва тушунарсиз бўлиб қолмоқда.

Гуноҳни ювиш ҳақидаги таълимот яхудийликка ҳам, масихийликка ҳам хосдир. Иккала эътиқод ҳам ушбу таълимотга асосланади, шу боис, уни тушуниб олиш биз учун жуда муҳимдир! Муқаддас Китоб гуноҳни ювиш ҳақида бизни нималарга ўргатишини англамасдан туриб, бизнинг гуноҳларимиз учун ўлаётган Қул ғоясини тушуниб бўлмайди.

Гуноҳни ювиш моҳиятини – айниқса, ўрнини тўлдириш таълимотини – идрок этиш жуда қийин эканлиги табиий, чунки у бутунги кунда ҳеч қачон умумэътироф этилмаган қоидаларга асосланади.

## *ГУНОҲНИ ЮВИШНИНГ ДАСТЛАБКИ ШАРТИ*

### **Худо**

Гуноҳни ювиш ғояси асос бўлган биринчи ва асосий тушунча бу – бизни яратган, бизни севадиган, биз билан муносабатда бўлишни хоҳлайдиган ва шу билан бирга, ўз хатти-ҳаракатларимиз учун бизга жавобгарлик юклаган Худонинг мавжудлигидир. Бу Худо муқаддас ва одилдир, У гўзалликни, севгини ва ҳаётда биз завқланадиган барча нарсаларни яратди. Бизга берган неъматларини сустеъмол қилмаслигимиз учун Худо хулқ-атвор андазаларини белгилаб берди. Шунга қарамай, бирорта ҳам ахлоқшунос ёки файласуф тўлиқ аниқлаб бера олмайдиган тушунарсиз сабабларга кўра, биз доимо Муқаддас Китобда тасвирланган Илоҳий хатти-ҳаракатлар тамойилларидан четга чиқаверамиз. Бу тамойилларни инкор қилиш гуноҳ деб аталади.

Сиз бу ҳақда аввал ҳам эшитган бўлишингиз мумкин, лекин дунёга бундай қараш сизга бегона. Гуноҳ тушунчasi сизга эски гапдек бўлиб туюлади. Эҳтимол, сиз Худонинг борлиги ҳақидаги фикрга маълум даражада рози бўлишингиз мумкин, лекин У белгилаб берганидек яшай олмаслигингиз учун сизни жавобгар деб ҳисоблайдиган Худонинг борлигига эмас. Эҳтимол, сиз руҳиятни қидираётгандирсиз ва қандай қилиб баҳтли яшашни билмоқчиидирсиз? Ёки атрофингиздаги дунёни қандай қилиб яхшироқ, камроқ душманона қилиш ҳақида ўйлаётгандирсиз?

Яратувчининг мавжудлигини илмий нуқтаи назардан исботлаш осон эмас. Британиялик олим ва илоҳиётшунос Клайв Стейплз Льюис бир сафар Худони илмий усул билан баҳолаб бўлмаслигини таъкидлаган, чунки Унинг Ўзи барча фанларнинг яратувчисидир.

Лекин агар биз Худо йўқ деб тахмин қилсак, дунёда кўзингиз кўрган нарсадан бошқа ҳеч нарса йўқ деган фикр билан яшаш сизга қулай бўладими? Менимча, инсон руҳи кўпроқ нарсага интилади. Сиз нима деб ўйлайсиз?

Агар сиз Худо борлигига рози бўлсангизу, лекин Уни бизнинг ҳаракатларимиз учун жавобгарликни талаб қилмайдиган қиёфасиз деб ҳисобласангиз, у ҳолда ҳақиқат ва адашиш, яхшилик ва ёмонлик ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ деб ҳисоблашга тайёрмисиз?

Ҳар доим ушбу мавзуга қайтиш ва Худонинг борлиги ва Унинг тавсифи ҳақидаги саволни чукурроқ ўрганиш мумкин. Агар биз муқаддас Худо ҳақидаги ғояни қабул қилмасак, гуноҳни ювишни тўлиқ тушунтириб бўлмайди. Ушбу таълимотни тушуниш учун, келинг, ҳеч бўлмаганда бир мунча вақт – Муқаддас Китоб контекстида – Худонинг мавжудлигини қабул қиласлий.

### **Худонинг андазаларига мос келмаслик**

Гуноҳни ювишни тушуниш учун иккинчи асос бўлувчи шарт шундаки, Худонинг андазаларига жавоб бериш одамлар учун қийин, баъзан ҳатто имконсизdir. Андазаларга бундай мос келмаслик Муқаддас Китобда гуноҳ деб таърифланиб, бу ҳар биримизга туғилишимиздан таъсир қиласи: бегуноҳ бирор одам йўқ! Агар гуноҳ ҳаммага хос бўлмаганида эди, гуноҳни ювишга бўлган бўлган эҳтиёж ҳам йўқоларди ёки бу орамиздаги энг ёмонларимизнинг қисматимизга айланарди. Бироқ, Муқаддас Китоб нуқтаи назаридан ҳам, иудаизм нуқтаи назаридан ҳам барчамиз гуноҳни ювишга муҳтожмиз!

53-бобнинг 6-оятида гуноҳни тасвирлар экан, Ишаё ҳар биримиз ўз йўлимииздан бориб, ўзимизни адашган қўйлардек тутаётганимизни айтади. Бу руҳий ҳолатимизнинг жуда аниқ тасвиридир: оломон қаёққа бошлиётганидан қатъи назар, ҳаммамиз унга эргашишга тайёрмиз!

*“Ҳаммамиз қўйлардай йўлдан адашдик,  
Ҳаммамиз ўз йўлимииздан кетдик.  
Ҳаммамизнинг айбларимизни  
Эгамиз Унинг зиммасига юклади.” (Ишаё 53:6).*

Гуноҳни ювишнинг асоси – вайрон қилинганларни тиклаш ва жиноятни тугатиш, шу боис, Худо билан бўлган муносабатларимизнинг ҳар қандай бузилиши даволаниши мумкин. Ота билан бизнинг орамиздаги узоқлашишнинг сабаби Худонинг умидларига мувофиқ ҳаракат қила олмаслигимиз эди. Гуноҳни ювиш Яратувчи билан уйғун муносабатларни тиклаш ва яхшилаш имкониятини назарда тутади – лекин бунинг учун тўлов тўланиши зарур!

Яхудийлар ҳам, масиҳийлар ҳам, мусулмонлар ҳам одам Худонинг суратида ва Унга ўхшаб яратилган деб ҳисоблашади. Кўпчилик бу руҳ, қалб ёки инсон мавжудлиги моҳиятининг моддий соҳасига тегишли деган фикрга кўшилади. Руҳий ва ахлоқий жиҳатдан биз Худога ўхшаш "кўринишдамиз"

ёки ҳеч бўлмаганда, биз илк яратилганимизда худди шундай "кўринишда" бўлганмиз. Биз Худо билан муносабатлар учун яратилганимиз – лекин биз ўзимизни Яратувчимиздан ажратиб, бегоналаштирамиз.

Инсониятнинг бутун тарихи давомида Яратувчидан бу ажралиб олиш бизга ҳам, турмуш тарзимизга ҳам кучли таъсир ўтказди. Муқаддас Китоб бизнинг барча муаммоларимизни – табиий оғатлардан тортиб жаҳон урушлари ва шахсий можароларгача – Худо билан бўлган муносабатларимизнинг узилиши, шунингдек, Худонинг андазаларига мувофиқ яшашга лаёқатсизлигимиз сифатида тушунтиради. Диндорми ёки йўқми, аксарият одамлар бизнинг дунёмизда ҳаммаси батартиб эмаслигига қўшилишади. Биз ҳаммамиз янада мазмунли ҳаётдан умид қиласиз ва бутун дунёда тинчликни хоҳлаймиз.

Бегоналашиш турлича намоён бўлиши мумкин. Кўп оилалар ажралишнинг жиддий жароҳатини бошдан кечирдилар. Фарзанди борлар, фарзанд билан муносабатлардаги бошдан ўтказилган ёки ўтказилаётган қийинчиликлар ва низолар мисолида бегоналашиш акс-садоларини кўришлари мумкин. Ҳаммамиз дўстлар, қариндошлар ёки ҳамкаслар билан муносабатларни узишимизга тўғри келган. Муқаддас Китобдаги ҳаётга қарашга мувофиқ, муносабатларнинг бузилиши бизнинг Худодан шахсан бегоналашувимизнинг бевосита натижасидир.

Биз ва Яратувчи ўртасидаги жарлик бошқа одамлар билан муносабатларни бузади ва ички хотиржамликка эга бўлишга имкон бермайди. Бугун биз баҳтли жамиятда яшаяпмиз, шахсий тинчлик ва хавфсизликдан баҳраманд бўляяпмиз, дейиш ажойиб бўлар эди. Лекин ҳақиқат шундаки, кўпчилигимиз баҳтсиз ва ҳаётимиздан норозимиз. Бизга руҳий хотиржамлик етишмаяпти, ички тинчликнинг етишмаслиги эса Худо билан тинчликда бўла олмаслигимиздан келиб чиқаяпти.

Бегоналашиш оғриғи зиқлик ҳолати, пиёнисталик, гиёҳвандлик ва психологик "ишchanлик"га келиб тўкилади. Бу бошқа қўплаб кўринишларда ҳам ўзини билдиради. Азоб-уқубатлар халқимиз ва унинг маданиятининг ажралиб турувчи хусусияти эканлиги бежиз эмас.

Мезони одамларнинг фаровонлиги бўлган гуманизм инсоний ёвузиликни тушунтира олмайди. Холокостдан тортиб Дарфурдаги<sup>17</sup> геноцидгача бўлган воқеалар шундан гувоҳлик берадики, инсон нафақат майший гуноҳларни, балки даҳшатли қамровдаги ёвузиликни ҳам содир этишга қодир. Тарихнинг бу ва бошқа шунга ўхшаш далилларини кўриб, инсоннинг тұғма яхшилигига ишонишдан кўра, Муқаддас Китобда осийлик ҳақида айтилганларни қабул қилиш осонроқдир.

Анъанавий иудаизм эркаклар ва аёлларда яхши ва ёмон ибтидо борлигини ўргатади. Бизда ҳар доим танлов бор – тўғри ёки нотўғри қарор қабул қилиш. Аммо инсоният азалдан шубҳали танловга мойилдек туюлади. Худбин бўлиш осон, лекин ўзини қурбон қилиш учун – куч-ғайрат сарфлаш керак! Жамият сифатида биз бир хил хатоларни қайта-қайта такрорлаймиз: бир уруш тугаши билан бошқаси бошланади. Кўринишидан, технология ва бошқа фанлар соҳасидаги барча ютуқларга қарамай, биз инсоний

табиатимиздаги ёвуз ибтидони енгишга қодир эмасмиз.

Ишаё пайғамбар китоби келажакдаги дунё – жамиятда ҳам, табиатда ҳам уйғунлик дунёсини тасвирлаган. Кўп қулфатлар ва вайронагарчиликлар табиий оғатларнинг натижасидир, шунинг учун Битиклар бундай табиат ҳодисаларини инсон томонидан яратилган ёвузлик билан бир қаторда, Худодан ажралишимиз билан боғлайди. Пайғамбар ҳатто йиртқичлар ва уй ҳайвонлари ҳам тинч-тотув яшайдиган кун ҳақида гапиргани ажабланарли эмас!

«Шунда бўри қўзи билан яшар,  
Сиртлон билан улоқча бирга ётар,  
Бузоқ, шер, бўрдоқи биргадир,  
Ёш бола уларни етаклаб юрар» (Ишаё 11:6).

Гуноҳни ювиш ҳамма ёқда, бутун Ер юзида амалга ошадиган кун келади ва ўшандада ҳеч қачон урушлар бўлмайди:

«Эгамиз ҳукм қиласи халқларнинг орасида,  
Ажрим қиласи кўп миллатлар орасида.  
Қиличларини айлантиришиади омочга,  
Найзаларини эса ток қайчиларига.  
Қилич кўтармайди бир-бираига халқлар,  
Ҳеч қачон жсанг қилмайди улар. (Ишаё 2:4)

Айтилганларига қўшимча қилиб, кўп нарсаларни эслатиш мумкин. Юқорида айтиб ўтилганларнинг барчаси сизни ишонтиришга эмас, балки Муқаддас Китоб таълимоти инсон хулқ-авторининг табиатини сиз ва мен қила оладигандан кўра яхшироқ тушунтиришини кўришга ёрдам беради. Худонинг андазаларига мос яшашга лаёқатсизлигимиз – мана шу биз гуноҳни ювишга муҳтожлигимизнинг сабабидир!

### Гуноҳни ювиш йўллари

Гуноҳни ювишнинг кўп йўллари бор. Лекин ярашиш ва хатоларни тузатиш гуноҳни ювиш билан айнан бир нарса эмас. Баъзилар бошқалардан кечирим олишга ёки топишга ҳаракат қилмоқдалар. Тузалишга интилишнинг ҳеч қандай ёмон жойи йўқ – яхудийлар сифатида биламизки, йилига бир марта айнан шу бизнинг асосий ташвишимизга айланади! Аммо ярашиш ва хатоларни тузатиш гуноҳни ювишга ўхшамайди.

Биз гуноҳни ювишни шахсан ишлаб топишга ҳаракат қилишимиз мумкин: кўнгилли бўлиш ёки хайрия ишларига пул бериш орқали. Бу ҳаракатлар муносаб, лекин уларни амалга оширишни тўхтатишими биланоқ, бизда ички қониқиши ҳисси заифлашади. Ўз ҳаракатларимиз натижасида гуноҳни ювишга эришиш умидида, биз доимо югуриш йўлакчасидаги каби, тинмай пойгалашамиз. Ҳар биримиз қалбимизнинг тубида ўзимиз содир этган барча камчиликлар ва хатоларимиз гуноҳини ювишимиз зарурлигини биламиз. Аммо, хатоларимиз ва гуноҳларимизни шу тарзда ювишга интиларканмиз, биз ўзимизнинг қурбимиз етмаслигига яна бир бор амин

бўламиз, холос.

Сиздан ҳар биримиз ўзимизга берадиган бир саволга вижданан жавоб беришингизни илтимос қиласман: «Мен ўз гуноҳларимни ювишга қодирманми?»

“Етти умр” фильмида Тим Томас (Уилл Смит) ўз ҳаётининг сценарийсини ишлаб чиқади, бу сценарийга мувофиқ, у ўз айби билан рўй берган автоҳалокатда ҳалок бўлган етти кишининг ўлими учун ўз гуноҳини ювиши мумкин эди. Машина ҳайдаш чоғида у ўз мобил телефонида SMS-хабар ёзаётганди. Тим ўз тана аъзоларини муносаб одамларга қурбонлик қилиб, шу тариқа ўлишни режалаштиради. У ўз гуноҳини ювиш устида ишлай бошлагани сари, кимнинг ҳаққи-хурмати учун ўлишни назарда тутаётган одамларнинг ахлоқий қиёфасини баҳолаб боради. Бу мисол гуноҳни ювишнинг маъносини Муқаддас Китобда ва инсоний тушуниш ўртасидаги фарқни намоён қиласди. Томас ўз гуноҳини ювишга хизмат қиласман деб ҳисоблагани боис, у номзодларни уларнинг ўз хатти-ҳаракатлари ва ахлоқийлиги бўйича баҳолаб борди. У ўз тана аъзоларини унинг мезонларига – феъл-атвори ва турмуш тарзи бўйича мос келадиган одамларга қурбонлик қилишга тайёр эди.

Гуноҳни ювишни бундай тушуниш дунёning кўплаб буюк динларига хосдир. Ҳиндуизм издошлари ўзларини тозалаш орқали гуноҳни ювишни сотиб олишлари мумкинлигига ишонишади. Худонинг раҳм-шафқатига, иноятига ва кечириимиға лойиқ бўлиш учун митзвотни (мицвот) бажараётганимизда, бу маълум даражада иудизмга ҳам хосдир.

Бундай ёндашув Муқаддас Китоб таълимотидан кескин фарқ қиласди. Гуноҳни ювиш бу – бизга Яратувчи билан яқин шахсий муносабатларга эга бўлишга имкон бермайдиган бегоналashiш ва айбни бартараф этишдир. Бунга фақат гуноҳ муаммосини йўқотиш шарти билангина эришиш мумкин. Муқаддас Китобга кўра, ҳеч биримиз Худонинг муқаддас андазаларига жавоб қилишга имкон берадиган теран тавба қилишга эриша олмаймиз. Кўпинча, ҳаётимиз дастлаб биз учун мўлжалланганига қанчалик мос келмаслигини англамаймиз. Агар бизнинг ўзимиз муаммо бўлсақ, қандай қилиб уни ҳал қилиш воситаси бўла олардик? Биз ўзимизга мустақил тарзда ёрдам бериш қобилиятимиздан ташқарига чиқувчи кўмакка муҳтоҷмиз!

### **Гуноҳни ювиш – Худонинг иноятидир**

Худо борлиги ва биз унинг андазаларига жавоб бермаслигимиз ҳақидаги гипотезани асос қилиб олгач, биз муқаррар равишда учинчи дастлабки шартга келамиз. Гуноҳни ювиш Худонинг құдрати билан бошланади ва тугайди, бизнинг мажбуриятимиз эса У биз учун содир этадиган ишларини қабул қилишдир. Бошқача қилиб айтганда, Муқаддас Китоб нуқтаи назарида гуноҳни ювишга биз эришмаймиз ёки лойиқ эмасмиз; у инъом этилади.

Муқаддас Китоб тарихини ўрганар эканмиз, Шоҳ Сулаймон томонидан курилган Қуддус Маъбадининг аҳамияти ва ундаги қурбонликларнинг маъносини назардан қочирмаслик керак. Бу архаик туюлиши мумкин, лекин

Муқаддас Китоб бизга нимани ўргатмоқчи эканлигини тушуниш фойдалидир.

Қадимги исроилликлар ҳар сафар гуноҳ қилғанларида, Таврот уларга маъбадда қурбонлик қилишни буюрган. Аммо Раббий биз номукаммал инсоний табиатимиз туфайли, қоида тариқасида, барча гуноҳларимизни англамаслигимизни кўрди. Натижада, кўп гуноҳлар ювилмаган бўлиб чиқди! Шу сабабли, йилнинг бир куни – Гуноҳни ювиш Куни ёки Ём-Кипурда - исроилликлар Худо уларнинг барча гуноҳларини, ҳатто ўтказиб юборган гуноҳларини ҳам кечиришини билиб, тасалли олиши мумкин бўлган кун бўлди.

Ём-Кипур (**n** ва **φ** ҳарфлари иврит тилида баъзан бир-бири билан ўрин алмашади) номи келиб чиқсан ивритча **каф ар** сўзи "қоплаш" деган маънони англатади. Гуноҳни ювиш Кунида исроилликларнинг ҳатто қурбонлик келтирмаган гуноҳлари ҳам қопланади. Олий Рухоний "Иноят Тахти" номи билан танилган Энг муқаддас хонага кириб, бузоқ ва эчкининг қонини, Худо ҳозир бўлган жой **капоретга** - "Аҳд сандиги" қопқоғи устига сепарди. Кон сепиш ҳар бир инсон учун кечирим ва гуноҳни ювишни таъминларди. Шундай қилиб, Гуноҳни ювиш Кунида Худо бизлар сезмаган, лекин Ўзи кўрган гуноҳларни ҳам кечираади. Бу Худонинг одамзотга марҳаматининг ажойиб мисолидир.

Нима учун қон тўкиш керак эди? XXI асрда бу саволга жавоб бериш жуда қийин; бу бизга ваҳший одат бўлиб туюлади. Ҳеч шубҳа йўқки, Раббий биздан Унинг барча яратганларига яхши муносабатда бўлишимизни хоҳлайди. Аммо келинг, нима учун У исроилликлардан барибир ҳайвонларни қурбон қилишни талаб қилганини тушунишга ҳаракат қилайлик. Муқаддас Китобнинг қурбонликлар ҳақидаги таълимотини тушуниш учун асосий оят Левилар (Вайикра) 17:11-оят ҳисобланади:

*«Зотан жонзотнинг жони унинг қонидир. Эгамиз қонни сизларга қурбонгоҳ устида гуноҳларингизни ювии учун берган. Жон ато этадиган қон сизларни гуноҳларингиздан поклайди».*

Қоннинг маъносини тушунтириб берадиган ушбу оят ҳақида кўплаб китоблар ёзилган. Қон нега жуда муҳимлигини тушуниш учун буларнинг барчасини ўқишимиз шарт эмас. Агар қон бўлмаса, ҳаёт бўлмайди. Қон ҳар қандай касаллик билан касалланганда, одамлар ўлишади: ОИТС, гепатит ёки лейкемия. Кўпинча ўлим сабаби – қоннинг заҳарланишидир. Муқаддас Китобда қон – ҳаётни таъминлаш рамзидир. Ҳайвон ўлдирилганда ва унинг қони тўкилганида, ҳайвон бу нархни тўлаган ва гуноҳ учун жазога тортилган деб ҳисобланган. Ҳайвоннинг ўлими гуноҳ ўлимни туғдиришига эслатма бўлган. Бу одат исроилликларга қўзининг қони тўнғичларини ўлимдан кутқарган Фисих байрамини ҳам эслатади.

Худди Левилар китоби каби Янги Аҳдда ҳам қон билан покланиш эслатилади. Ибронийларга мактубда (9:22) шундай дейилган:

*“Дарҳақиқат, Мусонинг қонуни бўйича деярли ҳамма нарса қон билан покланади, тўкилган қон орқалигина гуноҳлар кечирилади”.*

Бундан хulosса қилиш мумкинки, Муқаддас Китоб таълимоти шуни тасдиқлайди: гуноҳни ювиш учун *айбсиз қурбон* қони тўкилиши зарур.

Дунёning кўплаб динлари қурбонлик учун ҳайвонлардан фойдаланишади. Бу Муқаддас Китобни тасдиқлаш ҳам, рад этиш ҳам эмас. Фақат бир нарса аниқ, қонни тўкиш гуноҳни ювишни таъминлайди, деб даъво қиладиган бошқа динлар ҳам бўлган ва ҳозир ҳам мавжуд. Отаси Иброҳим уни қурбон қилишга тайёр бўлганида, Худо Исҳоқнинг ҳаётини сақлаб қолганлиги далилини назардан қочирмаслик керак. Бу Худо бошқа қадимги динларда кенг тарқалган амалиётга зид равишда – инсонни қурбон қилишларни қабул қиласлигини исботлайди.

Муқаддас Китобда Раббий инсон қурбонлигига йўл қўйган ягона ҳолат тасвирланган. Ушбу маҳсус қурбонликнинг тавсифини Ишаё пайғамбар китобининг 53-бобида ўқиши мумкин. Биз Раббийнинг айтганлари Масиҳ Исонинг ўлимида амалга ошганига ишонамиз. Тез орада ушбу бобни ва унинг Исо билан алоқасини кўриб чиқиб, биз қуидаги саволга жавоб беришга ҳаракат қиласми: “Исо ҳақиқатан ҳам гуноҳни ювадиган ўлим билан ўлганми?” Пайғамбар бизнинг ўрнимизга Қул ўлаётганини кўрсатади; Унинг ўлими туфайли гуноҳларимиз кечирилади ва биз гуноҳни ювиш инъомини олдик:

“Эгамиз Ўз қулини эзишини, азоблашини маъқул кўрди.  
Шундай бўлса ҳам, Эгамизнинг қули ўз наслини кўради,  
Узоқ умр кечиради,  
Чунки у ўзини гуноҳ учун назр қилди.  
У орқали Эгамизнинг хоҳииши бажо бўлади.  
Чеккан азобларининг натижасини кўриб,  
У мамнун бўлади.  
Менинг солиҳ қулим ўз билими туфайли  
Кўпчиликни оқлаб, уларнинг айбини ўзига олади.” (Ишаё 53:10-11).

## Хуносалар

XXI аср Ғарбига гуноҳни ювиш ҳақидаги Муқаддас Китоб нуқтаи назарини қабул қилиш у ёқда турсин, тушуниш ҳам умуман осон эмаслигини мен тушунаман. Аввало, Худо борлигига ва У муқаддас эканлигига ишониш керак. Иккинчидан, биз инсон ўз саъӣ-ҳаракатлари эвазига гуноҳни ювишни сотиб олишга қодир эмаслигини тан олишимиз керак. Ниҳоят, қурбонлик ва қон тўкиш орқали Худо бизга гуноҳни ювишни бериши далилини қабул қилиш керак. Юқоридаги учта тамойил Ишаё пайғамбар китобининг 53-бобида ёзилган Қул Истроил халқи ва ер юзидаги барча халқларнинг гуноҳни ювиш учун қурбонлик ўлими билан ўлганлигини тушунишнинг асосида ётади.

Эҳтимол, сиз бу дастлабки шартларнинг бир ёки бир нечтасига қўшилмассиз, чунки бизни бу гояларни рад этиш руҳида тарбиялашган. Эҳтимол, ҳис-туйғуларингиз сизга “миянгизни ўчириш” ва бу тасдиқларнинг барчасини имон билан қабул қилишни таклиф этаётгандир. Аммо шуни

таъкидлашга ижозат этинг, ёвузлик, инсоний азоб-уқубатлар ва тинчликнинг йўқлиги муаммоси ҳақида гап кетганда, айнан шу дастлабки шартлар биз бошимиздан кечирган барчасини (балки яхшироқ!), объектив далиллар йўқлигига қарамай, биз бажонудил қабул қиласидаган муқобил тасдиқларни ҳам тушунтиради.

Истроил-Фаластин можароси воқеалари, Афғонистон, Ироқ, Судан, Дарфур, Шимолий Кореядаги воқеалар ва 11 сентябр куни содир бўлган воқеалар нуқтаи назаридан инсоннинг туғма меҳрибонлигини талаб қила оламизми? Биз яқинда Шимолий Америка ва Европада кузатган қашшоқлик, ирқчилик, антисемитизм, ҳарорат кўтарилиши эфекти, даҳшатли тамагирлик ва очкўзлик каби глобал муаммоларга дуч келмоқдамиз. Баъзан менга бундай ноқулай саволлар, яъни инсон феъл-атвори ёки яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги саволлар олдида биз шунчаки ҳақиқатдан узоқлашиб, ҳаётнинг ҳақиқий муаммоларига тик қарашга имкон бермайдиган хаёлотларлар дунёсига қочиб, кўнгилхушликлар ва компютер ўйинлари соҳасида яширинишга ҳаракат қилаётгандек бўлиб туюлади. Ўз идеалларидан воз кечган ва энди бу дунёни яхшилашга ҳаракат қилмайдиган одамлар қанчалик кўп!

Дунёга Муқаддас Китобда келтирилган қарашларга қандай муқобиллар мавжуд? Қачонлардир биз таълим маърифатга олиб келади, деб ишонган эдик. Бу содир бўлдими? Табиийки, бу кўп соҳаларда содир бўлган, аммо таълим аслида юрагингизга тинчлик олиб келди ва сизни азоб-уқубатлардан ҳамда муносабатларни бузишдан қутқарди, деб айта оласизми? Таълим дунё халқларининг ўзаро тил топишишига ёрдам бераяптими?

Балки фан бизнинг муаммоларимизни ҳал қила олар? Балки биз ҳозир узоқроқ ва қулайроқ яшаётган бўлишимиз мумкин – лекин охир-оқибат ҳаммамиз ўлимга дуч келамиз. Илм-фан туфайли биз ўлимни мақбулроқ ва тинчроқ қабул қилишга муваффақ бўлдик – аммо илм-фан қалбимизнинг энг чуқур муаммоларини ҳал қилдими? Албатта йўқ!

Одатда сўзсиз қабул қилинадиган барча эътиқодлар ҳақида ўйлаб кўринг ва уларни Муқаддас Китоб тамойиллари билан солиширинг. Агар ҳаётингизда мурожаат қилган ҳамма нарса ҳақиқатан ҳам ишлаётган бўлса, эҳтимол Масиҳ бўлган ва Яратувчиниз билан шахсий муносабатда бўлишингиз учун йўлни тозалаган Исога ишониш сиз учун зарурат эмас.

Эҳтимол, сиз ҳали ҳам изланаётгандирсиз. Ундей бўлса, сиз муқаррар равища ўзингизни қутқара олмаслигингизни, “ўзингизга ёрдам бериш” ҳаракатлари гуноҳни ювишга олиб келмаслигини топасиз, деб ишонаман.

Фақат Худо томонидан гуноҳнинг ювилишини қабул қилиш орқали биз Яратувчимиз билан бўлган муносабатларимизда тинчликка эриша оламиз; бу тинчлик ҳаётга – ва ҳатто ўлимга – Яратувчимиз, Худо билан яқин муносабатлардан келиб чикадиган ишонч билан қарашга бизга имкон беради.

Пайғамбар Ишаё ҳар биримиз гуноҳни ювишнинг тўлиқ марҳаматидан баҳра оладиган келажак кунларни тасвирлаган:

“Эгамиз Раббийнинг Рӯҳи мени қамраб олган,  
Чунки У мени танлаган.

“Йўқсилларга хуихабар етказсин,  
Хаста қалбларга шифо берсин,  
Асиrlарга озодлик эълон қилсин,  
Зиндондагиларга эркинлик хабарини берсин” деб,  
Эгам мени юборди.

“Эгамнинг марҳамат йилини,  
Худонинг қасос оладиган кунини эълон қилсин,  
Азадорларнинг ҳаммасини овутсин” деб,  
Эгам мени юборди.

“Қуддусда нола қилаётганларга тасалли берсин,  
Уларга кул ўрнига зеб–зийнат,  
Аза ўрнига шодлик мойи,  
Маъюс руҳ ўрнига мадҳия берсин” деб,  
Эгам мени юборди.

Энди уларни “Эгамиз Ўз шуҳрати учун эккан кўчатлар,  
Солиҳлик эманлари” деб аташади.” (Ишаё 61:1-3).

Масиҳнинг ҳақиқий кунларини (Йамей Мashiах) тасвиirlар экан, Исо бу парчани Янги Аҳдда иқтибос қилиб келтиради.

Гарчи дунёда гўзалликлар ва яхшилик қўп бўлсада, кўпчилик бизнинг коинотимиз ахлоқан ва руҳан бузилган, деган фикрга қўшилади деб ўйлайман. Гуноҳни ювиш ҳаммасини ўз жойига қайтариш ва бутун инсоният учун шаломни тиклашга мўлжалланган.

## 8-БОБ ЯНГИ АҲДНИНГ ҲАҚҚОНИЙЛИГИ

Исо Ишаё пайғамбар китобининг 53-бобидаги башоратнинг амалга ошиши деган фикрни исботлаш учун аввало У ҳақидаги мавжуд маълумотларнинг тўғрилигини тасдиқлашимиз керак. Исо Масиҳнинг ҳаётини тасвиirlайдиган асосий манба Янги Аҳддир. Янги Аҳд масиҳий жамоасидан ташқарида унчалик маълум эмас ва яхудийлар уни умуман ўқимайдилар – гарчи у асосан яхудий муаллифлари томонидан ёзилган бўлса ҳам.

Янги Аҳд турли адабий жанрдаги китобларни ўз ичига олади. Тўртта Хушхабар Исонинг ҳаётидаги тарихий ҳикояларни; муқаддас ҳаворийлар амаллари биринчи имонлиларнинг, Исонинг издошлари тарихини тасвиirlайди; Ҳаворийларнинг Мактублари асосан «чўпонлик», панд-насиҳат табиатига эга, Ваҳий китоби эса апокалиптик (охир замон) мактуби бўлиб, услуги жиҳатидан Ҳизқиёл, Дониёр китобларига ва Ишаё пайғамбар китобининг баъзи қисмларига ўхшайди.

Янги Аҳднинг тарихий жиҳатдан тўғрилигини тасдиқловчи кўплаб ишончли далиллар мавжуд. Ушбу матнларнинг ишончлилигини аниқлаб, биз Ишаё пайғамбар китобининг 53-бобидаги Исонинг ҳақиқий ҳаётини У

ҳақидаги башорат билан солиширишимиз мумкин.

Одатда далилларни икки тоифага бўлиш қабул қилинган: ички ва ташқи. Бу борада қўплаб ажойиб асарлар ёзилган, шунинг учун бизнинг шарҳларимиз қисқа бўлади<sup>18</sup>.

## **ИЧКИ ДАЛИЛЛАР**

### **Яхудий Битиклари билан мувофиқлик**

Янги Аҳд Яхудий Битикларига тўлиқ мос келади. У яхудий халқига қаратилган; ҳаракат жойи ҳали ҳам Исроил юрти; Янги Аҳдда энг кўп иқтибос келтириладиган китоб бу – Эски Аҳд (Танаҳ).

Янги Аҳд Худонинг муқаддаслиги, инсон гуноҳи ва қутқарилиши ҳақидаги Эски Аҳднинг асосий тушунчаларини тушунмасдан ва келажакдаги дунё тинчлигининг Масиҳий даврига бўлган буюк умид бўлмаса ҳеч қандай маънога эга эмас.

Янги Аҳднинг диққат марказида Исонинг Масих эканлиги ва гуноҳларнинг кечирилиши ҳамда Худо билан шахсий муносабатлар бутун инсониятнинг биринчи устувор йўналиши бўлиши кераклиги ётади. Исонинг ҳаёти, ўлими, тирилиши ва таълимотлари ҳақидаги асосий маълумотлар нафақат тўртта Хушхабарнинг ҳаммасида, балки Янги Аҳднинг қолган китобларида ҳам бир хил ёки параллелдир. Албатта, уларнинг ҳар бирида бир-бирини тўлдирувчи таълимотлар ёки турли ғоялар ёки масалларнинг талқини мавжуд, аммо Янги Аҳдда унинг мавзулари, феъл-автори ва илоҳиёти бир-бирига жуда мос келиши аниқ.

Шуни таъкидлаш керакки, иврит тақвими иккала Аҳдда ҳам муҳим ўрин тутади. Янги Аҳднинг яхудийлардан келиб чиққани аниқ, чунки яхудий тақвимидан фойдаланиш, яхудийларнинг байрамлари, яхудийларнинг урфодатлари ва маросимлари зарур ва унинг илоҳиёт ва таълимотининг асосий элементларидир. Исонинг ҳаётидаги кўплаб воқеалар яхудийларнинг байрамлари пайтида содир бўлади.

Муқаддас Китобни ўқиётганингизда, Эски Аҳд ҳам, Янги Аҳд ҳам бир хил баён этилган тарих эканлигини ўзингиз ҳал қилишингиз мумкин.

### **Тўлдирувчи, лекин бир-бирига зид эмас**

Баъзилар Хушхабарлар бир-бирига зид деб таъкидлашади. Мисол учун, баъзи одамлар, Янги Аҳддаги Павлус Исодаги яхудий имонлиларининг илк жамоаси раҳбари Ёқубнинг таълимотига зид келади деб ўйлашади. Аслида эса, матнлар ҳам, уларнинг муаллифлари ҳам бир-бирига зид эмас, аксинча, бир-бирини тўлдириб туради.

Бундай мисолларни бир нечтасини келтириш мумкин, лекин улар орасида беш минг кишини тўйдириш мўъжизаси айниқса ажralиб туради. Бу воқеа барча тўртта Муқаддас Китобда ҳам тасвирланган ва ҳар бир ҳикоя бироз фарқланади. Янги Аҳдда тўрт минг кишининг тўйдирилиши ҳақидаги ҳикоя ҳам баён этилган, аммо бу бошқа, алоҳида воқеа.

Агар сиз баён этилганларни<sup>19</sup> диққат билан ўқиб чиқсангиз ва солиширсангиз, улар ўртасида ҳеч қандай зиддият йўқлиги аён бўлади. Ҳар

бир муаллиф ўз нуқтаи назаридан мұхим бўлган қўшимча тафсилотларни киритади. Марқ, масалан, ҳикояга том маънода «ранг қўшади». Хусусан, халқ жойлашиб ўтирган майсалар ям-яшил эканини таъкидлайди. Гарчи бошқа муаллифлар бу тафсилотни ўз тавсифлариға киритмаган бўлсалар ҳам, муаллифлардан бири воқеалар пайтида ўтнинг рангини эслатиб ўтганлиги, қолганлари эса бундай қилмаганлиги сабабли Хушхабарлар бир-бирига зид деб жиддий баҳслаша олмасалар керак.

Тўртта Хушхабар матнлари бир-бирига зид бўлмаган ҳолда бир-бирини қандай тўлдириши ҳақида кўплаб бошқа мисоллар ҳам мавжуд. Матто, Марк ва Луқонинг китоблари «Синоптик Хушхабарлар» деб аталади (синоптик сўзи юононча «биргалиқда кўриш» деган маънони англатади). Юҳанно китоби бутунлай бошқача услубда ёзилган. Унда амалга оширилган мўъжизаларга эмас, балки Исонинг таълимотига кўпроқ эътибор берилади. Аммо унда бошқа Хушхабарлар билан солиштирганда «беш мингни тўйдириш» ҳикоясига зид келадиган ҳеч нарса йўқ.

Бу мисоллар, Хушхабар муаллифларининг ҳар бири Муқаддас Руҳдан илҳомланиб, Исонинг ҳаёти ва таълимотларини, ҳаммасини худди ўз кўзи билан кўрганидек «ўзидан ўтказиб» тасвирлаб берганлигини яна бир бор кўрсатади.

Хушхабарларга бир-бирини тўлдирувчи сифатида қараш кўпчиликнинг хаёлий «қарама-қаршиликларини» ҳал қилишга ёрдам беради. Асослар ва таълимотни тасвирлашда Хушхабарлар ҳайратланарли даражада кетма-кетликка эга.

Худди шу тамойилни умуман бутун Янги Аҳдга қўллашимиз мумкин. Исо, Павлус ва Ёқуб ҳақиқатан ҳам бир-бирига зидми? Учаласи ҳам имон билан яшаш зарурлигини, яъни Исо Масиҳга ишониш орқали гуноҳларимиз кечирилишини ва абадий ҳаёт инъомини олишимизни тарғиб қилган. Бу эътиқод шунчаки мавҳум ва ақлий эътиқод эмас – у бизнинг ҳаётимизда ва яхши амалларимизда ўз ифодасини топади. Ўз-ўзидан яхши амалларимиз бизни қутқара олмайди – бунинг учун Ишаё пайғамбар китобининг 53-бобида башорат қилинганидек, қурбонлик сифатида ўлган Раббийнинг Қули Исога ишониш керак. Турли хил Янги Аҳд муаллифлари баъзан содир бўлаётган воқеаларнинг турли томонларини ёритган, аммо уларнинг барчаси бир ҳақиқатни ўргатишган.

### **Соғлом фикрлаш ва Муқаддас Китобдаги сифат**

Янги Аҳд қонунига киритилмаган кўплаб китоблар (юононча «канон» атамаси «узунликни ўлчаш учун этalon сифатида ишлатиладиган қамиш ёки шакарқамиш ходаси» деган маънони англатади) бугунги кунда тобора оммалашиб бормоқда. Масалан, Тўма баён этган Хушхабар, Яхудо (Ишқариёт) баён этган Хушхабар ва бошқа бир қатор эзотерик ҳужжатлар. Улар илк масиҳийлар томонидан қонунлаштирилган (канонизация қилинган) тўртта Хушхабарда айтилганидан фарқли воқеани тасвирлайдилар.

Муқаддас Китобга тааллуқли бўлмаган баъзи бир ҳужжатларни ўқиб чиққач, улар Муқаддас Китобдаги матнлардан сифат жиҳатидан ҳам,

матнинг асослилиги жиҳатидан ҳам анча паст эканлиги аён бўлади. Бундан ташқари, ушбу «муқобил Хушхабарлар» ва бошқа хужжатларнинг муҳим қисми (уларнинг аксарияти Янги Аҳд китобларидан кейинроқ ёзилган) Эски ёки Янги Аҳд таълимотларига мос келмайди.

### **Хушхабарчиларнинг ўз фикрлари**

Хушхабар муаллифлари, улар – ёки таниқли ва тасдиқланган воқеаларни айтиб беришган, ёки ўzlари тасвирланган воқеаларнинг иштирокчилари бўлишган. Эҳтимол, бунинг энг ёрқин тасвирини Луқо баён этган Хушхабарда топиш мумкин:

*“Ҳурматли Теофилус! Ўзингизга маълумки, кўп одамлар орамизда Худонинг қилган ишлари тафсилотини ёзишига киришганлар. Бу воқеаларни ёзишида улар бўлиб ўтган ҳодисаларни бошидан кўрган ва уларни бизга етказган одамларнинг сўзларини асос қилиб олганлар. Шунинг учун мен ҳам ҳаммасини бошидан синчиклаб текширганимдан кейингина, бу воқеаларнинг тафсилотини тартиб билан сизга ёзиб беришига қарор қилдим...”* (Луқо 1:1-3).

Луқо ҳаворий Павлус билан бирга саёҳат қилган шифокор бўлган. Ўқимишли одам бўлиб, у «уй вазифасини» пухта бажариб, Исонинг ҳаёти ҳақида батафсил ҳисбот яратди. Луқо Муқаддас Ҳаворийларнинг Фаолиятини ёзганда ҳам худди шу услугга амал қиласи, у ерда Исонинг тирилишидан кейинги ҳаёти ҳақида гапиришни давом эттиради ва биринчи имонлилар, яхудийлар ва мажусийларнинг тарихини ёзади. Ҳаворийларнинг Фаолияти китобидаги «олдинги китоб» ҳақидаги эслатма, шубҳасиз, Луқо баён этган Хушхабарга ишора қиласи:

*“Эй Теофилус, биринчи китобимда мен сизга Исо<sup>1</sup> бошидан то осмонга кўтарилигунга қадар қилган ҳамма ишлари ва ўргатган таълимоти тўғрисида ёзган эдим. У осмонга кўтарилишидан олдин, Муқаддас Рӯҳ кучи орқали Ўзи танлаган ҳаворийларга кўрсатмалар берган эди. Исо азоб чекиб ўлгандан кейин, бир қанча ишончли далиллар орқали ҳаворийларга тирилганини кўрсатди. Кирк кун давомида уларга зоҳир бўлиб, Худонинг Шоҳлиги тўғрисида гапирди.”* (Ҳав.:1-3).

Кимдир ҳатто воқеа гувоҳлари ва иштирокчилари ҳам кўрганларини ҳар доимо айнан бир хил (*адекват*) даражада тасвирлай олмаслигини пайқаши мумкин. Гарчи Луқо, Исо ҳаётининг хронологиясини ишлаб чиқишида рационал тарихий ёндашувдан фойдаланганлигини даъво қиласи, унинг тавсифлари ҳали ҳам аниқ эмас деб айтишингиз мумкин. Аммо бу икки даъвони ҳам исботлаш керак, бу эса осон эмас: ахир, бу воқеаларга ҳеч биримиз гувоҳ бўлмаганмиз ёки иштирок этмаганмиз-ку!

Биз биламизки, яхудийлар орасида оғзаки анъана, айниқса, дин ва эътиқод масалаларида доимо сақланиб келган. Яхудий халқи Муқаддас

<sup>1</sup> Муқаддас Китобдан иқтибос келтирад эканмиз, биз юононча Исо сўзининг ўрнига - Исо ва Масиҳнинг ибронийча транскрипциясидан фойдаланамиз.

Битикнинг ўзи худди яхудий анъаналари каби асрлар давомида оғзаки равища узатилганлигини тушунишди. *Миина (Оғзаки Таврот)*нинг ўзи борйўғи милодий учинчи аср бошларида ёзилган. Оғзаки анъананинг қадрига эътиқод қилиш ва унинг кейинчалик ёзилган матнларга тўлиқ мос келиши, иудаизм ёки бошқа қўплаб замонавий диний оқимлар учун бегона эмас.

Хушхабарларнинг ҳақиқийлигини исботлаш учун уларнинг муаллифлари Исо билан бўлган шахсий тажрибаларига мурожаат қилишган. Улар ҳеч қачон ўз нуқтаи назаридан ҳимоя қилишга кўп эҳтиёж сезишмаган, улар ёзганлари ҳақиқат эканлигини билишган – чунки буни ўзлари бошдан кечиришган. Ҳаворий Юҳанно шундай ёзган:

*“Бошидан аён бўлган Ҳаёт қаломи ҳақида биз сизларга хабар бермоқчимиз. Кўриб эшишганларимизни, ҳа, ўз кўзимиз билан кўриб, ўз қўлларимиз билан пайпаслаб кўрганларимизни сизларга маълум қилмоқчимиз. Отамиз Худонинг ҳузурида бўлган Ҳаёт бизга ошкор бўлди! Биз бу абадий Ҳаётни кўриб, энди У ҳақда сизларга шоҳидлик қиляпмиз. Кўрган–эшишганларимизни маълум қилиши орқали сизлар билан биродар бўлиб яшамоқчимиз. Зеро, ўзимиз ҳам Отамиз Худо ва Унинг Ўғли Исо Масиҳ билан яшяяпмиз. Буларни сизларга қалбимиз шодликка тўлсин деб, ёзяпмиз.”* (Юҳаннонинг 1-мактуби 1:1-4).

Шак-шубҳасиз, Юҳанно ўз ёзганларининг ҳақиқат эканлигига ишонган, лекин бу сўзларга кўп йил бўлганлиги учун биз уларни эскирган, деб шунчаки рад этишимиз мумкин дегани эмас. Агар шундай қилсак, тарихий ҳужжатларда қайд этилган деярли ҳамма нарсага шубҳа қилишимиз керак бўлади.

### **Воқеаларга вақтинча яқинлик**

Хушхабарнинг тўртта муаллифидан камида учтаси Исонинг ҳаётидаги воқеаларнинг замондошлари ва гувоҳлари бўлган, шунинг учун улар ёзган Хушхабарлар Унинг ердаги ҳаёти даврига жуда яқин. Бугунги кунда деярли барча олимлар, ҳатто Янги Аҳдни танқид қилганлар ҳам, Хушхабарлар эрамизнинг биринчи асрида ёзилган деган фикрга қўшиладилар.

Исонинг ҳаёти ва ўлимидан кейинги дастлабки икки аср давомида яшаган жамоатдаги оталар, ўқитувчиларнинг кўпчилиги Хушхабардан иқтибос келтирдилар. Бу шуни англатадики, уларнинг ҳаёти давомида Хушхабар аллақачон мавжуд бўлган ва бу жамоат оталарининг баъзилари эрамизнинг биринчи асрининг охирида яшаб ижод қилишган.

Янги Аҳд эрамизнинг 325-йилида Никея (юнон. Νίκαια) Соборида расман тасдиқланган. Аммо Собордан олдинги йилларда бу матнлар мавжуд эмас деб ёки уларнинг тарихий ҳақиқийлиги Исога имон келтирганларнинг аксарияти томонидан қабул қилинмаган деб ўйлаш хато бўлар эди. Никея ибодатхонаси факатгина қадимги дунё имонлилари аллақачон билган нарсаларни тасдиқлаб берди: тўртта Хушхабар Янги Аҳднинг бошқа барча қисмлари каби, Ҳаворийлар китобидан Ваҳий китобигача имонлилар томонидан мунтазам равища ўқиб, фойдаланиб келинган. Шубҳасиз,

нусхалар сони чекланган эди, шунинг учун Хушхабарларда ёзилганларнинг кўпи биринчи имонлилар томонидан эслаб қолинган тартибда оғзаки узатилган. Бироқ, бу Яхудий Битикларига ҳам тегишли.

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, ички далиллар Янги Аҳд матнлари Исо ҳаётидаги воқеалар гувоҳлари томонидан ёзилганлигини ва уларни ўз вақтида ёзиб қўйганлигини аниқ кўрсатмоқда. Шундай қилиб, хулоса қиласиган бўлсак: Янги Аҳдда баён этилган Исонинг сўзлари ҳам, Унинг ҳаёти ҳақидаги ҳикоялар ҳам жуда ишончли.

## ТАШҚИ ДАЛИЛЛАР

### Тарихчилар - Янги Аҳднинг замондошлари

Янги Аҳд китоблари, айниқса, Хушхабарлар, худди шу даврда яшаб ижод қилган тарихчиларнинг асарларини қандай баҳоласак, худди шундай мезонлар асосида баҳоланиши керак. Ўзингизга савол бериб кўринг: бизда яхудий ёки мажусий замондошларидан кўра Янги Аҳд муаллифларига кўпроқ ишонмаслик учун асосларимиз борми ёки йўқми? Цезарь, Ливий, Тацит, Иосиф Флавий ва Геродот Янги Аҳд ёзилганидан кейин уч ёки тўрт аср ичида ўз асарларини ёзганлар, шунинг учун улар ёзганларини Хушхабар ёзувчиларининг ёзувлари билан бир хил мезонлар бўйича баҳоланиши керак. Худди шу мезонлар асосида Макабимлар китоблари ва яхудий адабиётининг бошқа тарихий матнларини кўриб чиқиш керак.

Классик матнларни чуқур ўрганмасдан ҳам, уларнинг баъзиларига тадбиқ этиладиган тамойиллар ҳаммага ҳам тадбиқ этилиши керақ, дейиши мумкин. Масалан, Иосиф Флавий асирга олинган ва римликларга хизмат қилган яхудий генерал эди. У бир қатор жангларда қатнашди, натижада Куддус ва Маъбад вайрон бўлди. Бироқ унинг «Яхудий урушлари» асари сифатли тарихий асар ҳисобланади. Унинг қарашлари нотўғри эканлиги аниқ, лекин ҳар қандай қарама-қаршиликларга қарамай, бу давр тарихи ҳақида батафсил маълумот ёзган одам сифатида хурматга сазовор бўлган.

Худди шу нарса Янги Аҳд муаллифларига, хусусан, Хушхабарлар муаллифларига ҳам тегишли. Исонинг ҳаёти ва таълимотлари ҳақида билганларини баҳам кўришни истаган бу одамлар томонидан ёзилганларни ҳам Иосиф Флавийнинг асарлари каби жиддий қабул қилиниши керак.

Замонавий тарихчилар Янги Аҳдда тасвирланган географик маълумотларни, шунингдек, ушбу даврнинг ижтимоий ва диний тузилмаларини тасдиқладилар. Никоҳдаги ва бошқа урф-одатларни тасвирланиши, умумий диний эътиқодлар ва ҳатто қишлоқ хўжалик юритиш усуллари ҳақидаги маълумотлар ҳам текширилиб тасдиқланди. Келтирилган саналар, Ҳирод ва олий руҳонийларнинг исмлари ёки ўша пайтда нишонланган яхудий байрамларининг таърифи ҳақида ҳеч ким жиддий баҳслаша олмади.

Янги Аҳднинг тарихий жиҳатдан аниқлигига оид ҳар қандай баҳснинг марказида диний жиҳат туради. Бу ҳақда ҳеч бўлмаганда, Хушхабарлар муаллифлари ўзлари ёзган нарсаларга чуқур ишонганликларини айтишимиз

мумкин. Улар Исонинг Масиҳ эканлигига, У ўлиб тирилганига ишонишган. Улар шунингдек, Исонинг қайтиб келадиган кун келишига ҳам ишонганлар. Бу эътиқод рамзлари бошқа қўплаб жиҳатлари ҳақиқат эканлиги исботланган ўша тарихий ҳисоботларнинг бир қисмидир. Хўш, бизда уларга шубҳа қилиш учун мантиқий асослар борми?

Шуни тан олиш керакки, бизнинг ғайритабиий нарсаларга ишонмаслигимиз ва Исо Масиҳ бўла олмайди, деган муносабатимиз – биринчи навбатда бу – Янги Аҳдни тарихий бўлмаган ҳужжат сифатида қабул қилишга мажбур қиласди. Биз Янги Аҳдни нима учун бепарво қабул қилишимиз сабабларини қайта кўриб чиқишимиз керак. Ва агар биз бундай муносабат учун етарлича асосли сабаб топа олмасак, Исо ҳақида ёзилган тарихий ҳужжатларга ушбу даврнинг бошқа тарихий ҳужжатлари каби ишониш кераклигини тан олишимиз керак. Агар биз Исо мўъжизалар кўрсатганига, гуноҳларни кечирганига ёки ўлимдан тирилганига ишонмасликни танласак, унда биз тарихий ҳисоботларда маълумотларнинг етишмовчилиги ёки ноаниқлик туфайли эмас, балки бундай нарсалар содир бўлиши мумкинлигига ишонмаганимиз учунгина шундай қиласми.

Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, Янги Аҳд тарихий ҳужжатdir ва агар кимдир уни «ёмон дин» деб ҳисобласа, унда бу эътиқод гўёки тарихий аниқлик йўқлигига асосланмаслиги керак. Бизда Янги Аҳд муаллифлари Исонинг ҳаёти тўғрисида жуда аниқ ҳисобот беришганига барча асосларимиз бор.

Британиялик олим Хью Шонфилд шундай деб ҳисоблаган: “Янги Аҳд муаллифлари Исонинг шогирдлари билан тил бириктирган ҳолда Эски Аҳддаги Масиҳ ҳақидаги башоратларни ўзгартиришиб, Исода амалга ошгандек қилиб кўрсатишган”. Нима учун? Шонфилднинг Исо ўлмаганига, балки “хушидан кетганига” ишониш учун тарихий ва ҳақиқий асослари бор эдими?

Қизиги шундаки, Шонфилднинг ўзи ҳам бир вақтлар Исонинг издоши бўлган, аммо кейин Уни рад этган. Шонфилд Хушхабарларни баҳолашда ўзига хос мақсадларга эга бўлгандек кўринади ва Унга кўп йиллар давомида ишонганидан кейин нима учун Исонинг масиҳийлигидан воз кечганини тушунтиради. Биз инсон қалбидаги ниятларини била олмаймиз, лекин менимча, Исонинг шогирдлари ва издошларини фирибгарликда айблашдан олдин, Шонфилд ўз асарларида тарихий объективлик тамойилини қўллаши керак эди.

Ақлий жиҳатдан ҳаққоний бўлиш учун, Хушхабарларнинг тарихий тўғрилигини рад этишда объектив асосларга эга бўлишимиз керак. Агар бундай асос бўлмаса, биз Исонинг ҳаёти ва ўлими ҳақидаги далиллар ушбу башоратда тасвирланган тафсилотларга қанчалик мос келишини тушуниш учун Ишаё пайгамбар китобининг 53-бобидаги башорат билан Исонинг ҳаётини солиштиришимиз керак. Агар улар мос келса, биз Исо Исройлнинг Масиҳи бўлиши мумкинлигини кўриб чиқишимиз керак.

## Илк масиҳийлик тарихи

Талмудда Исо ҳақида баъзи фикрлар ҳам бор. Кўпинча улар ёқимсиз, аммо шунга қарамай, уларнинг мавжудлиги, ўша даврдаги яхудий жамоасида Исони тарихий шахс сифатида тан олган кўп одамлар борлигини кўрсатади.

Талмуддаги ҳикоялардан бири Исонинг шогирдлари томонидан оғир касалликдан шифо топган одам ҳақида ҳикоя қилади. Бу ҳикоянинг эпилоги унчалик ижобий эмас, чунки бу одам кимнинг номидан шифо топганини эшитганида, касал бўлиб қолгани яхшироқ эканини айтади!

Талмуд тарихини таҳлил қилганимизда, бу муносабат ойдинлашади. Унинг қоидалари Исо ҳаётидан юзлаб йиллар ўтгач ёзилган, бундан олдин улар оғзаки равишда авлоддан-авлодга ўтган. Мишна ёзуви эрамизнинг учинчи асрига тўғри келиши қабул қилинган. Бу вақтга келиб, ўша пайтда деярли мажусий бўлиб қолган кўтарилаётган жамоат ва тез орада (Константин даврида) ўзининг диний ва сиёсий устунлигини жамоатга топширишга мажбур бўлган анъанавий яхудий жамоаси ўртасидаги зиддият жуда аниқ сезилиб турарди.

Масиҳийлик тарихининг дастлабки икки асрида, янги жамоатнинг турли соҳаларида яхудийларнинг таъсири сезиларли даражада кучли бўлганида, Янги Аҳд ҳужжатлари аллақачон ҳаммага таниш ва тарихий далиллар сифатида қабул қилинган. Дастлабки жамоат оталари, айниқса Никеа Ибодатхонасидан олдин (милодий 325 йилда) яшаб ижод қилганлар, Янги Аҳд матнларини, айниқса Хушхабарларни ҳақиқий ва тарихий жиҳатдан ишончли деб қабул қилишган. Улар бу матнлардан шунчалик тез-тез иқтиbos келтирдиларки, агар бизда мавжуд бўлган Янги Аҳднинг барча нусхаларини йўқотиб қўйсак, уни бутунлай – жамоат оталарининг ёзувларига қараб тиклашимиз мумкин бўлар эди.

Жамоат оталарининг Янги Аҳддан кўп иқтиbos келтирганлиги, албатта, унинг тарихий жиҳатдан ҳақиқийлигини исботламайди, лекин бу одамлар Янги Аҳдда ёзилганларга шунчалик ишонишганки, улар ўз ҳаётларини шу ҳужжатлар асосида қурганликларини исботлайди. Булар ҳамма нарсасини курбон қилишга тайёр одамлар эди; баъзилари имон йўлида шаҳид бўлдилар. Илк жамоат оталари ҳатто биринчи авлод ҳаворийларининг баъзилари ҳали тирик бўлганларида, Исонинг ўзидан бироз кечроқ яшаб ижод қилганлар; шунинг учун улар Янги Аҳдда баён этилган далиллар бўйича ҳар қандай тортишув ва келишмовчиликлардан хабардор эдилар. Биз жуда кичик мунозаралардан хабардормиз, аммо уларнинг ҳеч бири Исонинг ҳаётига оид далилларнинг тўғрилигига шубҳа қилмайди.

Албатта, юқорида айтилганларнинг бари Янги Аҳд ҳужжатларининг аниқ ва ишончли эканлигини исботламайди, лекин бу матнларнинг аниқлиги ҳаётий аҳамиятга эга бўлган одамлар уларнинг ҳақиқий эканлигига ишончлари комил эканлигидан далолат беради.

### **Бошқа ҳужжатлар билан таққослаш**

Қадимги муаллифлар томонидан Янги Аҳдда баён этилган кўплаб воқеалар ва бизда мавжуд бўлган энг қадимги қўлёзмаларда бу воқеаларнинг далиллари ўртасидаги вақт фарқлари шунчалик аҳамиятсизки, улар охирги

шубҳаларни йўққа чиқаради. Янги Аҳд матнлари, бошқа маълум қадимий хужжатлар билан солишистиргандан, баъзан янада кўпроқ ишонч уйғотади<sup>20</sup>.

### **Хотима**

Биз Янги Аҳднинг ҳақиқийлигини исботлашни ўзимизга асосий вазифа қилиб қўймадик; биз учун уни сифатсиз тарихий асар сифатида эътибордан четда қолдириб бўлмаслигини кўрсатиш муҳим эди.

Муқаддас Китобни ишончли ва ҳаққоний манба сифатида қабул қилиш ҳар доим имон элементини ўз ичига олади, чунки Муқаддас Китобда нафақат объектив тасдиқланиши мумкин бўлган тарихий далиллар, балки эмпирик йўл билан исботлаб бўлмайдиган руҳий ҳақиқатлар ҳам мавжуд.

Биз иккала Аҳднинг мазмунига имонимизни қуриш учун етарли асослар борми деган саволга жавоб беришга ҳаракат қилдик. Зиёли одамлар, ҳеч қандай сабабсиз Янги Аҳдни ёки умуман Муқаддас Китобни – тарихга оид бўлмаган эртаклар, ҳикоялар ва афсоналар тўплами сифатида рад эта олишмайди ва рад этмасликлари керак. Бошқа қадимги хужжатларга ҳам худди шундай муносабатда бўлмаймизку? Хўш, нега баъзи одамлар ҳеч қандай мантиқий ёки тарихий сабабларсиз Муқаддас Китобни осонгина рад этадилар?

Бу саволларга виждонан жавоб бериш учун биз шахсий эътиқодимизни тушуниб олишимиз керак. Эҳтимол, бунинг сабаби – Янги Аҳдга бўлган ҳиссий муносабатимиз, айниқса биз яхудий бўлсак, чунки классик масиҳийлик қўпинча яхудий жамоасига тарихан душман сифатида қаралади. Эҳтимол, бунинг сабаби, биз гайритабиийликка ишонмаслигимиз, Худо диний дунёда обрўга эга бўлган китобларни ёзиш учун эркаклар ва аёллардан фойдаланишига ишонмаслигимиздадир. Балки биз шунчаки Худонинг мавжудлигига шубҳа қилаётгандирмиз ёки коинотнинг Яратувчиси ва Эгаси инсониятга Ўзининг режаси ва Ўзининг мақсадлари ҳақида хабар бериш ниятида эканига ишониш қийинdir.

Буларнинг бари тушунарли. Аммо, agar биз ўзимизни адолатли ва ақлли деб ҳисобласак, унда Муқаддас Китобнинг даъволарини рад этиш учун бизда анча кучли сабаблар бўлиши керак.

Агар сиз Янги Аҳднинг ҳақиқийлигини тўлиқ қабул қиласангиз ҳам, Ишаё пайғамбар китобининг 53-бобидаги башоратни Янги Аҳд Битиклари билан солишириб кўриш учун ўқиб чиқишингиз керак. Эҳтимол, Исо бу башоратни қандай амалга оширганини синчковлик билан ўргангач, Муқаддас Битикларга бўлган қарашингиз ўзгариши мумкин.

Ушбу қисқа бўлимни якунлашдан олдин, менга айтингчи: сиз имон гоясига ҳаққоний ёндашишга тайёрмисиз? Агар ўйлаб кўрсангиз, биз ҳаммамиз тан олишга тайёр бўлганимиздан ҳам кўпроқ имон билан яшаб келаяпмиз. Масалан, агар сиз атеист ёки агностик бўлсангиз, сизнинг нуқтаи назарингиз учун ишончли далилларингиз борми ёки бу фикрларни ҳеч қандай далилсиз қабул қилганимисиз? Сиз далиллар босими остида Исонинг Масиҳлиги гоясини рад қиласизми ёки шунчаки шундай тарбияланганингиз учунми? Кўпчилигимиз ўз шахсий эътиқодларимизни бир

нечта чекланган далилларга ва уларга бўлган эътиқодга асослаймиз. Аммо чекланган далилларга асосланган имон кўпинча муваффақиятсизликка учрайди. Бундан ташқари, имонни ҳис-туйғулар ёки ҳатто нотўғри қарашлар билан осонгина чалкаштириб юбориш мумкин.

Эҳтимол, эътиқодингиз ҳиссиётларга ёки диний тарбияга асослангандир. Лекин бу тўғримикан? Сиз вазиятни ўрганмасдан туриб, фақат ҳис-туйғуларга асосланган бошқа муҳим ҳаётий қарорларни қабул қилмайсиз-ку, шундайми? Жиддий эътиқод – жиддий далилларга асосланган бўлиши керак. Шундай килиб, келинг, Исо Масих бўлганини ва Ишаё пайғамбар китобининг 53-бобидаги башоратини амалга оширган деган тахминни биргаликда кўриб чиқайлик. Охир-оқибат, бундан нимани ҳам йўқотасиз?

## **9-БОБ** **ИШАЁ ПАЙҒАМБАР КИТОБИННИГ 53-БОБИДАГИ** **БАШОРАТЛАРНИ ИСО БАЖАРДИМИ?**

Башоратларнинг табиати ва хусусиятини таҳлил қилиб, биз Янги Аҳд Битикларини ишончли ва аниқ тарихий далиллар деб ҳисоблаш керак деган хуносага келдик. Исо У ҳақидаги барча башоратларни амалга оширганига ишонч ҳосил қилиш учун иккала Аҳдни солишириш вақти келди. Луқо баён этган Хушхабарга кўра, Исо тирилишидан кейин шогирдлари билан гаплашганда ҳам шундай қилган.

Исо бир муддат уларнинг ёнида танилмай юрди, кейин эса Унинг ҳақиқатда кимлигини билишлари учун уларнинг кўзларини очди. Масиҳнинг биринчи келиши ҳақидаги Яхудий Битикларида башоратлар Унда амалга ошганини уларга кўрсатди:

“Исо уларга деди:

– Бунчалик бефаҳм бўлмасангизлар?! Пайғамбарларнинг гапларига ишониш нега сизлар учун шунчалик қийин?! Ахир, Масиҳ улуғланишидан олдин бу азобларни бошдан кечириши керак эди-ку!

Кейин Мусодан тортиб, барча Пайғамбарлар битикларида Ўзи ҳақида ёзилган сўзларнинг ҳаммасини Исо уларга тушунтириди” (Луқо 24:25-27).

Энди биз Ишаё пайғамбар китобининг 53-боби матнини дикқат билан ва батафсил қўриб чиқамиз ҳамда қуидаги саволга жавоб бериш учун уни Янги Аҳд билан таққослаймиз: «Исо Ишаё пайғамбар китобининг 53-бобида баён этилган башоратларнинг амалга ошишими?».

Биз Ишаёнинг башоратини гувоҳлар ва воқеалар иштирокчилари – Исо билан шахсан таниш бўлган ва кейинчалик Хушхабар муаллифларига айланган шогирдларининг Исонинг ҳаёти ҳақидаги ҳикояси билан солишириб, жавоб беришга ҳаракат қиласиз.

Кўриб чиқилаётган бобни икки қисмга ажратишдан бошлаймиз. Аввало унда тасвирланган Қулнинг шахсияти ва феъл-атворига тўхталамиз. Кейин

эса бу тавсиф Исонинг ҳаёти ва ўлимига мос келиши ёки келмаслигини билиш учун Қулнинг нима қилгани, Унинг ҳаёти ва ўлими ҳақида пайғамбарнинг нималарни ёзганини кўриб чиқамиз.

### **ҚУЛНИНГ ФЕЪЛ-АТВОРИ**

Ишаё пайғамбар китобининг 53-бобида Қулнинг феъл-атвори У жуда азоб чекаётган пайтда тасвирланган. Бизнинг ҳақиқий феъл-атворимиз қийин ёки чидаб бўлмас вазиятларга тушиб қолганимизда намоён бўлади. Бу бобда Қул тасвирланган шартлар айнан мана шу вазиятдир. У бизнинг олдимиизда қандай бўлса, шундайлигича намоён бўлади ва Унинг ҳақиқий феъл-атвори кўз ўнгимиизда намоён бўлади.

Келинг, Ишаё китобида кўрсатилган Қул феъл-атворининг бешта жиҳатини қўриб чиқайлик ва уларни Янги Аҳд Битикларида Исо ҳақида айтилганлар билан солиштирамиз.

### **Башорат**

Қул камтар эди:

*“Эгам айтар: Мана Менинг қулум яшинайди,  
У кўтарилиб, юксалади,  
Фоят баландга кўтарилади.” (Ишаё 52:13);*

*“Эгамизнинг Қули Эгамиз олдида янги кўчатдай,  
Қуруқ тупроқдаги илдиздай ўсади.  
Бизни Ўзига жалб қиласидиган  
Гўзаллик, улуғворлик Унда йўқ эди.  
Бизни Ўзига ром этадиган  
Хеч бир жозибаси йўқ эди.” (Ишаё 53:2)*

### **Амалга ошиши**

Хушхабар муаллифлари ва ўз ваъзида Бутрус (Муқаддас Ҳаворийларнинг фаолияти) Исо айнан Ҳудонинг Қули сифатида келганини айтшиб, Унинг камтарлиги ва фидойилигини таъкидлайдилар:

*“Ахир, Инсон Ўғли ҳам Ўзига хизмат қилдириши учун эмас, балки Ўзи бошқаларга хизмат қилиши ва Ўз жонини фидо қилиб, кўпларни озод қилиши учун келган” (Марк 10:45).*

*“Бу одамга ота–боболаримиз Иброҳим, Исҳоқ ва Ёқубнинг Ҳудоси шифо берди. Шу орқали Ҳудо Ўзининг Қули Исони улуғлади. Аммо сизлар Исони тутиб бердингизлар. Пилат Уни озод этишига қарор қилганда ҳам, сизлар Уни Пилатнинг ҳузурида рад этдингизлар” (Ҳав. 3:13);*

*“Ҳудо Ўз Қули Исони зоҳир қилгандан кейин, Уни биринчи бўлиб сизларнинг орангизга юборди. Чунки У ҳар бирингизни ёмон йўлдан қайтариб, сизларга барака бермоқчи” (Ҳав 3:26).*

Исонинг ўлими ва тирилишидан тахминан ўттиз йил ўтгач, ҳаворий Павлус ўз фикрларини янада мураккаб илохиёт нуқтаи назаридан ифодалаб, Унинг ҳаёти ва ўлими ҳақида фикр юритади. Павлус илк имонлиларга мурожаат қилиб, Исонинг мисолига ишора қилиб, уларни бир-бирларига хизмат қилишга ундаиди:

*“Фикр–зикрингиз Исо Масиҳникидай бўлсин. Исо Масиҳ Худонинг табиатига эга эди, шунда ҳам У Худо билан тенглигини маҳкам туттмади. Аксинча, У бу улуғворликдан воз кечиб, қул табиатига кирди, инсон бўлиб түгилди. У инсон қиёғасида яшаб, Ўзини паст тутди. Итоаткор бўлиб, ҳатто ўлимга, хочдаги ўлимга ҳам рози бўлди”* (Филиппитиларга 2:5-8).

### **Башорат**

Қул ўз халқи томонидан рад этилишга дош беришга тайёр эди:

*“Одамлар ундан нафратландилар, Уни рад этдилар.*

*У қайгу, азоб-уқубат нималигини биларди.*

*Ҳамма Ундан юз ўғирди, Ундан ҳазар қилди.*

*Биз Уни одам қаторида санамадик”* (Ишаё 53:3).

Инсоний ҳис-туйғулар ва кечинмалар Исога хос. Ҳар биримиз каби, У ҳам қабул қилинганида, айниқса – Ўз жамоасида, Ўз халқи орасида хурсанд бўлган. Шунга қарамасдан Қул Ўз халқи томонидан рад этилиши ва нафратланиши ҳақидаги башоратни амалга ошириш учун У қурбон бўлишга тайёр эди.

### **Амалга ошиши**

Хушхабар муаллифлари, Ишаё башоратининг бу қисмини ҳам Исо амалга оширганини аниқ кўрсатмоқда. У бизлар учун рад этилди:

*“Исо шогирдларига шундай деб уқтира бошлиди: «Инсон Ўғли кўп азоб чекади. Йўлбошчилар, бош руҳонийлар ва Таврот тафсирчилари томонидан рад қилиниб, ўлдирилади. Учинчи куни эса тирилади»*” (Марк 8:31);

*“У Ўз юртига келди,  
Лекин Ўз халқи Уни қабул қилмади.  
Аммо Уни қабул қилганларнинг ҳаммасига,  
Унга имон келтирганларга,  
У Худонинг фарзанди бўлиши ҳуқуқини берди.  
Улар тана хоҳишидан эмас,  
Эр хоҳишидан ҳам эмас,  
Табиий йўл билан эмас,  
Балки Худодан түгилган фарзандлардир.  
Калом инсон бўлди,  
Орамизда яшади.  
У иноят ва ҳақиқатга тўлганди.  
Биз эса Унинг улуғворлигини кўрдик.*

*Бу улугворлик Отадан келган ягона Ўзилга мансуб эди” (Юҳанно 1:11-14).*

### **Башорат**

Қул қасос олишга уринмай, индамай азоб чекди:

*“У жабр кўрди, ўзи уқубат чекди,*

*Аммо миқ этмади, оғзини очмади.*

*Бўғизланишига олиб борилган қўзидай,*

*Жун қирқувчи олдида жим турган қўйдай*

*У миқ этмади, оғзини очмади” (Ишаё 53:7).*

Бизга хужум қилишганда, жавобан хужум қилиш ва қасос олиш истаги – бу табиий инсоний ҳаракат. Қул ҳам жисмонан, ҳам руҳан яраланган бўлсада, Ўзининг ғайриоддий феъл-авторини кўрсатиб, бир оғиз сўз айтмай азоб чекишда давом этди.

### **Амалга ошиши**

Янги Аҳд муаллифлари Исонинг азоблари ҳақида кўп ёзганлар. Қуйидаги мисралар улар кўрган ва ёзиб қўйган нарсаларининг бир неча намунасиdir:

*“Бои руҳонийлар билан йўлбошлилар Исони айблаётганларида эса, У ҳеч қандай жавоб бермади. Шунда Пилат Унга:*

*Эшиштмаяпсанми, Сенинг бўйнингга қанча айблар қўйишяпти! - деди. Лекин Исо биронта айловгага жавоб қайтармади. Ҳоким бунга қойил қолди” (Матто 27:12-14);*

*“Хатто азоб чекканингизда ҳам Худо сизларни яхшилик қилишига даъват этган. Масиҳ сизлар учун азоб чекиб, намуна бўлди. Унга тақлид қилинглар. Ахир, У ҳеч қандай гуноҳ қилмаган, оғзидан бирон ёлғон сўз чиқмаган. У ҳақорат қилинганда ҳеч кимга ҳақорат билан жавоб қайтармади, азоб чекканда ҳеч кимга таҳдиод қилмади. Факат одилона ҳукм қиласиган Худога Ўзини топширди” (Бутруснинг 1-мактуби 2:21-23).*

### **Башорат**

Қул Худонинг халқи учун қурбонлик бўлувчи ва хорловчи ўлимга ҳам дош беришга тайёр эди:

*“Ҳукм билан, куч билан олиб кетилди.*

*Унинг насли ҳақида ким ўйлайди?*

*Тириклар юртидан У улоқтирилди,*

*Халқимизнинг гуноҳи туфайли Унга зарба тушибди” (Ишаё 53:8).*

Ушбу парчада Ишаё пайғамбар китобининг 53-бобидаги Қулни Истроил халқининг бир тури деб хисоблаш мутлақо мантиқсиз бўлиши аниқ. Қандай қилиб Истроил Истроилдан “улоқтирилиши” мумкин? Пайғамбар бу ерда аниқ бир шахс ҳақида, Ўз халқи – яхудий халқи учун шармандаларча ўлган

Худонинг Қули ҳақида гапиряпти! Энди ўзимизга беришимиз керак бўлган ягона савол: «Бу Қул ким?»

### **Амалга ошиши**

Одамлар ҳатто Қулни рад этишиб, Уни масхара қилишса ҳам, У одамлар учун азобланишини ва қурбонлик сифатида ўлим топишини Ишаё башорат қилган:

*Шундан кейин Пилат Исони олиб кетишни ва қамчилатишни буюрди. Рим аскарлари тиканлардан тож ўриб, Исонинг бошига қўйдилар, устига сафсар тўн кийдирдилар. Исонинг олдига қайта-қайта келиб:*

*– Яшавор-э, яхудийларнинг Шоҳи! – деб, Уни тарсакилар эдилар.*

*Пилат яна ташқарига чиқиб, яхудийларга хитоб қилди:*

*– Мана, Уни олдингизга чиқаряпман, билиб қўйинглар, мен Ундан ҳеч қандай айб тополмадим!*

*Шу пайт бошида тиканли тож, эгнида сафсар тўн билан Исо ташқарига чиқди.*

*– Мана, у Одам! – деди Пилат уларга. (Юҳанно 19:1-5);*

Ҳокимнинг аскарлари Исони ҳукумат саройига олиб бориб, бутун бўлинмани Унинг олдига тўплашиди. Улар Исонинг кийимларини ечиб олиб, Унинг эгнига қизил тўн кийдирдилар. Тиканлардан тож ўриб, бошига кийгиздилар. Ўнг қўлига қамиши тутқизиб, Унинг олдида тиз чўкканча: “Яшавор, эй яхудийларнинг Шоҳи!” деб масхара қилдилар. Сўнг Унга тупуриб, қамиши билан қайта-қайта бошига урдилар. Уни шундай масхара қилганларидан кейин, устидаги тўнни ечиб олиб, Ўзининг кийимларини кийдиришиди. Сўнг Уни хочга михлаш учун олиб кетишиди.

Улар йўлда Киринеялик Шимўн деган кишини учратиб қолиб, Исонинг хочини кўтариб боришига уни мажбур қилдилар. Улар Гўлгота деган жойга етиб келдилар. Гўлгота “бош суяги” маъносини беради. Аскарлар у ерда Исога ичгани аччиқ ўт аралаширилган шароб бердилар. Исо уни татиб кўрди, аммо ичмади. Аскарлар Исони хочга михлаб қўйшиди. Кийимлари учун куръа ташлаб, ўзаро бўлишиб олишиди. Кейин ўша ерда Исони қўриқлаб ўтиришиди. Исонинг бош томонига улар: “Бу яхудийларнинг Шоҳи Исадир” деган айномани осиб қўйдилар. (Матто 27:27-37).

### **Башорат**

Худонинг Қули солих, бегуноҳ ва нолойик азоб чеккан ажойиб инсон эди:

*«Гарчи У ёвузлик қилмаган бўлса ҳам,  
Оғзидаң ёлғон сўз чиқмаган бўлса ҳам,  
Унга ёвузлар қатори қабр берилганди,  
Аммо ўлганда У бойлар ёнига қўйилди» (Ишаё 53:9).*

Ишаё Қулни ноҳақ азоб чекаётган инсон сифатида тасвирлайди. У айбсиз эди, биз эса айбормиз. У мукаммал ҳаёт кечирган бўлса-да,

гуноҳларимиз натижасида биз лойиқ бўлган нарсаларга чидади. Қадимги Маъбадда келтириладиган қурбонликлар сингари, Қул ҳам бенуқсон эди. Агар У беғубор бўлмаганида, У бизнинг ўрнимизга бўладиган қурбонлик бўлолмас эди.

### **Амалга ошиши**

Хушхабарчилар пайғамбар башорат қилган аниқ тафсилотларни тасдиқладилар:

*“Оқшом тушаётган пайтда Юсуф деган Аrimатеялик бир бой одам келди. У ҳам Исонинг шогирди эди. Юсуф Пилатнинг ҳузурига бориб, Исонинг жасадини сўради. Пилат жасадни унга беришини буюрди. Юсуф жасадни олиб, уни тоза зигир матосига кафанлади ва ўзи учун қояга ўйдирган янги қабрга қўйди. Юсуф катта тошини юмалатиб келиб, қабрнинг оғзини ёпди ва ўзи кетди” (Матто 27:57-60).*

Бутрус Исо Масихнинг бегуноҳлигини ва қурбонлик азобини шундай тасвиirlайди:

*“Ҳатто азоб чекканингизда ҳам Худо сизларни яхшилик қилишига даъват этган. Масих сизлар учун азоб чекиб, намуна бўлди. Унга тақлид қилинглар. Ахир, У ҳеч қандай гуноҳ қилмаган, оғзидан бирон ёлғон сўз чиқмаган. У ҳақорат қилинганда ҳеч кимга ҳақорат билан жавоб қайтартмади, азоб чекканда ҳеч кимга таҳдид қилмади. Фақат одилона ҳукм қиласиган Ходога Ўзини топширди” (Бутрусларни 1-мактуби 2:21-23).*

Павлус ҳам Ишаё пайғамбар китобининг 53-бобига асосланиб, Масихнинг феъл-атвори ва Исо Ўз ҳаётини қандай ўтказганлиги ҳақидаги шарҳини қўшади:

*“Ахир, Худо бизни Масих орқали оқлаш учун бегуноҳ Масихни гуноҳкорни жазолагандай, жазолади” (2 Коринфликларга 5:21).*

### **ҚУЛНИНГ БУЮК ИШЛАРИ**

Энди келинг, Ишаё пайғамбар китобининг 53-бобидаги башоратларига асосланиб, уларни Янги Аҳднинг тегишли оятлари билан таққослаб, Қулнинг буюк ишларини қисқача кўриб чиқамиз.

### **Башорат**

Қул бизнинг қайғу ва касалликларимизни олди:

*“Ҳа, дардларимизни У Ўзига олди,*

*Оғриқларимизни У Ўз зиммасига олди.*

*Биз эса ўйладик: «Уни Худо урган,*

*Аламдийда, жабрланган У!»” (Ишаё 53:4).*

Ишаё пайғамбарнинг сўzlарига кўра, Қулнинг биз учун қилган амали жуда шахсий ва чуқур бўлади. У ҳақиқатда бизнинг гуноҳларимизни ва

Худодан бегоналигимизни олиб ташлади ва шу билан Худо билан шахсий муносабатларнинг яхшилигини ҳис қилишимизга имкон берди. Қул бизнинг қайғу ва дардларимизни олиб кетади; У бизга янги ҳаёт ва асл тинчлик баҳш этади (шалом).

### **Амалга ошиши**

“Эй ҳолдан тойғанлар, оғир юк остида қолғанлар, ҳаммаларингиз Менинг олдимга келинглар! Мен сизларга ором бераман. Менинг бўйинтуругимни тақиб олинглар, Мендан ўрганинглар. Чунки Мен юмишоқ кўнгил ва камтаринман. Шунда сизларнинг жонларингиз ором топади. Ахир, Менинг бўйинтуругим қулаӣ, юким енгилдир” (Матто 11:28-30);

“...Агар Раббимиз Исони ўликдан тирилтирган Худога ишонсак, Худо бизни ҳам оқлайди. Худо бизнинг гуноҳларимиз учун Исо Масиҳни ўлимга топширди ва оқланишимиш из учун Уни тирилтирди... <...> ...Биз имонимиз туфайли оқланганимиз учун Раббимиз Исо Масиҳ орқали Худо билан ярашиб, тинчликка эришидик. Раббимиз Исо Худонинг инояти эшигини бизга очиб берди. Биз имон туфайли бу иноятга эришиб, маҳкам турдимиз ҳамда Худонинг улуғорлигига шерик бўлиш умидимиз борлигидан фахрланамиз” (Римликларга 4:24-5:2)

“Исо Бутруснинг уйига келганда, унинг қайнанаси иситмалаб, тўшакда ётганини кўрди. Исо унинг қўлига тегиши билан иситмаси тушди. Аёл туриб, Унга хизмат қилди.

Кеч кирганда Исонинг олдига жин чалган кўплаб одамларни олиб келишиди. У сўз билан жинларни қувиб чиқарди, хаста одамларнинг ҳаммасига шифо берди. Шу тариқа Ишаё пайғамбарнинг қуийдаги айтган сўзи бажо бўлди:

«Дардларимизни У Ўзига олди,  
Оғриқларимиздан бизни фориғ қилди.»” (Матто 8:14-17).

### **Башорат**

Қул бизнинг гуноҳларимизни Ўзига олди. У ҳар биримиз учун ўрнини босувчи ўлим билан вафот этди:

“У эса бизнинг гуноҳларимизни деб ярадор бўлди,  
Бизнинг айбларимиз туфайли эзилди.  
Бизга тинчлик келтирадиган жазо Унга тушди,  
Унинг яралари бизга шифо берди.  
Ҳаммамиз қўйлардай йўлдан адашидик,  
Ҳаммамиз ўз йўлинииздан кетдик.  
Ҳаммамизниг айбларимизни  
Эгамиз Унинг зиммасига юклади” (Ишаё 53:5-6).

Бу башоратнинг нақ юрагидир! Қулнинг ўлими гуноҳни ювадиган ўлим эди, бу сени ва мени гуноҳларимизни ювиш учун Худонинг йўли эди.

## **Амалга ошиши**

Бутрус Исонинг ўлими инсоният гуноҳлари учун қурбонликнинг ўрнини босувчи ўлим эканини тушунганди. Бу тушуниш унинг илк ваъзларида, Ҳаворийлар Фаолиятининг биринчи бобларида акс эттирилган:

*“Бу одамга ота-боболаримиз Иброҳим, Исҳоқ ва Ёқубнинг Худоси шифо берди. Шу орқали Худо Ўзининг Кули Исони улуғлади. Аммо сизлар Исони тутиб бердингизлар. Пилат Уни озод этишга қарор қилганда ҳам, сизлар Уни Пилатнинг ҳузурида рад этдингизлар. Ҳа, сизлар Муқаддас ва Солиҳ бўлган Исони рад қилиб, Унинг ўрнига бир қотилнинг озод бўлишини талаб қилдингизлар. Сизлар ҳаётга бошловчини ўлдиридингизлар. Аммо Худо Уни ўликдан тирилтируди. Биз бунга гувоҳмиз. Ўзларингиз кўриб-билиб турган мана бу одам Исонинг номига бўлган имони туфайли соппа-сөг турибди. Исо берган бу имон уни кўз ўнгингизда бутунлай согайтируди.*

Эй биродарлар, сизлар Исаога қилган бу ёмонлигинингизни ҳукмдорларингиз каби, билмасдан қилганингизни биламан. Аммо Худо пайгамбарларнинг оғзи билан айтган башоратини бу қилмишингиз орқали бајсо қилди. Ахир, пайгамбарлар, Масиҳ азоб чекади, деб олдиндан айтган эдилар” (Ҳав. 3:13-18).

Луқо ҳам бу фикрни ҳаворий Филип ва Эфиопия амалдори ўртасидаги учрашув ҳақидаги хикоясида тасдиқлади:

*“Филип югуриб, аравага етиб олди, амалдорнинг Ишаё пайгамбар китобини ўқиётганини эшилди. Филип:*

*– Ўқиётганингизни тушуняпсизми? – деб сўради.*

*– Биронтаси ёрдам бермаса, тушунармидим?! – деб жавоб берди амалдор. У Филипга: “Чиқ, ёнимга ўтири”, деб таклиф қилди. Амалдор ўқиётган Муқаддас битиклар парчаси қуидагилар эди:*

*“Бўғизланишга олиб борилган қўйдай,*

*Жун қирқувчи олдида жисм турган қўзидаидай*

*У миқ этмади, оғзини очмади.*

*У хўрланди. Адолатдан маҳрум қилинди.*

*Унинг насли ҳақида ким ўйлайди?*

*Ер юзида Унинг ҳаётига чек қўйилди.”*

*Амалдор Филипдан сўради:*

*– Айт-чи, пайгамбар бу гапларни ким тўгрисида айтди – ўзи тўгрисидами ёки бошқа биронтаси тўгрисидами?*

*Шундан кейин Филип тушунтира бошлади, Муқаддас битикларнинг шу қисмидан бошлиб, Исо ҳақидаги Хушхабарни амалдорга сўзлаб берди” (Ҳав. 8:30-35).*

## **Башорат**

Қул шармандали ўлимга маҳкум бўлди:

*“Хукм билан, куч билан олиб кетилди.*

*Унинг насли ҳақида ким ўйлайди?*

*Тириклар юртидан У улоқтирилди,  
Халқимизнинг гуноҳи туфайли Үнга зарба тушди.  
Гарчи У ёвузлик қилмаган бўлса ҳам,  
Оғзидан ёлғон сўз чиқмаган бўлса ҳам,  
Унга ёвузлар қатори қабр берилганди,  
Аммо ўлганда У бойлар ёнига қўйилди” (Ишаё 53:8-9).*

Қул учун мўлжалланган ўлим нафақат қурбон бўлувчи ва гуноҳни юувучи, балки камситувчи ҳам эди. Бу башоратнинг қолган тафсилотлари билан тўлиқ мос келади, у хизмат қилиш учун келган Қулнинг одамлар томонидан рад этилиши ҳақида батафсил маълумот беради.

### **Амалга ошиши**

Марк баён этган Хушхабарда Исо бошдан кечирган хорлик ва камситишларнинг чуқурлиги тасвирланган:

*“Бундан сўнг Исони хочга михлаб қўйшиди. Унинг кийимларини эса ўзаро бўлишиб, ким нима олади, деб қуръа ташлашиди.*

Уни хочга михлаганларида эрталаб соат тўққиз эди. Бош томонида: “Яхудийларнинг Шоҳи” деб ёзилган айбнома бор эди. Исо билан бирга иккита қароқчини ҳам михлаган эдилар. Уларнинг бири Исонинг ўнг томонида, иккинчиси эса чап томонида эди.

*Ўтиб кетаётганлар бошларини чайқаб, Исони ҳақоратлашарди:*

– Эй Маъбадни бузиб, уч кун ичидаги тиклайдиган! Ўзингни Ўзинг қутқариб, хочдан тушиб кўр-чи!

Бош руҳонийлар ва Таврот тафсирчилари ҳам уларга қўшилиб, Исони масхаралай кетишиди. Улар бир-бирига:

– У боиқаларни қутқарарди, Ўзини эса қутқара олмайди! Исроилнинг Шоҳи Масиҳ энди хочдан тушсин, токи биз буни кўриб Үнга ишонайлик! – дейшишарди.

*Исо билан бирга хочга михланганлар ҳам Уни ҳақоратлар эдилар.*

Туш пайти бутун юртни зулмат қоплади. Соат учга қадар ҳамма ёқ зулматга чўмди. Соат учда Исо баланд овоз билан:

– Элоҳи, Элоҳи, ламо шавақтани? – деб фарёд қилди. Бу сўзнинг таржимаси: “Эй Худойим! Эй Худойим! Нега Мени марк этдинг?!?” демакдир.

*У ерда турган баъзилар буни эшишиб:*

– Қаранг, У Илёсни чақиряпти, – дейшишиди. Шунда бир одам югуриб бориб, шимгични арzon шаробга ботириб, қамишининг учига илиб қўйди-да, Исола ичши учун узатди. Сўнг деди:

– Қани, кўрайлик-чи, Илёс келиб, Уни хочдан тушишармикан?” (Марк 15:24-36).

### **Башорат**

Ишаё пайғамбар Қулнинг қурбонлигини гуноҳлар учун қурбонлик деб кўриб чиқади:

“Эгамиз Ўз қулини эзиши, азоблашини маъқул кўрди.  
Шундай бўлса ҳам, Эгамизнинг қули ўз наслини кўради,  
Узоқ умр кечиради,  
Чунки у ўзини гуноҳ учун назр қилди.  
У орқали Эгамизнинг хоҳиши бажо бўлади” (Ишаё 53:10).

Қулнинг ўлими Маъбадда келтириладиган *ашам* қурбонлиги билан таққосланади. Бу сўз “*айб қурбонлиги*”, “*гуноҳ қурбонлиги*” ёки оддийгина “*қурбонлик*” деб таржима қилинади. Ушбу парчадаги Қулнинг ўлими пайғамбар томонидан айни “*гуноҳ қурбонлиги*” – гуноҳни ювиш учун ҳам, бузилган барча нарсаларни тиклаш учун ҳам мўлжалланган қурбонлик сифатида қаралмоқда.

### **Амалга ошиши**

Муаллифи бизга номаълум бўлган Ибронийларга мактуб яхудийлар ўқиши ва тушуниши учун мўлжалланган Янги Аҳднинг энг муҳим китобларидан биридир. Ушбу матн, муаллиф Исо Танаҳнинг Масиҳий башоратларини, шу жумладан Ишаё пайғамбар китобининг 53-бобидаги башоратларни амалга оширишини кўрсатганидек, Яхудий Битиклари билан маълум даражада таниш бўлганлигини кўрсатади:

“Энди эса Масиҳ келган хайр-баракаларнинг Олий руҳонийси бўлди. У инсон қўли билан қурилмаган, бу дунёга мансуб бўлмаган самодаги мукаммал Чодирга кирди. Ердаги Чодирдан буюкроқ бўлган самодаги бу Чодирдан ўтиб, Энг муқаддас хонага кирди. Масиҳ бу хонага тақалар ва буқаларнинг қони билан эмас, балки Ўз қони эвазига кирди. У ерга бир марта кириб, бизни то абад гуноҳлардан озод қилди. Илгарилари тақалару буқаларнинг қони ҳамда куйдирилган гунажиннинг кули ҳаром бўлган кишиларнинг устига сепилганда, улар жисман покланардилар. Жониворларнинг қони билан шундай натижага эришилган бўлса, Масиҳнинг қони билан бундан-да буюкроқ натижага эришиса бўлади! Зоро, Масиҳ мангу Руҳнинг қудрати орқали Ўзини бенуқсон қурбонлик сифатида Худога бағишлади. Унинг тўкилган қони виждонимизни ўлимга етакловчи ишлардан поклайди, шунда биз барҳаёт Худога хизмат қила оламиз” (Ибронийларга 9:11-14).

### **Башорат**

Чеккан азобларининг натижасини кўриб,  
У мамнун бўлади.  
Менинг солиҳ қулим Ўз билими туфайли  
Кўпчиликни оқлаб, уларнинг айбини Ўзига олади (Ишаё 53:11).

Қулнинг ўлими жуда аниқ мақсадга эга эди: бизнинг гуноҳларимизни ювиш! Пайғамбарнинг сўзларига кўра, Қул қонунларни бузганимиз учун жазога тортилиши керак эди; ивритча қонунсизлик сўзи Тавротдаги тўғри чизикдан фарқли ўлароқ, «эгри», «эгилган» деган маънони англатади. Ивритча оқланган сўзи солиҳ сўзи билан бир хил илдизга эга. Бошқача қилиб

айтганда, бизнинг гуноҳларимиз учун Кул ўлганлиги сабабли, Худо бизни солиҳ деб билади. Гарчи гуноҳларимиз кечирилганидан сўнг, ҳаётимизнинг йўли кўпроқ солиҳликка қаратилган бўлса-да, биз ҳақиқатдан солиҳ бўлганимизни англатмайди. Бу жараён бутун ҳаёт давомида давом этиб келади. Кул ва Унинг гуноҳни ювадиган ўлими орқали биз кечирилишимиз ва ўзгаришимиз мумкин.

### **Амалга ошиши**

Ибронийларга мактуб муаллифи Исонинг қурбонлиги Тавротга, айникса унинг қурбонлик келтириш тушунчасига қўйиладиган талабларига қанчалик мос келишини тасвирлаб берган. Бизнинг гуноҳларимизни Ўзига олган Кул Маъбаддаги ҳайвонларни қурбонлик қилиб бера олмаган нарсани бажарди. Маъбаддаги қурбонликлар фақатгина Исонинг қурбонлиги орқали келган ҳақиқатнинг сояси эди:

*“Рұхонийлар ҳар куни Худога хизмат қиласидилар. Бир хил қурбонликларни қайта-қайта келтирадилар. Аммо бу қурбонликлар ҳеч қачон гуноҳни юва олмайди. Масиҳ эса гуноҳларни абадий ювиб ташлайдиган ягона қурбонликни келтириб, Худонинг ўнг томонида ўтироди. “Худо душманларимни оёқларим остига пойандоз қиласи”, – деб Масиҳ ўша вақтдан бери кутмоқда. Дарвоҳе, Масиҳ биттагина қурбонлик орқали гуноҳдан поклаган одамларини то абад баркамол қилди.*

Муқаддас Рұҳ ҳам бу ҳақда бизга шаҳодат берib, деди:

“Эгамиз шундай демоқда: «Мен келаҗакда Исроил ҳалқи билан тузадиган аҳд шундай бўлади: Мен қонунларимни одамларнинг юрагига солиб қўяман, қонунларимни онгларига ёзаман. Мен уларнинг гуноҳларию қабиҳликларини ҳеч қачон эсга олмайман.»”

Демак, Худо гуноҳларни кечирган бўлса, бошка қурбонлик келтиришининг ҳожжати йўқ.

Эй биродарларим, Исо Масиҳнинг қони туфайли энди биз Энг муқаддас хонага дадиллик билан кира оламиз. Чунки Исо биз учун янги йўлни очиб берди. У Чодирдаги парда орқали, яъни қурбон қилинган Ўз танаси орқали ҳаёт сари етаклайдиган йўлни очди” (Ибронийларга 10:11-20).

### **Башорат**

Кул ўлди, лекин қабрдан тирилди:

*“...Шундай бўлса ҳам, Эгамизнинг қули Ўз наслини кўради,*

*Узоқ умр кечиради,*

*Чунки У Ўзини гуноҳ учун назр қилди.*

*У орқали Эгамизнинг хоҳиши бажо бўлади” (Ишаё 53:10);*

*“Шу боис буюклар қаторида Унга улуш бераман,  
У кучиллар билан ўлжсаларни бўлишиади.*

*Ахир, У Ўзини ўлимга тутиб берди,*

*Гуноҳкорлар қаторида саналди.*

*Кўпларнинг гуноҳини У Ўзига олди,*

*Гуноҳкорлар учун васийлик қилди” (Ишаё 53:12)*

53-бобнинг охирги оятларида келтирилган башоратларда айтилишича, Гарчи Қул ўлса ҳам, Раббийнинг иродаси Унинг қўли билан муваффақиятли амалга оширилади ва Раббий Унга буюклар қаторида улуш беради. Бу Унинг ҳаётга қайтишини – тирилишини англатади.

### **Амалга ошиши**

У ўлди:

*“Исо ҳамма ишларини тугатганини биларди. Муқаддас битиклар бажо бўлсин деб, У:*

– Чанқадим! – деди.

*Бу ерда арzon шаробга тўла бир идиши турган эди. Аскарлар шаробга шимгични ботирдилар-да, таёқнинг учига илиб, Исонинг оғзига олиб бордилар. Исо шаробни татиб кўргач:*

– Амалга ошиди! – деди-ю, бошини эгиб, жон берди” (Юҳанно 19:28-30);

*“Аммо Исо қаттиқ фарёд қилди-ю, жон берди. Шу заҳоти Маъбаддаги парда юқоридан пастгача йиртилиб, иккига бўлиниб кетди. Исонинг қаршиисида турган Рим юзбошиси Унинг шу тарзда жон берганини кўриб:*

– Ҳақиқатан ҳам бу Одам Худонинг Ўзли экан! – деди” (Марк 15:37-39).

У тирилди:

*“Шаббат кунининг эртасига, якишанба куни тонготарда Магдалалик Марям билан бошқа Марям қабрни кўргани боришди. Шунда тўсатдан қаттиқ зилзила бўлди, чунки Эгамиznинг фариштаси осмондан тушиб, қабр оғзидағи тошини ағдариб юборди. Фаришта ўша тош устига ўтиреди. Унинг қиёфаси яшиндай порларди, кийимлари қордай оппоқ эди. Уни кўриб соқчилар шунчалик қўрқиб кетдиларки, титраб, мурдадай қотиб қолдилар.*

*Фаришта аёлларга деди:*

– Кўрқманглар! Биламан, сизлар хочга михланган Исони қидиряпсизлар. У бу ерда йўқ. Ўзи айтганидай, У тирилди. Мана, келиб кўринглар, У шу ерда ётган эди. Энди тезроқ бориб, Унинг шогирдларига: “Исо ўликдан тирилди. У сизларни Жалилада кутяпти. уни ўша ерда қўрасизлар”, – деб айтинглар. Сизларга айтадиган гапим шу эди.

*Аёллар шоша-пиша қабр ёнидан кетдилар. Кўрқув ва чексиз севинчга тўлиб, Исонинг шогирдларига хабар бергани югуриб кетдилар. Бирданига Исонинг Ўзи уларнинг қаршиисидан чиқиб:*

– Салом! – деди.

*Аёллар Исонинг олдига бориб, оёқларига ёпишганча Унга сажда қилдилар” (Матто 28:1-9).*

Римликларга мактубда Павлус қуйидагиларни ёзади:

*“Мен – Исо Масиҳнинг қули бўлган Павлусдан Римдаги биродарларимга салом! Мен ҳаворийликка даъват этилганман, Худонинг Хушихабарини ёйши учун танланганман. Муқаддас битикларда ёзилгандай, Худо бу Хушихабарни бераман деб, Ўз пайғамбарлари орқали ваъда берган эди. Бу Хушихабар Худонинг Ўғли ҳақидадир. У жисман Довуд зурриётидан келиб чиқсан эди. Худонинг Ўзи Раббимиз Исо Масиҳни ўликдан тирилтириди. Шу орқали Муқаддас Руҳнинг кучига тўла бўлган Исо Масиҳ Худонинг Ўғли эканлиги исботланди” (Рим. 1:1-4).*

### **Хотима**

Сиз Ишаё пайғамбар китобининг 53-бобидаги башоратларини ҳақиқатда ким амалга оширганини аниқлашнинг иложи йўқлигига эътиroz билдиришингиз мумкин. Асрлар давомида бу башоратнинг амалга ошиши учун яхудий жамияти ичидан ҳам, ташқаридан ҳам мумкин бўлган номзодларнинг узундан-узун рўйхати мавжуд бўлган. Еремиёдан тортиб раввин Акивгача деярли ҳамма таклиф қилинган. Мен яқинда бир мустаҳкам эътиқодли раввиннинг Ишаё пайғамбар китоби 53-бобидаги башоратларининг амалга ошиши Мартин Лютер Кинг бўлган, деб айтганини эшитдим!

Менимча, биз Эски ва Янги Аҳд матнларини солиштиришга жиддий ёндашибимиз керак. Дарҳақиқат, фақат битта Шахс Ишаё пайғамбар китобининг 53-бобидаги башоратларни юқорида кўрсатилгандек аниқ бажарган.

Яхудий жамиятида мавжуд бўлган Исонинг Масиҳга оид ролига қарши эътиrozларни кўриб чиқиши адолатдан бўлар эди. Улардан баъзилари ҳақида кейинги бобларда гаплашамиз. Аминманки, азоб чекувчи Масиҳнинг келишига иудаизм асрлар давомида ишонганини билсангиз, ҳайратда қоласиз. Ўқишида давом этинг ва фикрланг!

## **10-БОБ ЯХУДИЙ ЭЪТИРОЗЛАРИНИНГ САБАЛЛАРИ**

Асрлар давомида яхудий дин пешволари Ишаё пайғамбар китобининг 53-боби Исога тегишлими йўқми деб бош қотириб келишди. Алал оқибат, Янги Аҳдни ҳатто юзаки ўқиши давомида ҳам, Исога имон келтирган илк яхудийлар ҳам бу парчага тез-тез иқтибос келтиришганини кўрсатади. Филип ва Эфиопия амалдорининг учрашувидан тортиб, Бутруснинг ваъзигача, илк Масиҳий яхудийлар Ишаё пайғамбар китобининг 53-бобининг матнини ўзларининг эътиқодлари учун асос деб билишганига асло шубҳа йўқ.

Китобнинг бошида айтиб ўтилганидек, яхудий жамиятида, агар яхудий бўлиб туғилган киши Исони ўзининг Масиҳи сифатида қабул қиласа, у аслида «масиҳийлик»ни қабул қилган бўлади. Гарчи унинг баъзи жиҳатлари тўғри бўлса-да, биз бу фикрга қарши чиқишига ҳаракат қиласиз. Исо ҳақиқатан ҳам яхудий Масиҳми деган масаланинг моҳиятини дикқат билан кўриб чиқиш керак. Агар Исо ҳақиқатан ҳам Ишаё пайғамбар китобининг 53-бобидаги

башоратларни бажарган бўлса, демак, уни Масиҳ деб ҳисоблашимиз керак.

Биз дуч келаётган муаммо ва биз ҳис қилаётган кескинлик «масиҳийлик» ва яхудий жамияти ўртасидаги аниқ тафовутдан келиб чиқади. Бу – ҳам илоҳий, ҳам ижтимоий тубсизлик туфайли, бу жамоалар вакиллари ўртасидаги ҳар қандай муҳокамада ҳар қандай объективлик жуда тез йўқолади. Афсуски, яхудий ҳалқи жуда узоқ вақт давомида «Исо номи ила» таъқиб қилиб келинмоқда ва бу, муаммони янада мураккаблаштироқда.

Аслини олганда, асосий эътиroz ҳам Ишаё пайғамбар китобининг 53-бобида ёзилганларни Исо бажарганидир. Менимча, хеч кимда ушбу матннинг сўзларига ёки Янги Аҳднинг ҳақиқийлигига шубҳа қилиш учун етарли асослар йўқ. Аммо жарлик жуда кенг бўлгани учун, бегоналашишни эса рад қилиб бўлмайдигандек туюлгани учун, одам яхудий бўлган ҳолда Исога ишониши мумкинлигини тасаввур қилишнинг деярли имкони йўқ.

Шунга қарамай, бугунги кунда ўн минглаб яхудийлар Исога имон келтиришган. Кўпинча уларни Масиҳий яхудийлар деб аташади, улар АҚШда ҳам, Истроилда ҳам, яхудий жамияти мавжуд бўлган деярли барча мамлакатларда яшайдилар. Умуман олганда, Исога имон келтирган яхудийлар яхудийларнинг урф-одатларига риоя қилишади, яхудий байрамларини нишонлашади ва ўзларини қатъият билан яхудий жамияти ҳамда замонавий Истроил давлати билан тенглаштиришади. Масиҳий яхудийлар ва дунёвий яхудийлар жамоалари ўртасидаги асосий фарқ шундаки, Масиҳий яхудийлар Исони Масиҳ деб билишади.

Асрлар давомида яхудий донишмандлари Исо Ишаё пайғамбар китобининг 53-бобидаги башоратларни бажарувчиси эмаслигини исботлаш учун бир қанча далилларни ишлаб чиқдилар. Уларни чукур ўрганиш бизнинг вазифамиз эмас, чунки уларнинг кўплари техник, илоҳий ва баъзида у ёки бу ивритча иборалар қандай талқин қилинишига боғлиқ.

Яхудий ҳалқини чукур севган мажусий-масиҳий Давид Л.Купер томонидан яратилган ажойиб «талқин қилишнинг олтин қоидаси» бор: «Агар Муқаддас Битикнинг тўғридан-тўғри мантиқий маъноси бўлса, бошқа маъно изламанг». Иврит тили ва Муқаддас Битикларни, шу жумладан, Ишаё пайғамбар китобининг 53-бобини тадқиқ этувчи олим, у Масиҳга оид башорат бўйича бир нечта китобларнинг муаллифи ҳам.

Келинг, Исо яхудий Масиҳи бўла олмаслигини кўрсатадиган баъзи далилларни кўриб чиқайлик, кейин эса уларга Масиҳга оид нуқтаи назардан қарайлик.

## БИТТА МАСИҲМИ ЁКИ ИККИТАМИ?

### Эътиroz

Яхудийликнинг анъанавий оқимлари фақат битта Масиҳ борлигини ўргатади. Бундан ташқари, ундан камроқ тарқалган тушунча ҳам бор – иккита Масиҳ ҳақида: биринчиси, Гўг ва Магўг билан бўладиган сўнгги урушда ҳалок бўладигани, иккинчиси эса Довуд тахтида хукмронлик қиласидигани. Аммо устунлик қилувчи таълимот шундан иборатки, Довуднинг

ўғли Масиҳ охирзамонда келади ва бир қанча вазифаларни бажаради, яъни:

- ўликларни тирилтиради;
- Истроил душманлари устидан ғалаба қозонади;
- Истроил пойтахти Қуддусда шоҳдек хукмронлик қиласди;
- урушга чек қўяди ва ер юзини тинчликка тўлдиради.

Бу муҳим далиллар бўлиб, уларга асосан яхудий жамияти Исо бу вазифаларни бажармагани учун У Масиҳ бўла олмайди, деб хисоблайди.

### **Жавоб**

Яхудий Битикларида сиз Масиҳнинг иккита аксини, иккита сиймосини топишингиз мумкин. Аввало, бу куч ва адолатда хукмронлик қилаётган ғолиб Масиҳнинг сиймосидир. Яна бир бошқа сиймоси – бу инсоният гуноҳлари учун жон бераётган мўмин ва камтар Масиҳ. Азобланадиган Масиҳ ғояси яхудий анъаналарига бегона эмас. Ўтмишдаги ва ҳозирги кундаги кўпчилик яхудий мутафаккир ва ёзувчилари шундай фикрда.

Гарчи Масиҳнинг вазифаси анъанавий равишда Худо Шоҳлигини тиклаш деб ҳисобланса-да, яхудийларнинг тафаккурида азоб чекаётган Масиҳ учун ҳам жой бор. Масиҳнинг камтарлик билан келиши ва яхудий ҳалқининг гуноҳлари учун азоб чекишига ишонишнинг асоси биз таҳлил қилаётган боб – Ишаё пайғамбар китобининг 53-бобидир. Келинг, асл манбаларга мурожаат қиласли:

“У эса бизнинг гуноҳларимизни деб ярадор бўлди,  
Бизнинг айбларимиз туфайли эзилди.  
Бизга тинчлик келтирадиган жазо Унга тушди,  
Унинг яралари бизга шифо берди” (Ишаё 53:5).

“Куддусни севадиган, Довуднинг ўғли, Масиҳ... Илёс унга тегиниб, шундай дейди: «Сен қийноқ ва азобларга дучор бўлишинг керак, улар орқали Яратган сени Истроилнинг гуноҳлари учун жазолайди», - ва худди шундай ёзилган ҳам: «...У эса бизнинг гуноҳларимизни деб ярадор бўлди, бизнинг айбларимиз туфайли эзилди.»” (Мидраши Конен);

“Агар Муқаддас Парвардигор бу дунёга шифо беришини истаса, У битта руҳонийни қолганлари ичida шикастлайди ва унинг учун қолган ҳаммасини даволайди. Буни қаердан биламиз? Шундай дейилгани учун (Ишаё 53:5): «...У эса бизнинг гуноҳларимизни деб ярадор бўлди, бизнинг айбларимиз туфайли эзилди.»” (Зоҳар, Саҳрода, Пинҳас 218-а банди);

“Эгамиз Ўз қулини эзишини, азоблашини маъқул кўрди.  
Шундай бўлса ҳам, Эгамизнинг қули Ўз наслини кўради,  
Узоқ умр кечиради,  
Чунки У Ўзини гуноҳ учун назр қиласди.  
У орқали Эгамизнинг хоҳиши бажо бўлади” (Ишаё 53:10).

*“Эгам айтар: Мана менинг құлым яшнайди,  
У күтарилиб, юксалади,  
Фоят баландға күтарилади.” (Ишаё 52:13);*

*Масих Одам Ато ва Довуднинг гуноҳларини ювиш учун шу боб ёнида:  
«Мана Менинг Құлым» (Ишаё 52:13) деб ёзилганидек, Ўз жонини айб  
құрбонлиги қиласы (Ишаё 53:10) (Мидраш Асерет Мемром);*

Бизнинг гуноҳларимиз учун ўладиган Масих ҳақида айтилган бошқа парчалар ҳам бор, масалан:

*«Мен Довуд авлодига, Қуддус аҳолисига меҳр-шафқат ва ибодат руҳини ёғдираман. Улар Менга – ўзлари найза санчганга қарашиади. Ёлғиз фарзандға аза тутгандай, аза тутишиади. Тўнгич фарзанд учун мотам тутгандай мотам тутишиади» (Закариё 12:10).*

Масихнинг келиши билан боғлиқ қиласы танловимиз жуда оддий. Биз Шоҳ бўлиб келадиган битта Масихга ишонишими – бу Масихнинг азоблари ҳақидаги башоратларни бутунлай рад этадиган анъанавий яхудий қараашлари. Икки хил Масих борлигига ишонишими мумкин: ўлиш учун келадиган ва ҳукмронлик қилиш учун келадиган (Юсуф ўғли Масих ва Довуд ўғли Масих) – анъанавий яхудийликда бу озчилик томонидан қабул қилинган фикр.

Учинчи нуқтаи назар – бу Масихий яхудийлар ва масихийларнинг ягона Масих борлигига ишонишлари ва яхудийларнинг Муқаддас Битикларидаги башоратлар Унинг икки хил келишига ва Унинг икки хил ролига ишора қиласи: инсоният гуноҳлари учун ўлимни қабул қиласы Масих, ва Масихий шоҳликда Шоҳ сифатида ҳукмронлик қилаётган Масих. Биз Исо Масих биринчи бўлиб мўмин Қул бўлиб келганига – гуноҳларимиз эвазига ўлишга (ва Ишаё пайғамбар башорат қиласынидек, ўлимдан кейин тирилиши ва Хушхабар муаллифлари томонидан тасдиқланган) ва яна қайтиб келишига – Шоҳ сифатида ҳукмронлик қилишига ишонамиз.

### **Замонавий эътиrozлар**

Бугунги кунда Ишаё пайғамбар китоби 53-бобини талқин қилишга қарши эътиrozлар турли-тумандир. Улар ҳайвонларни қурбон қилиш концепциясидан нафратланишни ва гуноҳларимизни кечириш учун Худо Ўғлининг ўлими нимага кераклигини тушунмасликни ҳам ўз ичига олади. Кўриниб турибдик, Ишаё пайғамбар китобининг 53-боби кўпчилик замонавий одамлар, ҳам яхудийлар, ҳам мажусийлар учун тўсиқдир.

Янада чуқурроқ даражада, Худо муқаддас ва инсоният Унинг меъёрларига жавоб бера олмаслиги ҳақидаги ғоя бизнинг ўзимизга бўлган оптимистик қарашимизга зиддир. Қолаверса, Худо адолатли бўлгани учун гуноҳ ва гуноҳкорларга жазо бергани учун умуман «яхши» Худонинг сиймосига тўғри келмайди.

Бундан ташқари, XXI асрда яшаётган қўпчилигимиз барча ғайритабиий

нарсаларга нисбатан нотўғри муносабатдамиз. Биз иррационал, ғайритабиий ёки эскича ва архаик бўлиб кўринадиган ҳар қандай нарсани очиқчасига рад этамиз, кўпчилигимиз Муқаддас Китоб таълимотини ҳудди шундай деб ҳисоблаймиз.

## **Жавоб**

Биз рационалистлар сифатида тарбияланганмиз, лекин рационализм қанчалик асосли эканлигини холисона баҳолаш имконига эга эмасмиз. Одамзоднинг яхши эканлигига йўғрилган инсонпарварлик руҳида тарбияланган кўпчилигимиз бунга жиддий шубҳа қиласиз. Биз дунёга бўлган қарашларимиз қайсиdir маънода нотўғри эканлигини ҳис қилаяпмиз, лекин айнан нима эканлигини ва уни қандай тузатиш кераклигини билмаймиз.

Эҳтимол, баъзи бидъатларимизни четга сурисиз, биз билан гаплашадиган Худонинг мавжудлигига юрак ва онгимизни очиш вақти келгандир. Унда биз тушунишимиз зарур бўлган муҳим бир нарса бор. Эҳтимол, биз фикр юритишга ўргатилган усулдан бир оз орқага чекиниб, ғайритабиий нарсаларни инкор этадиган қарашларимизни қайта кўриб чиқишимиз керакдир. Бизнинг ҳаётий тамойилларимиз ҳақиқатдан ҳам асослими ва айнан шу тўғрими? Келинг, азалдан қалб гўзаллиги, олижаноблиги ва инсонийлик манбаи бўлган маънавият ва эътиқодга янгича назар билан қарашга ҳаракат қилиб кўрамиз.

## **ИСРОИЛ ХАЛҚИ ИШАЁ ПАЙҒАМБАР КИТОБИННИГ 53-БОБИДАГИ БАШОРТИНИНГ АМАЛГА ОШИШИМИ?**

## **Эътиroz**

Иудаизм Ишаё пайғамбар китобининг 53-бобидаги башоратлар мажусий халқларнинг гуноҳларини ўз бўйнига олган Исроил халқининг азобуқубатларида ва омон қолишида амалга ошганини ўргатади. Ўрта асрларда Талмуднинг етакчи шарҳловчиси Раши, шунингдек, бошқа донишманлар бу концепцияни ўрта асрларда, яхудийлар Исога ишонмаганликлари учун қувилган ва таъқибга учраган пайтда ишлаб чиқдилар. Бу қувғинлар тарихнинг фалокатлари бўлиб, улар Худо бизнинг ҳаётимиз учун мўлжалланган ҳақиқатни акс эттиrmайди, лекин улар нима учун бизнинг буюк раввинларимиз Ишаё пайғамбар китобининг 53-бобини шу тарзда талқин этишга қарор қилишганини тушунтириб берадилар.

## **Жавоб**

Гарчи биз бу талқиннинг сабабларини тушунсак ҳам, бу Ишаё пайғамбар китобининг 53-боби матнидаги аниқ таълимотга мутлақо мос келмайди. Ишаёнинг башорати Масих томонидан бажарилиши керак бўлган, аммо Исроил халқига тегишли бўлмаган баъзи сабаблар қуйидагилар:

**1. Исроил Ишаё китобида тасвирланган шахс каби бегуноҳ жабрдийда эмас.**

Ишаё пайғамбар китобининг олдинги бобларида, хусусан 1 ва 5

бобларда айтилганидек, Истроил гуноҳкор халқ бўлган;

**2. Истроил Ишаё китобида тасвирланган шахс каби жимгина азоб чекувчи эмас.**

Яҳудий халқи ҳеч қачон индамай азоб чекувчи бўлмаганлигини исботловчи қўплаб ажойиб далиллар мавжуд. Холокост Истроилнинг норозилик изтироблари тасвири сифатида ишлатилса ҳам, яҳудийларнинг ўша пайтда ҳам яхши ташкил этилган қаршилик ҳаракати бўлганлигини ва улар фақат «яҳудий масаласининг якуний ечими»нинг даҳшатли ҳақиқатини тушуниб етмагунларича жимгина азоб чекишганини ишончли тарзда исботлаш мумкин;

**3. Ишаёда тасвирланган шахсдан фарқли ўлароқ, Истроил ҳеч қачон ўлмаган.**

Шубҳасиз, Истроил ҳеч қачон ўлмаган. Халқимиз асрлар давомида ўзига хос миллий борлигини сақлаб келган. Айтиш мумкинки, Истроил халқи Холокост пайтида маълум маънода «ўлган» ва шунинг учун Ишаё 53:10-12 оятлардаги тирилиш парчаси замонавий Истроил давлатининг қайта туғилишига ишора қиласи. Лекин бу нуқтаи назари бўйича баҳслашиш жуда қийин, чунки бу ҳолда бутун парча аллегорик ёки рамзий маънода талқин қилиниши керак, матн тили эса бундай талқинга йўл қўймайди;

**4. Матн бутун бир халқнинг эмас, балки бир кишининг азоблари ҳақида гапиради.**

Бу контекстдан кўриниб турибди. Ишаё пайғамбарнинг сўзларини одамларнинг азоблари тасвирини кўриш учун жуда киноя билан талқин қилиш керак. Бундан ташқари, раввинлар анъанасида қутқарувчи азоб-уқубатлар мавзуси, айниқса, «Юсуфнинг ўғли Масих» деб номланган шахс билан азобланишнинг анъанавий алоқасига қаратилган;

**5. Истроил халқи – у учун азоб чекаётган Кулдир.**

Менимча, Ишаё пайғамбар китобининг 53-бобини Истроил халқига тегишли башорат сифатида талқин қилишга қарши энг кучли далил ушбу бобнинг 8-оятида топилган. Азоб-уқубатларида “Тириклар юртидан У улоқтирилди, Халқимизнинг гуноҳи туфайли Унга зарба тушди” деб, пайғамбар бу оядда Ўша Зотни тасвирлайди. Иврит тилидан «тириклар юртидан... улоқтирилди» деб таржима қилинган сўзлар ўлимни англатади. Агар сўзма-сўз талқин қилинса, бу матнда аниқ Худонинг халқи, яъни яҳудий халқининг жиноятлари учун ўлган одам ҳақида гапирилган.

Шундай экан, «Қандай қилиб Истроилни Истроил учун қатл қилиш мумкин?» деб сўраш адолатдан бўлар эди. Бунинг имкони йўқ. Истроил таърифга кўра халқ сифатида, Ишаё пайғамбар китобининг 53-бобининг субъекти бўла олмайди.

Ишаё пайғамбар китобининг 53-бобига яҳудийларнинг анъанавий талқини бутун Истроил халқига тегишли башорат сифатида аниқ эмаслигини ишончли тарзда кўрсатиш учун бошқа қўплаб далилларни келтириш мумкин. Бу талқин тарих, маданият ва сиёsat маҳсули бўлиши мумкин, лекин ҳеч қандай ҳолатда матннинг ўзига боғлиқ эмас.

## 11-БОБ

### ИШАЁ ПАЙГАМБАР КИТОБИНинг 53-БОБИ ВА СИЗ

#### **Қул ўлимнинг аҳамияти ва унинг оқибатлари**

Исонинг ўлимидан ўттиз йил ўтгач, Тарсуслик раввин Павлус Ишаё пайғамбар китобининг 53-бобига шарҳ сифатида қуидагиларни ёзган:

*“Ахир, Худо бизни Масиҳ орқали оқлаш учун бегуноҳ Масиҳни гуноҳкорни жазолагандай, жазолади” (2 Коринфликларга 5:21).*

Павлус бу бобдаги таълимотни шундай тушунди: Қул айбсиз бўлиб, бизнинг гуноҳларимиз учун ўлди.

Қулнинг қурбонлик ўлимнинг руҳий параметрларини идрок этиш биз учун жуда қийинлиги тушунарли: кўпчилигимиз шундай тарбияланганмизки, биз лабораторияда кўриб бўлмайдиган ёки тажриба йўли билан исботлаб бўлмайдиган ҳамма нарсага мутлақо шубҳа қиласиз!

Ва бу ерда умумий тасвирнинг бир қисми имонга айланиши керак: нафақат Худога ишониш, балки Муқаддас Китоб ишончли эканлигини, шу жумладан, бу одамнинг ўлими ҳақида нима дейилганини тушуниш учун очик бўлиши даркор. Ишонч ва имон – эгизаклардир ва Муқаддас Китобга ва унинг Муаллифига ишониш биз учун осон эмас. Аммо баъзида ҳатто кичик имон чақнаши ҳам одамга қундалик ҳаётдан ўтиб, руҳий идрок этишга имкон беради. Имон билан идрок этилганда руҳий ҳақиқатлар қанчалик ҳаққоний, мантиқий ва аниқ бўлишини билиб ҳайратда қоласиз.

Қулнинг ўлими бугунги ҳаётингизни нима учун ўзгартириши мумкинлигини аниқ тушунтириб бера олмайман, лекин ўз тажрибамдан ва кўпчиликнинг тажрибасидан келиб чиқиб, шуни биламанки, бунинг имкони бор. Буни фақат ўзингиз тушуниб англай оласиз, агар қалбингизни Худога очиб, Ундан қулнинг ўлими ва тирилиши шахсан сиз учун нимани англатишини очиб беришини сўрасангиз бас. Бу кечинма ўта шахсийдир, у мантиқдан ташқарига чиқади ва қалбнинг энг тубига тегади.

Тажриба орқали энг яхши ўрганиладиган тушунчалар мавжуд. Турмуш ўртоғига ёки фарзандига бўлган муҳаббат, қуёш ботишидаги гўзаллик - бизга ҳаётдаги энг катта қувонч келтирадиган ҳамма нарсани жисмонан ўлчаб бўлмайди. Буни фақат ҳис қилиш керак. Худди шундай, Қулнинг ўлими ҳаётингиз учун қанчалик муҳимлигини англаш, агар сиз буни бугун имон билан қабул қилсангиз, ҳаётингиздаги энг гўзал тажриба бўлиши мумкин.

Ишаё пайғамбарнинг матнидан аниқ қўриниб турибдики, Масиҳнинг қурбонлиги ва У бошдан кечирган жазоси биз учун мўлжалланган: «*У эса бизнинг гуноҳларимизни деб ярадор бўлди, Бизнинг айбларимиз туфайли эзилди...*»

Масиҳ Худонинг назарида бенуқсон эди, лекин бизнинг гуноҳларимиз учун ихтиёрий равишда азоб чекди – шифо топишимиз ва Ота билан муносабатларимизни тиклашимиз учун: «...*Бизга тинчлик келтирадиган жазо Унга тушибди, Унинг яралари бизга шифо берди*».

Яхши хабар шундаки, Унинг ўлиши ва тирилиши Худонингadolatiga мос эди. Ишаё пайғамбар китобининг 53-боби Исо Масиҳга ишора қилганини англаш ва гуноҳларимиздан қайтиб, Худо билан тинчлик топишимиз ва Исонинг ўлими орқали Худо тақдим этган авф қувончини ҳис қилишимиз мумкин.

Масиҳ орқали бизга тўкилган Худонинг севгисига қандай муносабатда бўлишимиз керак?

Ишончим комилки, сизда ҳали кўп саволлар бор... Мен Исони Масиҳ сифатида қабул қилишга тайёр бўлган пайтимни эслайман. Менда ҳам саволлар бор эди, лекин юрагимнинг тубида мен бу – ҳақиқат эканлигини аллақачон билардим. Мен учун ҳали ҳам кўп нарса тушунарсиз эди, мен қандай қилиб яхудий бўлиш билан бирга Исога ишонишимни ҳали ҳам тушунмасдим. Аммо қарор қабул қилишим учун етарли даражада кўп нарса билиб олдим: Исо яхудий бўлганлиги сабабли, унинг ўзи менга буни тушунишга ёрдам беради! Ва у ҳақиқатан ҳам ёрдам берди!

Исо мен ва бошқа кўплаб масиҳий яхудийлар учун қилган ишни сиз учун ҳам қила олади. Ва, албатта, сиз яхудий бўлмасангиз ҳам, Исога ишонишингиз мумкин!

Балки ҳозир сиз учун Масиҳни қабул қилишнинг айни пайтидир?

Сиз қуйидаги ибодатни ўқишингиз мумкин:

*Азиз Иброҳим, Исҳоқ ва Ёқубнинг Худоси! Биламан, мен йўқолиб қолган ва ўз йўлида адашган қўйлардан бириман. Раббим, гуноҳларим учун жазони Исо Масиҳга юклаганингни ҳам тан оламан. Мен бунга ишонаман ва Уни Раббим деб қабул қилишини хоҳлайман. Мен Сенга яқинлаша олишим учун Исони менинг ўрнимга ўлимга юборганингдан Сендан миннатдорман. Исо орқали менинг гуноҳимни кечирганинг учун Сенга раҳмат.*

Шунингдек, Янги Аҳддаги Муқаддас Битикнинг қуйидаги оятларини кўриб чиқишингиз мумкин:

*“Агар ўз оғзингиз билан Исони Раббим деб эътироф этиб, Худо Уни ўлиқдан тирилтирганига чин юракдан ишонсангиз, најсом топасиз. Чунки инсон қалбидан ишониб оқланади ва оғзи билан эътироф этиб најсом топади” (Римликларга 10:9-10);*

*“Аммо Уни қабул қилганларнинг ҳаммасига, Унга имон келтирганларга, У Худонинг фарзанди бўлиши ҳуқуқини берди” (Юҳанно 1:12).*

Агар сиз ушбу оддий ибодатни ўқиган бўлсангиз, Худо сизнинг гуноҳингизни кечирганига ва сиз абадий ҳаёт совғасини олганингизга амин бўлишингиз мумкин – бу ҳаёт ҳозирдан бошланади ва абадий давом этади.

Имонда ўсишингизга ёрдам беришга изн беринг. Агар сиз инглиз тилини яхши билсангиз, 4 ҳафталик Муқаддас Китоб курсимизга ёзилинг (интернет ёки почта орқали). Бу курс бепул ва ундан фойда олишингизга

ишончим комил.

Сизни Муқаддас Китобни ўрганишга таклиф қиласиз. Бизнинг веб-сайтимизга ташриф буюринг: [www.Isaiah53.com](http://www.Isaiah53.com)

Бизга рус тилида ёзишингиз мумкин. Рус тилидаги савол ва хатларни куйидаги манзилларга юбориш мумкин:

*Америка Кўшима Штатларида:*

241 East 51-st Street

New York, NY 10022

Телефон: 1-888-2-YESHUA.

Электрон почта: [info@isaiah53.com](mailto:info@isaiah53.com)

*Германияда:*

Beit Sar Shalom

Postfach 450431

12174 Berlin, Germany

[www.beitsarshalom.org](http://www.beitsarshalom.org)

Телефон: +49-30-308 38 130

Электрон почта: [office@BeitSarShalom.org](mailto:office@BeitSarShalom.org)

*Исройлда:*

PO Box 4735

Jerusalem 91046

Israel

Телефон: 02-5632005

Электрон манзил: [beitsar@gmail.com](mailto:beitsar@gmail.com)

*Москвада:*

[beitsarshalom.rus@gmail.com](mailto:beitsarshalom.rus@gmail.com)

[www.messianic.ru](http://www.messianic.ru)

Саволларингиз ва шарҳларингизни қабул қилишдан жуда хурсанд бўламиз. Илтимос, бизга ёзинг.

## **12-БОБ СИЗ ЁЛҒИЗ ЭМАССИЗ!**

Дунёда Ишаё пайғамбар китоби 53-бобидаги башоратни Исо амалга оширганига ишонадиган бошқа кўплаб яхудийлар борлигини билиш сиз учун жуда муҳим бўлса керак. Биз ёлғиз эмаслигимизга ишонч куч ва жасорат беради. Бу ерда Ишаё башорати ҳақиқат ва Исода амалга ошган деган хulosага келган яхудийларнинг бир нечта ҳикояларини келтирамиз!

**Алан Шор**

Катта ҳаётга қадам қўяр эканман, мен ўзим таниган барча яхудийларга ўхшаб қолгандим: Исонинг исми менда мураккаб туйғуларни, асосан,

ўнғайсизлик ва хижолат туйғуларини уйғотарди.

Мени ҳар қадамда учрайдиган жамоатлар, хочлар, ҳайкаллар, расмлар ва кўча воизларининг кўплиги чалкаштирар эди. Мен буни тушунолмасдим. Бунга менинг қон-қонимга сингиб кетган масиҳийлик ҳақидаги шубҳали қарашларни қўшинг ва шунда Исони билиш мен учун умуман ёқимли эмаслиги сизни ажаблантирмайди.

Бундан ташқари, Унинг ўлимининг менга қандай алоқаси бор? У хочга михланганми? Хўш, нима бўлибди? Бунинг менга нима алоқаси бор? Бу қайғули, аммо жуда қадимий тарих. Йигирма аср муқаддам юз берган бирорвинг ўлими бугун мен учун ниманидир англатиши мумкинми?

Мен ўзимга шу каби саволларни берганимда, менга биринчи марта Ишаё пайғамбар китобининг 53-бобини кўрсатишиди. Бу оятлар том маънода менинг ичимга «сакраб» кирди. Халқим тарихига хос бўлган рад этиш, қайғу, хўрлик ва изтироб юкини бошдан кечиришга мажбур бўлган бу ночор жабрдийдадан ҳайратда қолдим. Бу тасвир мен билган ҳамма нарсага қўшилиб кетди ва бу ерда Исо ҳақида гап бораётганлигини аниқ кўра олдим.

Ишаё пайғамбар китобининг 53-боби менга иккита муҳим нарсани тушунишга ёрдам берди. Биринчидан, Қайғу Одамининг изтироблари ҳар биримиз учун алоҳида маънога эга эканлиги – ва нафақат мавхум, балки жуда аниқ маънода, ўзимизни ва шароитимизни тушунишга ёрдам беради. Исонинг азоблари биз учун ҳақиқийга айланса, бизнинг азобларимизни енгишга ёрдам беради. Буни тушунганимдан сўнг, мен Исони яҳудийларнинг ҳаётига бегона шахс сифатида қабул қила олмасдим. Аксинча, У менга ҳамма вақтлар учун яҳудий тажрибасининг тимсоли – бу дунёда азоб чекишига маҳкум, лекин охир-оқибат – Худо томонидан оқланган бўлиб туюлди.

## Исройл Коэн

Ота-онамдан узоқдалигимда, ҳарбий денгиз флотида, мен илгари қила олмаган нарсаларни қилиш имкониятига эга бўлдим – ва менинг “ишларим” ҳар доим ҳам “үйдаги назорат”да эмас эди. Бир куни тушдан кейин каютамда ёлғиз ўтирганимда, ёш денгизчи ёнимга келиб, яҳудийманни йўқми деб сўради. Мен унга шундай эканлигини айтганимда, у мендан яҳудий бўлиш нимани англатишини ўргатишими сўради (унинг ўзи яҳудий эмаслиги аниқ эди). Мен унга гапира бошладим, лекин у гапимни бўлди:

– Буни менга Муқаддас Китобдан ўргата оласанми?

Менда ивритча Муқаддас Китоб бор эди, лекин қаердан бошлишни билмасдим. Шундан кейин у мендан Ишаё пайғамбар китобининг 53-бобини очишимни сўради.

– Овоз чиқариб ўқи, – деди у.

Аввалига қўлимда нотўғри Муқаддас Китоб бор экан деб ўйладим. Балки бу денгизчи менга ҳазил қилгандир? Бу ҳолат менинг масиҳий дўстларим Исо ҳақида айтганларига жуда ўхшаш эди!

Янги дўстим менга Исонинг яҳудий эканлигини тушунтириди. Бундан ташқари, Янги Аҳд ҳам яҳудийлар томонидан ёзилган ва унда ёзилган ҳаммасида яҳудий Масих ҳақида гап боради. Умримда ҳеч қачон бунчалик

саросимага тушмагандим!

Бироқ, уч соат давомида сұхбатимиздан ва Мұқаддас Китобни, айниңса, Ишаё пайғамбар китобининг 53-бобини ўқиганимиздан сұнг, мендаги чалқашлик йўқола бошлади. Мен яхудий Исо Масиҳ томонидан кечиримга муҳтож эканлигимни англадим. Лекин шу билан бирга, мен яхудий эканлигимни хотирамда сақлашда давом этдим, яхудийлар эса Исога ишонмайдилар!

Ўзимни шунчалар хароб ҳис қилдимки, кейинги уйқусиз түнни бошқалар мени эшитмаслиги учун бошимга адёл ёпган ҳолда йиғлаб ўтказдим. Аммо қаршилик кўрсатиш учун бошқа кучим қолмади; нима қилишим кераклигини билардим. Худога ибодат қилиб, мен Унга Исонинг ҳақиқатан ҳам яхудий Масиҳ эканлигига ишонишимни айтдим, ҳаётимда Унинг кутгандарига мос келмаган ҳамма нарса учун кечирим сўрадим. Бир неча дақиқадан сўнг мен тинчгина ухлаб қолдим - ва бутунлай янги ҳаёт учун уйғондим.

### **Паула Михелсон**

Укам Рон бар-мицвасига тайёрланаётганда мен 14 ёшда эдим. Бу вақтни яхши эслайман. Албатта, иврит тили дарсларида у ҳафттарани ўқиши керак эди – лекин менимча, у қайсиdir лаҳзада ундан зерикиб қолган ва у Мұқаддас Китобнинг бошқа китбларини қўриб чиқишига қарор қилганди.

У Ишаё пайғамбар китобида илгари ҳеч қачон эшитмаган бобни топиб, бироз ҳайрон бўлди. Рон 53-бобни ўқий бошлади ва биринчи сўзиданоқ унинг бутун вужудини эгаллаб олди. Қайтиб келгач, ота-онам уйда йўқлигини текшириб кўрди, кейин мени хонасига чақирди. Рон менга Мұқаддас Китобни берди ва ўтиришимни сўради, ўзи эса бориб эшикни ёпиб келди. Бу жуда ноодатий эди, чунки бизнинг уйимизда темир қоида бор эди: кундузи болалар хонасининг эшиклари очик бўлиши керак, фақат кимдир касал бўлиб қолган ҳоллардан ташқари. У Мұқаддас Китобни очди ва мен ўқий бошладим.

Худди кечагидек, биринчи сўзларни аниқ эслайман:

*“Бизнинг хабаримизга ким ишонди?*

*Эгамизning қудратли кучи кимга аён бўлди?” (Ишаё 53:1).*

Бобни тўлиқ ўқиб чиққанимдан сўнг, укам гўё қўрқа-писа жавобни айтишимни сўради: “Сизнингча, Ишаё ким ҳақида гапирияпти?”

Ўша пайтда мен жавобни аллақачон билар эдим. Лекин шунга қарамай, ўша пайтда айтган сўзларим жуда хавфли эди: “Ўйлашимча, Исо ҳақида”.

Ажабланарлиси шундаки, у ҳам бунга кўнди. «Энди нима қиласиз?» – деб сўради у.

Ота-онамиз бизни уйдан ҳайдаб юборишлиридан қўрқиб, буни ҳозирча сир сақлашга қарор қилдик.

Йиллар ўтиб, укам ва мен Иешуа – Исо – ҳақиқатан ҳам Исройлнинг Масиҳи эканлигига амин бўлдик. Мен ўсмирлик чоғимда ҳозир билгандаримни аввалроқ билмаганимдан афсусдаман: Масиҳни тан олиш

яхудийлик билан узилишни англатмайди. Аксинча, бу бизга Худо ният қилгандек бўлишимизга имкон беради – Масихда бирлашган содик яхудийлар.

### **Доктор Дан Голдберг**

Кўп йиллар олдин оиласиз Лос-Анжелесда, ягона яхудийлар биз бўлган маҳаллаларнинг бирида яшаган эди. Биз доимо қўшиларимиз орасида алоҳида ажралиб, ҳамманинг кўз ўнгида эдик. Бир куни мактабдан қайтганимда (бу ўрта мактабда эди), менга ғайриоддий илтимос қилишди. Яхудий бўлмаган қўшни аёл, мендан унинг олдига келишимни илтимос қилди. Мен нима мақсадда эканлигини билмасдим. Унинг олдига келганимда, у: «Ўтири, мен сенга бир нарса ўқиб бермоқчиман», деди. Бу Ишаё пайғамбар китобининг 53-боби бўлиб, мен Муқаддас Китобдан эшитган биринчи парча эди.

Мендан саккиз ёш катта бўлган акам Луи Масихга имон келтирди ва ота-онамга имонли бўлганини айтди. Ота-онамнинг бундан жаҳллари чиқди – ўзи шундоқ ҳам яхудийлар таъқиб қилинаётган Польшани тарқ этиб, Америкага келишган. Аммо Луининг имонли бўлгани менга қаттиқ таъсир қилди. Маҳалламиздаги бир аёл менга “Гедеон” жамияти томонидан нашр этилган Муқаддас Китобни совға қилди. Юҳанно баён этган Хушхабар билан танишганимда, акамдан ўrnак олдим. 1948 йилда 18 ёшимда Исога имон келтирдим.

Менга биринчи марта Ишаё пайғамбар китобининг 53-бобини кўрсатган қўшни аёлнинг исмини ҳатто эслай олмайман. Фақат яхудий пайғамбари ёзган матнда Исо ҳақида гапираётганини қандайдир тарзда Худо менинг миямга муҳрлаб қўйганини эслайман. Бу тушунча мен билан умрбод қолди. Ўша пайтда мен Исо ҳақида жуда оз нарса, фақатгина У бизнинг гуноҳларимиз учун ўлган деб айтишганини билардим. Бу менга ўша куни ўқиб берилган Муқаддас Китоб матнига жуда мос туюлди. Муқаддас Китоб ҳақида кўпроқ билганим сайн, Ишаё пайғамбар китобининг 53-бобидаги матни мен учун янада мазмунлироқ бўлиб борарди. Менга кўп йиллар олдин совға қилишган Гедеон Муқаддас Китобини эса эҳтиёткорлик билан сақлаб келаман.

### **Жефф Кран**

Фаол руҳий изланиш ҳолатида бўлиб, мен яхудийлик эътиқодим билан жиддий қизиқиб қолдим ва жуда чуқур саволлар бера бошладим. Ота-онам дунёвий одамлар бўлишса-да, мен бир муддат биз билан бирга яшаган ва тез-тез ўзи билан бирга ибодатхонага олиб борадиган бобомнинг қаттиқ таъсирни остида эдим. Менимча, жуда оддий ҳаёт кечирдим, лекин мени Левилар китобининг 17-бобида тасвирланганидек, қон ва қурбонлик орқали қутқарилиш зарурати безовта қилар эди. Тадқиқотларим мени Ишаё пайғамбар китобининг 53-бобини дикқат билан кўриб чиқишга унади ва менда саволлар пайдо бўла бошлади. Бу ерда ким ҳақида гап кетяпти? Бу ерда ёзилганлар Масихга тегишлими? Эҳтимол, бу иккиланишманинг

ечимиидир?

Мен бу матн ким ҳақида эканлигини аниқлашга кўп вақт сарфладим. Оилавий Муқаддас Китобимизни ва ундаги шарҳларни ўқиганимни эслайман. Шарҳларда Ишаё пайғамбар китобининг 53-бобида Истроил ҳақида гапирилаётгани таъкидланарди, лекин мен бу талқинни матнда қўрганим билан бириктира олмадим. У ерда эса, албатта, бутун бир халқ ҳақида эмас, балки алоҳида шахс ҳақида гап бораётган эди. «Бу ерда Истроилнинг ўзи учун эмас, балки биз учун азоб чекаётган кимdir тасвирланган» деб ўйлаганимни эслайман. Шундай қилиб, мен аста-секин Худо бизга Масих орқали кечириб берганини тушунишга ҳаракат қила бошладим. Хаёлимда кутқарилиш ва Масих тушунчалари бирлашди ва бу, ўз навбатида, мени Янги Аҳдни ўрганишга олиб келди.

Асосий саволим қуйидагича эди: Ишаё пайғамбар китобининг 53-боби Исо ҳақида гапиряптими? Янги Аҳднинг биринчи китоби бўлган Матто баён этган Хушхабарни ўқиши бошлаганимда, Яхудий Битикларидаги у мурожаат қилган барча башоратларни текширишга қарор қилдим. Мен шундай қилган сайин, Исо Худо бизни кечириш учун олдиндан режа қилган қурбонликнинг башоратли таърифига тўлиқ мос келиши янада аниқ бўла бошлади. Мен бу қанчалик муҳимлигини тушундим, чунки мен Левилар китобининг 17-бобида биринчи марта дуч келган кутқарилиш зарурлигини аллақачон билардим. Ишаё пайғамбар китобининг 53-боби Худо Исони нима учун бу дунёга юборганини тушунишим учун калит бўлди.

### Лоренс Хирш

Менинг акам Алан ҳар доим ҳақиқат изловчи бўлган. Дам олиш кунларининг бирида у рюзагида Муқаддас Китоб ва бошқа диний китоблар билан армиядан қайтиб келганида, камида оиласми жиддий хафа қилганди. Мен ўшанда ўн тўрт ёшда эдим, лекин ота-онам уни кутиб олган шовқин-сурон ва кўз ёшлари ҳали ҳамон эсимда.

Бир куни Алан Муқаддас Китобни очиб, Битиклардан қисқача матн ўқиб берайми-йўқми деб мендан сўради. Мен рози бўлдим. У менга айнан қайси парчани ўқиб беришини айтмади ва Ишаё пайғамбар китобининг 53-бобини ўқий бошлади. У гапини тугатгандан сўнг, мен сўрадим: «Лекин буларнинг ҳаммаси Исо ҳақида эди, шундай эмасми? Сиз менга Янги Аҳдни ўқиб берган бўлсангиз керак?»

Акам менга яхудий пайғамбари Ишаёнинг китобидан бир бобни ўқиб берганини айтганида, ҳайрон бўлиб қолдим. Шунингдек, у менга Ишаё бу сўзларни Исо туғилишидан 700 йил олдин ёзиб кетганини айтиб берди – лекин бу парчада айнан У ҳақида гапирилаётгани менга жуда аниқ туюлди!

Бир муддат бу менга қандай таъсир қилганини кўрсатмадим. Айниқса, учинчи оятдаги сўзлар мени ҳайратда қолдирди:

«Одамлар Ундан нафратландилар, Уни рад этдилар.

У қайгу, азоб-уқубат нималигини биларди.

Ҳамма Ундан юз ўғирди, Ундан ҳазар қилди.

Биз Уни одам қаторида санамадик».

Наҳотки бизлар, яхудий халқи, Масихимизни рад қилдик? Бу қандай содир бўлиши мумкин?

Бу оятлар ва уларнинг ҳаётим учун аҳамиятини тушуниш учун бир неча ой керак бўлди. Мен Исога имон келтириш яхудий сифатида олган тарбиямга қарши чиқишини англатишини ва оиласида ҳамда ҳалқимнинг ғазаби ва рад этилишига дуч келишимни билардим. Бироқ, Ишаё пайғамбар китобининг 53-бобида ўқиганларимнинг ҳақиқатини энди инкор эта олмасдим ва мен ҳам Исони ўзимнинг Масихим сифатида қабул қилдим!

## ШАХСИЙ ПОСТСКРИПТУМ

Мен анъаналарга содик бўлган яхудий оиласида тарбияланганимни аллақачон биласиз. Биз АҚШдаги замонавий ортодоксал иудаизм ҳаракатини ифодаловчи «Ёш Истроил» синагогасига ташриф буюрардик. Бизнинг оиласиз жуда диндор бўлмагани учун, мен *иешивотга*\* бормас эдим ва яхудий дини ҳақидаги барча билимларимни Квинс (Нью-Йорк) шахрида яшаганимда синагога ва яхудий мактабида ўқиб олгандим. Билимларимнинг яна бир манбаи «хедер Талмуд-Таврот» бўлди – бу, мен саккиз ёшдан ўн уч ёшгача ҳафтада беш кун қатнашган Тавротни ўрганиш дарси эди. Кўп дўстларим ортодоксал иешивотда ўқирдилар ва уларнинг муҳити мен учун жуда қулай эди. Ёшлигимда мен анча қайсар эдим, лекин шу билан бирга мактабдаги ўқитувчиларни ва раввинимизни ҳурмат қилардим. Мен уларни жуда қадрлардим, аммо тан олишим керак, яхудийларнинг узоқ ибодатлари пайтида синфда учирилган бир қанча қофозчалар учун шахсан мен жавобгарман!

\*Иевишот – Оғзаки Қонунни, асосан Талмудни ўрганишга мўлжалланган олий диний таълим муассасаси бўлган олийгоҳнинг номи.

Менинг ҳаёт йўлим кўплаб тенгдошларимнинг йўлидан унчалик фарқ қилмади. Маъно ва завқ излаб коллежни ташлаганимдан сўнг, мен *хиппи* дўстларим билан бирга Калифорнияга отландим. Айнан шу даврда менинг иккита энг яқин яхудий дўстларим Исога имон келтиришди. Улар бу ҳақда менга гувоҳлик беришди ва Исонинг Масих эканлигини тасдиқловчи далиллардан бири Ишаё пайғамбар китобининг 53-бобини тушунгандари эди.

Ушбу бобни ўқиб чиққанимдан сўнг, мен унинг кучи ва оддийлигига ҳайрон бўлдим. Ажабланарлиси шундаки, мен яхудий маълумотига эга бўлиб, Танаҳни ўрганар эканман, бу матнни ҳеч қачон учратмагандим. Жиддий мулоҳаза юритиб, Янги Аҳд билан танишиб, Исога имон келтирдим. У Ишаёнинг туғилишидан 700 йил олдин ёзилган башоратни инкор этиб бўлмас аниқлик билан амалга оширгани менга аён бўлди.

Ҳаётимни бутунлай ўзгартирган қарор 1970 йилнинг нояброда қабул қилинди. Мен уйга қайтиб, коллежда ўқишини давом эттиришга қарор қилдим. Аммо ота-онамга мен масихий яхудий бўлганимни ва мен ўқишини ният қилган коллеж Муқаддас Китоб коллежи эканлигини қандай айта

олардим? Отам ва онам бунга қандай қарашларини, уларнинг муносабати қандай бўлишини тасаввур қила олмасдим ...

1971 йилнинг баҳорида хира кўк рангли комбинезонда автостоп билан уйга кетаётганимни яхши эслайман. Топганларимни ота-онам билан баҳам кўриш мен учун жуда муҳим эди. Уйга кирганимда ота-онам келганимдан жуда хурсанд бўлганини кўриб, кўнглим енгил тортди. Биз столга ўтирдик, бирга овқатландик, сухбатлашдик ва ниҳоят онам менга савол берди, ота-онам ҳадиксираб жавоб кутаётган эди:

- Қанча вақтга келдинг?
- Бутунлай, – деб жавоб бердим мен.
- Коллежда ўқишни давом эттирасанми? – сўроқда давом этди онам.  
(Ўқишни ташлаш яхудий она учун энг ёмони эди... Деярли!)
- Ҳа, мен ўқишни давом эттироқчиман, – деб жавоб бердим ва йўтал аралаш қўшиб қўйдим: – Муқаддас Китоб коллежид".

Онам менга қараб сўради:

- Яна қанақа Муқаддас Китоб коллеки?
- Бу Муқаддас Китоб ўрганиладиган жой, – деб жавоб бердим.

Онам ҳайрон бўлиб менга қаради ва сўради:

- Нега энди дарров Муқаддас Китобни ўрганишга қарор қилиб қолдинг?

Мен ота-онамга Муқаддас Китоб ажойиб китоб эканлигини ва ҳамма уни ўқишга ва ўрганишга ҳаракат қилиши кераклигини айтдим (Бекорга яхудий мактабида яхши ўқимаганманку!).

Онам ва отам индамай бир-бирларига қараб олишди. Шу пайт мен энди асосий мавзуни четлаб ўтолмаслигимни англадим. Ота-онамга Исога эргашишга қарор қилганимни айтдим.

Отам ҳайратдан зўрга нафас олди, онам эса йиғлаб юборди. Улар бир-бирлари билан баҳслаша бошлишди. Онам мени «етарлича диндор» қилиб тарбияламаганлиги учун отамни, отам эса «ўта диндор» қилганлиги учун онамни айбларди. Иккаласи ҳам бобом ва бувимни эскича ва ортодоксал қарашлари учун айбладилар.

Кейин ота-онам мендан уйларини тарк этишимни илтимос қилишди. Улар эътиқодимга қарши ўз қонунларини мажбуран қабул қилдиришмоқчи бўлишди ва Исо тўғрисида кимга гапира олиш-олмаслигимни айтиб, мени чеклаб қўйиши. Бу мавзуда бобом ва бувим, опа-сингилларим ва қўшниларимиз билан гаплашиш таъкиқланганди. Бундай ечим мен учун номаъқул эканлигини айтиб, уларга эътиroz билдиридим. Онам менга хочларни уйга олиб киришни, жамоатга боришни ва Янги Аҳдни ўқишни таъкиқлади. У ҳеч тўхтай олмасди...

Ўша оқшом, яъни мен учун ота уйимдаги охирги кунимда, онамдан мени имонга олиб келган оятни – Исо ваъда қилинган Масих эканлигини кўрсатишга изн сўрадим. У Янги Аҳдан фойдаланмаслигим шарти билан рози бўлди. Биз ўтирдик ва мен унга Ишаё пайғамбар китобининг 53-бобини инглиз тилидаги таржимасини ўқий бошлидим. Ич-ичимдан онам Исо хақида айтилган гапларни тушуниб, Унинг Масих эканлигига рози бўлишига умид

қилардим. У менинг қарорим бизнинг яхудийларнинг қимматли мероси билан қанчалик чамбарчас боғлиқлигини кўради ва мен унга хиёнат қилмаганимни тушунади, деб умид қилгандим. Ўшанда можаро ҳал қилинади – ҳеч бўлмаганда мен бунга ишонишни хоҳлардим!

Бунинг ўрнига, 8-оятда онам ухлаб қолди. Мен уни уйготдим ва давом эттираверайми-йўқми, деб сўрадим. У уйқусираб бош иргади. Ўқиши тугатгач ундан сўрадим:

- Хўш, бу ҳақда қандай фикрдасиз?
- Мен сенга Янги Аҳдни ўқима дегандимку! – деди у.
- Лекин, она, – жавоб бердим мен, – ахир бу бизнинг яхудий Муқаддас Китобимиз! Ва Ишаё яхудийларнинг пайғамбарири!
- Менга бунинг қизиги йўқ, – деб жавоб берди у, – ва бу ҳақда бошқа ҳеч қачон мен билан гаплашма!

Севимли онамнинг муносабати (Худо унинг руҳини шод қилсин!) кўплаб яхудийларга хосдир.

Ишаё пайғамбар китобининг 53-боби, менинг фикримча, барча Яхудий Битикларида масихнинг шахси ва хизмати ҳақидаги энг кучли башпоратлардан биридир. Уни ўқиган ҳар бир ўқувчининг ҳаммаси ҳам ушбу матнларнинг Исода амалга ошганини тушуна олади деб ўйламайман. Лекин умид қиласманки, сизнинг ақлингиз ва қалбингиз янгиланишга очиқ бўлади ва сиз ўзингиз ундан хулоса чиқарасиз.

## **ИЛОВА**

### **ЯҲУДИЙ ИСО МАСИҲГА ИШОРА ҚИЛУВЧИ ҚЎШИМЧА БАШОРАТЛАР**

#### **1. МАСИҲНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ВА ТУҒИЛИШ ЖОЙИ**

##### **Башорат: Михо 5:2 (5:1 иврит тилида)**

*«Аммо Эгамиз демоқда: “Эй Эфратдаги Байтлаҳм, Сен Яҳудонинг митти шаҳри бўлсанг ҳам, Исроилни Мен учун бошқарадиган зот сендан чиқади. Унинг насаби қадимларга бориб тақалади.”»*

##### **Амалга ошиши: Матто 2:1**

*«Исо подиоҳ Ҳирод даврида, Яҳудиянинг Байтлаҳм шаҳарчасида тугилганидан кейин, шарқдан Қуддусга мунажжимлар келди».*

Байтлаҳм - Эфрат (Бейт Лехем - Эфрата) Яҳудо қабиласининг худудида, Қуддусдан саккиз километр жануброкда жойлашган эди (Рут 1:2 га қаранг). Исроилда яна бир Байтлаҳм бор эди, у Носиранинг шимоли-ғарбида жойлашган эди, лекин Ҳукмдорнинг туғилган жойи Байтлаҳм Яҳудо бўлиши керак эди - ва шундай бўлди (Матто 2:1 ва Луқо 2:4-7 га қаранг) ҳам. Яҳудийлар Масиҳнинг Носирадан кела олмаслигини, лекин у Довуд шаҳри Байтлаҳмдан келишини билишарди (Юҳанно 7:42).

Байтлаҳмда туғилган киши Исроилнинг ҳукмдори бўлиши керак эди. Понтий Пилат Исодан у Яҳудийларнинг Подшоҳими деб сўраганида, Исо унга ижобий жавоб берди (Луқо 23:3). Аммо Унинг ердаги шоҳ эканлиги ҳақидаги гапнинг ўзи ҳали Исони Масиҳга айлантиrmайди, чунки Масиҳ «азалдан, абадият кунларидан» келиши керак эди. Исо: «Иброҳим пайдо бўлишидан олдин мен бўлдим», деб эълон қилганида, яҳудийлар Унинг абадий эканлигини тасдиқлаганини тушунишди. «Мен бўлдим» деб (масалан, «мен бўлгандим» эмас) У Ўзини «Мен бўлдим» деб атайдиган Исроилнинг Худоси номи билан таништириди.

#### **2. МАСИҲНИНГ ТУҒИЛИШИ, ХИЗМАТИ ВА ҒАЛАБАСИ**

##### **Башорат: Ибтидо 3:15**

*«Сен билан хотин орасига, сенинг зотинг билан унинг зоти орасига адоват соламан. Ўша зот сенинг бошингни эзib ташлайди, сен эса унинг товонини чақасан».*

**Амалга ошиши: Павлуснинг галатияликларга мактуби 4:4; Матто**

## **27:62-63; Юҳаннонинг 1-МАКТУБИ**

*«Лекин замона охирлаб қолганда, Худо Ўз Ўзлини юборди. У хотиндан тугилиб, Қонунга бўйсуниб юрди» (Галатияликларга 4:4);*

*«Тайёргарлик кунининг эртасига олий руҳонийлар ва фарзиylар Пилатнинг ҳузурига тўпланишиб: Тақсир!, - дейшиди, - Ўша алдамчи ҳали тириклигига: “Уч кундан кейин қайта тириламан”, - дегани эсимизга тушди»(Матто 27:62-63);*

*«Худонинг Ўғли эса иблиснинг ишларини барбод қилмоқ учун пайдо бўлди» (ЮҲАННО 3:8)*

Ибтидо (3:15) даги башорат Муқаддас Китобдаги биринчи Масихий башоратdir. Худонинг ўзи Момо Ҳавони Худога итоатсизликка муваффақиятли васвасага солган илон (Шайтон)га гапиради. Шайтоннинг мутлақ мағлубиятини башорат қилиб, Худо аёлдан унга қаршилик қўрсата оладиган уруғ (зурриёт) пайдо бўлишини айтади. Галатияликларга 4:4 дан ташқари, Хушхабарларнинг Исонинг туғилиши ҳақидаги хикоялари унинг носиралик Юсуфнинг хотини Мириам (Марям)дан туғилганига етарлича далиллар келтиради.

Шайтон билан адватга келсак, у билан Исо ўртасидаги энг машҳур тўқнашувлар саҳрова, Унинг хизматининг бошида содир бўлган (Луқо 4:1-12). Исо ва Шайтон ўртасидаги қарама-қаршилик охир-оқибат Масихнинг ўлимига олиб келди - лекин Ибтидо китобида (3:15) башорат қилинганидек, Масих мағлуб бўлмади, чунки у Ўзи башорат қилганидек, ўликлардан тирилди (Матто 27:63).

Бу башорат (Ибтидо 3:15) Шайтон ва унинг барча ишлари Исо Масих томонидан мутлақ мағлуб бўлиши орқали амалга ошмоқда. Ҳаворий Юҳанно Исо Шайтоннинг ишларини йўқ қилиш ва Худо Ибтидо китобида айтган сўнгги мағлубиятни етказиш учун келганига гувоҳлик беради. Аёл уруғидан чиқсан Исонинг илон (Шайтон) устидан қозонган сўнгги ғалабаси Ваҳий китобида кўрсатилган (20:10).

## **3. МАСИҲ - ИБРОҲИМНИНГ АВЛОДИ**

### **Башорат: Ибтидо 12:1-3**

*«Худованд Ибромга хитоб қилиб деди: “Ўз ерингдан, она юртингдан, отанг уйидан чиқиб, Мен сенга қўрсатадиган ерга кет. Сендан буюк халқ вужудга келтираман. Сени табаррук қилиб, номингни улуглайман. Сен баракали бўлгайсан. Сени дуо қилганларни Мен дуо қиласман, сени лаънатлаганларни Мен лаънатлайман. Ер юзидағи барча қабилалар сендан барака топадилар”».*

### **Амалга Ошиши: Матто 1:1**

*«Иброҳим ўғли, Довуд ўғли Исо Масиҳнинг насл-насабни бошлаш*

учун танлади, бу охир-оқибатда нафақат Исроил, балки бутун ер юзи учун оқ фотиҳа бўлади. Ишаё (42:1-8) дан биламизки, Худо Ўзининг Қули Масих

орқали ер юзидаги халқларга оқ фотиҳа беради. Шунинг учун Исройлнинг Масиҳи ролига номзод Иброҳимнинг насабидан бўлиши керак, унинг хизмати эса нафақат Исройл халқига, балки мажусийларга ҳам тегишли бўлиши керак.

Матто Исонинг насабномасида У Иброҳимнинг авлоди эканлигини аниқ кўрсатади. Ердаги ҳаёти давомида Исо нафақат яхудий халқига, балки мажусийларга ҳам (масалан, канъонлик аёл (Матто 15:21-28), Рим ўзбошиси (Матто 8:5-13)) хизмат қилган. У 72 шогирдини хушхабарни ваъз қилиш учун юборди - кўпчилик бу рақам Ибтидо китобининг 10-бобидаги халқларнинг рўйхатига тўғри келади, деб ҳисоблашади. Нихоят, Исо Тарслик Шоулни (Рим жамиятида Павлус номи билан машхур) ҳаворийликка чақирганда, унга берган аниқ топшириги қуидагича бўлган: «... Менинг исмимни турли халқлар, подшоҳлар ва Исройл ўғиллари олдида улуғлаш учун» (Ҳаворийлар 9:15).

## 4. МАСИҲ - ЯХУДО ҚАБИЛАСИДАН

### Башорат: ИБТИДО 49:10

«Яхудонинг қўлидан кетмас салтанат ҳассаси,  
Унинг наслида қолар салтанат тамғаси,  
Халқлар унга ўлпон келтираслар,  
Унга итоат этиб таъзим қиласлар.”

### Амалга ошиши: ЛУҚО 3:33

«...Аминадоб ўғли, Ром ўғли, Ҳасрўн ўғли, Парас ўғли, Яхудо ўғли»

Иброҳимга берилган биринчи башоратдан бошлаб, ваъда чизиги Исҳоқ орқали, кейин эса унинг ўғли Ёқуб орқали ўтади. Ўлим тўшагида Ёқуб ўн икки ўғлига башорат қилиб, келгуси кунларда улар билан нима бўлишини айтиб беради (Ибтидо 49:1). Ёқуб Яхудонинг авлодлари абадий шоҳлик ўтадиганлар бўлишини башорат қилган. Шунинг учун, Масиҳ Яхудонинг авлоди бўлиши керак - бу ҳақиқатан ҳам Янги Аҳдда тасдиқлаганидек (Матто 1:2-3; Луқо 3:33), шундай бўлган.

Қизиги шундаки, Ҳизқиё пайғамбар орқали Худо Яхудий шоҳлигининг сўнгти шоҳи Зидқиёга шоҳлик тожини ечишни буюради, токи ўз вақтида салтанат тикланиб, у ҳақли бўлган Зотга берилиши мумкин бўлсин: бу ерда аниқ кутилаётган Масиҳ ҳақида гап бормоқда (Ҳизқиё 21: 25-27).

## 5. МАСИҲ ДОВУД ХОНДОНИДАН БЎЛАДИ

### Башорат: 2 Шоҳлар 7:12-13

«Сен оламдан ўтиб, ота-боболаринг ёнига дағн қилинганингдан кейин ҳам, Мен ўғилларингдан бирини шоҳ қилиб, унинг шоҳлигини мустаҳкамлайман. Менга атаб уйни у қуради. Мен эса унинг шоҳлик таҳтини то абад мустаҳкам қиласман».

### **Амалга ошиши: Луқо 3:31**

*«...Малиё ўғли, Манно ўғли, Маттато ўғли, Натан ўғли, Довуд ўғли...»*

Шоҳ Довудга қаратилган бу башорат Масиҳий наслни унинг авлодларидан бирига олиб боради. Бу қисман Довуднинг ўғли шоҳ Сулаймонга ишора қиласи, лекин айни пайтда чуқурроқ Масиҳий маънога ҳам эга. Масиҳ Яхудо қабиласидан ва Довуд хонадонидан бўлиши керак. Шоҳ Довуд хонадонидан келаётган бу узлуксиз сулола, шунингдек, Исонинг сулолавий қасамёдларини бажариши ҳам бутун Муқаддас Китобда энг кўп тасдиқланган Масиҳий ваъдалардан биридир (Қаранг: Псалтиръ 88:31-39; Ишаё 9:1-7; Матто 1: 1; Луқо 1:31-33, 69; Ҳаворийлар 2:30; 13:23; Римликларга 1:2-3; 2 Тимўтийга 2:8; Ваҳий 3:7; 22:16).

## **6. МАСИҲ БОКИРА ҚИЗДАН ТУГИЛАДИ**

### **Башорат: Ишаё 7:14**

«Энди Раббийнинг Ўзи сизларга нишона беради: ана, қиз ҳомиладор, у ўғил туғади ва Унинг исмини Иммануил қўяди».

### **Амалга ошиши: Матто 1:18, 22-23**

*«Исо Масиҳнинг туғилиши шундай содир бўлди: Унинг онаси Марям Юсуфга унаштириб қўйилган эди. Уларнинг никоҳидан олдин Марям Муқаддас Руҳдан ҳомиладор экани маълум бўлди. <...> Буларнинг бари эса Худовандинг пайғамбар орқали айтгани бажо келиши учун рўй берди. Пайғамбар: “Қиз ҳомилали бўлгай ва ўғил туққай, Унинг исмини эса Иммануил қўюрлар”»*

Бу парчани, контекстда синчиклаб ўрганиш керак, у Масиҳнинг бокирадан туғилиши ҳақидаги тўғридан-тўғри башоратdir (Луқо 1:26-27). Ивритча Муқаддас Китоб таржимонлари бокира қиз ўрнига ёши аёл сўзидан фойдаланишади - лекин ишлатилган ивритча алма сўзи деярли ҳар доим ёш, турмушга чиқмаган аёлни англатади, Ишаё даврида бу аниқ бокира қизни англатган. Эски Аҳднинг юононча таржимаси Исо туғилишидан олдин тугалланган Септуагинта муаллифлари бу сўзни «бокира» деб таржима қилганлар - бу Муқаддас Китобдаги иврит тилидаги унинг ҳақиқий маъносидир. Матто (1:22-23) даги ушбу оятга аниқ ҳаволани ҳисобга олсак, Исонинг покиза онаси бокира Мириам Масиҳнинг туғилиши ҳақидаги бу башоратни амалга оширганига шубҳа йўқ.

Муқаддас Китобда одамларнинг исмлари уларнинг моҳиятини тасвирлайди. Боланинг исми Иммануэл (Иммануил), яъни «Худо биз билан» деган маънони англатади, башоратда айтилган бола бизнинг орамизда яшайдиган Худонинг Ўзи бўлишини кўрсатади.

## **7. МАСИҲ - ТАНДАГИ ХУДО**

### **Башорат: Ишаё 9:6-7(ивритча 9:5-6)**

*«Мана биз учун бола туғилди, Ўғил бизга берилди. Ҳукмронлик*

*Унинг зиммасидадир, Номи ажойиб маслаҳатчи, Қудратли Худо, Абадий ота, Тинчлик шаҳзодасидир. Довуднинг таҳтида Унинг ҳукмронлиги ортиб бораверади. Тинчлик то абад ҳукм суради. Ҳозирдан бошлаб, то абад Адолат ва солиҳлик ила Шоҳлигини мустаҳкамлаб, барқарор қиласди. Сарвари Олам жон куйдириб, Буни бажо айлайди»*

### **Амалга ошиши: Матто, 1:1; Юҳанно 1:14**

*«Иброҳим ўғли, Довуд ўғли Исо Масиҳнинг насабномаси...».*

*«Калом инсон қиёфасига кирди Ва биз аро маскан қилди. Биз эса Унинг улугворлигини кўрдик; Отаси ҳузуридан келган, Марҳамат ва ҳақиқат ила тўлган Ягона Ўғилнинг улугворлигини кўрдик»*

Ишаёнинг 9-бобида Масиҳга берилган жуда муҳим исмлар Унинг илоҳий табиатига ишора қиласди. Гарчи анъанавий яхудийлик Масиҳнинг Худо бўлишини ўргатмаса ҳам, бу фикр Яхудий Битикларида аниқ ифодаланган. Масиҳга берилган ва Ишаёнинг 9-бобида тилга олинган тўртта исм бу абадий Ҳукмдор Худонинг Ўзи деган хulosага олиб келади. Маълумки, Ивритча Муқаддас Китоб таржималарининг кўп версияларида бу исмларнинг маъноси кўзга ташланмаслиги учун транслитерацияда берилган (ивритча ҳарфлар инглиз ёки рус ҳарфлари билан алмаштирилган!)

Ҳамда агар Ишаёнинг Масиҳ - қудратли Худо ва абадиятнинг Отаси ҳақидаги қўрсатмалари Исонинг Худо эканлигини қўрсатиш учун етарли бўлмаса, у ҳолда ҳаворий Юҳанно ҳам У Исо жисмга эга бўлиб бизнинг орамизда яшаган Худо эканлигини айтади. Исо Иброҳим ва Довуднинг авлоди эканлигини (Ишаё 11:1-5 даги башоратли сўзларга асосланиб) қабул қилганимиздан сўнг, Ажойиб, маслаҳатчи ва Дунё Шоҳи - Исо эканлигини тушуниш қийин эмас. Унда айтилишича, «Иессайнинг илдизидан чиқкан новда» (Иессай шоҳ Довуднинг отаси эди) донолик ва ақл руҳига, маслаҳат ва куч руҳига, ихтиёр ва тақво, ҳукмронлик, куч ва адолат руҳига эга бўлади. Исодан бошқа яна ким бу новда бўлиши мумкин?

## **8. МАСИҲ МУСОГА ЎХШАГАН ПАЙҒАМБАР БЎЛАДИ**

### **Башорат: Қонунлар 18:15**

*«Эгангиз Худо сизлар учун халқингиз орасидан менга ўхшаган бир пайғамбар чиқаради. Унга қулоқ солинглар».*

### **Амалга ошиши: Юҳанно 6:14**

*«Шунда одамлар Исонинг қилган ибратли мўъжизасини пайқаб: Ҳақиқатан ҳам Бу оламга келадиган Пайғамбар экан,-дедилар»*

Қонунлар матнидан (18:15-22) кўриниб турибдики, Мусо бир пайғамбарни эмас, балки уларнинг бутун галасини назарда тутган, аммо энг яхшиси Масиҳ - Истроил пайғамбари бўлади. Саҳнада Масиҳдан олдин ўтган Яхё чўмдирувчи (Исо бин Нун) пайдо бўлганида, Истроил келаётган пайғамбарни интиқлик билан кутаётган эди. Яхудий йўлбошчилари Яхё чўмдирувчидан У ўша пайғамбарми ёки йўқлигини сўрашган ва у қисқача

«Йўқ», - деб жавоб берган: (Юҳанно 1:21-25). Филип Исаога эргашганида, Уни Мусо таърифлаган Зот деб билди (Юҳанно 1:44-45). Исонинг ўзи Мусо ёзган ягона шахс эканлигини қайта-қайта тасдиқлаган (Юҳанно 5:46), бошқалар ҳам буни тасдиқлаган (Юҳанно 6:14; 7:40). Иса осмонга кўтарилигандан сўнг, Бутрус ва кейин Стефан яхудий раҳбарларига Иса Мусо томонидан кўрсатган пайғамбар Масихнинг ўзи эканлигини эълон қилди (Ҳаворийлар 3:22-26; 7:37). Шуниси қизиқки, ушбу матнларнинг барчасида ушбу баёнотларга ёки уларни рад этишга бирорта ҳам эътиroz йўқ.

## 9. МАСИХНИНГ КАМТАРЛИГИ

### Башорат: Закариё 9:9

*«Ҳурсанд бўлиб, қувонинг, Эй Қуддус халқи! Шодлик-ла ҳайқиринг, Эй Сион халқи! Мана шоҳингиз келяпти. У зафар қозонган голибdir. Шунга қарамай, Камтаринdir шоҳингиз, У эшакнинг устида, Ҳа эшакнинг боласини - ҳўтикни миниб келяпти».*

### Амалга ошиши: Юҳанно 12:12-14

*«Эртаси куни байрамга борган кўпчилик ҳалойиқ Исонинг Қуддусга келаётганини эшитиб қолишиди. Пальма дарахти шоҳларини олиб, Уни қарши олишга чиқишиди ва баланд овоз билан: “Нажот бергин! Худованд номидан келаётган Исроилнинг Подшоҳи муборак!”, -деб ҳайқиришар эди. Иса бир ҳўтикни топиб, унга минди, ҳудди Таэротда ёзилганидай...».*

Яхудий халқига ҳукмронлик қилиш ва барча одамларга тинчлик олиб келиш учун осмондан тушадиган зафарли, шоҳ Масихни кутиш ўргатилган. Масих ҳақидаги башоратларда аслида нима дейилгани кўпинча ўргатилмайди: У аввал камтарлик билан, эшак миниб, Ўз вазифасини бажариш ва бизни Худо билан яратшириш учун келади (Матто 21:5-10). Масих орқали одамларнинг қалблари Худо билан тинчлик топмагунча, сайёрада тинчлик ҳукмронлик қила олмайди.

Закариё пайғамбарнинг ёзганларига кўра, Қуддусга кирган киши «сенинг Шоҳинг», яъни Исроилнинг Шоҳи бўлади.Faқат бир киши Исроил шоҳи бўлиши мумкин - Довуднинг авлодидан бўлган Иса. Дастрраб, У жангчи сифатида эмас (қайси ролда қайтиб келади; Ваҳий 19:11-16 га қаранг), балки мулојим ва камтарлик билан адолат ва нажот (нажот) келтирувчи сифатида келган. Исроилда ҳеч ким Закариёнинг башоратларини (9:9) Иса бажо келтиргандек бажармади. Унинг солиҳлиги Унга эргашган ва Унинг таълимотларига қулоқ солган оломонни ўзига тортди. Унинг мулојимлиги ва камтарлиги туфайли ҳатто болалар ҳам Унинг хузурида ўзларини эркин ҳис қилишарди. Камтарлик билан Қуддусга эшакда кириб келаётган Масихнинг сиймоси, унинг азоб чекаётган (хочга михланган) Қул ҳақидаги башоратли сурати билан бирга, Иса Масих ҳаётининг умумий тасвирини яратади.

## 10. МАСИХНИНГ ХОЧГА ТОРТИЛИШИ

## **Башорат: Забур 21**

### **Амалга ошиши: Матто 27; Марк 15; Луқо 23; Юҳанно 19**

Забур 21дан келиб чиқадики, Масих дунёнинг гуноҳлари учун ўлиш учун биринчи бўлиб келиши керак эди. Хочдаги ўлимнинг бу башоратли сурати, хочга михланиш ўлим жазосининг бир турига айланишидан анча олдин қайта яратилган. Исо туғилишидан деярли минг йил олдин ёзилган Забур ва Хушхабар гувоҳликлари ўртасида ғайритабиий ўхшашликлар бор ва уни инсон нуқтаи назаридан тушунтириб бўлмайди.

Ажойиб параллелларни кўриш учун Забур 21даги хочга михланишнинг башоратли тасвири ва Янги Аҳднинг Хушхабарларида Исонинг ўлимининг батафсил тасвири ўртасидаги ажойиб ўхшашликларни кўриш учун қуидаги жиҳатларни солиштиринг: Унинг ўлими Худога фарёди (Забур 21:1 - Матто 27:46); масхара ва камситишларга чидаши (Забур 21:7-9 - Матто 27:39-43); Унинг танасининг жисмоний ҳолати (Забур 21:15 ни хочга михланган одамнинг ҳолати тасвири билан солиштиринг); Унинг хочдаги ташналиги (Забур 21:16 - Юҳанно 19:28); тешилган қўллар ва оёқлар (Забур 21:17 ни Унинг қўлларини тешган мих жароҳатлари тасвири билан солиштиринг - Юҳанно 20:25-27); Унинг кийимлари учун қуръа ташлаш (Забур 21:19 - Юҳанно 19:23-24).

Кўп жиҳатдан Масихнинг прототипи бўлган Довуд, шунингдек, Унинг ёвузлар қўлидаги ўлим азобини башорат қилган. Забур 21, Довуд ёзган, қайгу ва азоб чекаётган Исо хочга михланган шахс эканлигини аниқ кўрсатиб турибди.

## **11. АЗОБЛАНАЁТГАН ҚУЛ**

### **Башорат: Ишаё пайғамбарнинг китоби 53-боб**

### **Амалга ошиши: Юҳанно 1:1; Матто 8:16-17; 26:62-63; 27:12-14, 38, 57-60; Марк 15:27-28; Луқо 23:33; Римликларга мактуб 4:25; Коринфликларга 1-мактуб 15:3**

Айтиш мумкинки, Ишаёнинг башорати барча Масихий башоратларнинг энг кучлиси ҳисобланади. Аслида, у Ишаё пайғамбар китобининг 52-бобидаги 13-оятдан бошланади. Яхудий халқининг гуноҳлари учун бегуноҳ қурбонлик сифатида ўладиган Масихнинг руҳонийлик хизмати. Бу башорат, Масихнинг ўлими ҳақидаги Хушхабар гувоҳликларида ёзилган қўплаб тафсилотларигача амалга ошди. «У қўй каби сўйишга олиб борилди» - У бошқалар учун ўлимни қабул қилган гуноҳсиз азоб чекувчи.

Юқорида айтиб ўтилганидек, замонавий яхудий анъаналари бу башорат Истроил халқига тегишли эканлигини ўргатади, аммо Ишаё пайғамбарнинг матни бу талқинга мос келмайди. 5 ва 8-оятларга эътибор беринг, бу ерда Қул «бизнинг гуноҳларимиз учун» ва «халқимнинг гуноҳлари учун» азоб чекиши ҳақида ёзилган. Кимдир Истроилнинг гуноҳлари учун азоб чекмоқда.

Исроил учун азоб чекаётган киши таърифига қўра Исроил бўла олмайди. Бу факат Масих бўлиши мумкин. Илк раввин ёзувчилари ҳам бу башоратни Масих билан боғлайдилар.

## 12. ИСРОИЛ ҒАМ ЧЕКАДИ

### Башорат: Закариё 12:10

*«Мен Довуд авлодига, Куддус аҳолисига меҳр-шафқат ва ибодат руҳини ёғдираман. Улар Менга - ўзлари найза санчиганга қарашибади. Ёлгиз фарзандга аза тутгандай, аза тутишибади. Тўнгич фарзанд учун мотам тутгандай мотам тутишибади».*

### Амалга ошиши: Ҳали амалга ошмаган

Келажакда, Исонинг Иккинчи Келиши арафасида, яхудий халқи Унинг «яраланганд» эканлигини тан олади ва мотам тутади. Ҳеч ким - яхудий ёки мажусий - Масихнинг ўлими учун жавобгар бўлолмайди. Исо вафот этди, чунки бу Унинг Отасининг режаси эди. Охирзамонда, барча одамлар бизни кутқариш учун Худо томонидан ягона Исо юборилганлигини аниқ кўрадилар.

## БАЪЗИ ҚЎШИМЧА БАШОРАТЛАР

<i>Ибтидо 17:19</i>	<i>Забур 117:22</i>	<i>Еремиё 23:5</i>
<i>Саҳрода 24:17</i>	<i>Забур 131:11</i>	<i>Еремиё 31:15</i>
<i>Забур 15:10</i>	<i>Ишаё 2:4</i>	<i>Хўшея 11:1</i>
<i>Забур 33:21</i>	<i>Ишаё 11:2, 10</i>	<i>Закари 3:8</i>
<i>Забур 40:10</i>	<i>Ишаё 42:1</i>	<i>Закариё 6:12</i>
<i>Забур 44:3</i>	<i>Ишаё 50:6</i>	<i>Закариё 11:12,13</i>
<i>Забур 67:19</i>	<i>Ишаё 59:1-6</i>	<i>Закариё 13:7</i>
<i>Забур 68:5, 22</i>	<i>Ишаё 61:1</i>	<i>Хаггей 2:7</i>
<i>Забур 109:1,4</i>	<i>Ишаё 63:1</i>	

## **ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР**

Fruchtenbaum, Dr. Arnold G. Jesus Was A Jew. First Edition. Tustin, CA: Ariel Ministries, 2010.

Kaiser, Dr. Walter C. Messiah in the Old Testament. Grand Rapids, MI: Zondervan, 1995.

Pyle, Douglas. What the Rabbis Say about Moshiach. New York, NY: CPM Productions, 2008.

Schlamm, Dr. J. Vera. Pursued, Glendale CA: Regal Books, 1972.

Telchin, Stan. Betrayed! Lincoln, VA: Chosen Books, 1981.

Бу китобларнинг баъзилари рус тилида ҳам нашр этилган:

Пайл Дуглас, Раввинлар Масих ҳақида нималар дейишади: Ингл. тилидан таржима [нашрда]

Тэлчин Стен, Ҳақиқатни топиш. Минск, 1997.

Фрухтенбаум Арнольд, Исо яхудий эди: Ингл. тилидан таржима. СПб., 1998.

## ИЗОХЛАР

1. Яхудий донишмандларининг фикрига кўра, ҳафтара Тавротнинг ўша ҳафтада ўқилган бобларига тўғри келарди. Кесишиш нуқталари мавзувий, лексик бўлиши ёки айнан шу матнни ўқиш билан боғлиқ бирор яхудий анъанасидан келиб чиқсан бўлиши мумкин.

Ҳафтара Битиклар ёки Пайғамбарлар китобларининг бутун матнини қамраб олмаганлиги боис, Ишаё пайғамбар китобининг 53-боби ҳафталик ўқишилардан атайлаб истисно қилинганини ишонч билан тасдиқлаш мумкин эмас. Шунга қарамай, бир ҳафта Ишаё 52:12ни ўқиш билан якунланиши, кейинги ҳафта эса 54-бобни ўқиш билан давом этиши далили анча ғалати туюлади. Агар биз Ишаё пайғамбар китобининг 53-бобини Исонинг шахсида амалга ошган Масих башорати деб қабул қилсак, бу бобни мустасно қилиш учун мотив аён бўлади. Бу икки ҳафталик давр учун ҳафтара куйидаги кўринишда:

*Парашат Шафтим: Қонунлар 16:18-21: 9*

*Ҳафтара: Ишаё 51:12-52:12*

*Парашат Ки Теџе: Қонунлар 21:10-25:10*

*Ҳафтара: Ишаё 54:1-10.*

2. Эрамизнинг биринчи асрида Фаластинда, Эски Аҳд иудаизмининг масиҳийлик ҳаракати контекстида пайдо бўлди. Номи юононча Исо сўзининг транслитерациясидан олинган бўлиб, иврит тилига Мashiach (Масих) деб таржима қилинади.

3. Марк Твен. Яхудийлар ҳақида II Харпер: Журнал. Март, 1899.

4. Дунёни тузатиши.

5. Америкалик тадбиркор, NASDAQ фонд биржаси директорлар кенгашининг собиқ раиси. 1960 йилда Уолл-стритда «Bernard L. Madoff Investment Securities NC» фирмасига асос солди ва эҳтимол тарихдаги энг катта молиявий пирамида яратганликда айбланган, 2008 йил 11 декабргача шу фирмани бошқарди. Банклар, фонdlар, компаниялар ва жисмоний шахслар унинг фирибгарликлари қурбони бўлди. 2009 йил 29 июнда найранглари учун Нью-Йорк суди томонидан 150 йил қамоқقا ҳукм қилинди.

6. «*Ўша юртда кўп яшайсизлар, болаларингиз, набираларингиз тугилади. Агар ўшанда йўлдан озсангиз, Эгангиз Худонинг олдида қабиҳлик қилиб, ўзингизга турли қиёфадаги бутларни ясасангиз, У газабланади. Бугун сизларга қарши еру осмонни гувоҳ қиласман: агар менга итоатсизлик қиласангиз, юртдан тез орада бутунлай қирилиб кетасизлар. Иорданни кечиб, мулк қилиб оладиган юртда узоқ яшамайсизлар. Биттангиз қолмай ҳалок бўласизлар. Эгамиз сизларни бошқа халқларнинг орасига тарқатиб юборади.*

*Ўша халқлар орасида айримларингиз омон қоласизлар. У ерда инсон қўли билан ясалган ёғоч ва тош худоларга хизмат қиласизлар. У худолар кўролмайди, эшитолмайди, овқат ея олмайди, ҳид билмайди. Аммо у ерда Эгангиз Худога юз бурсангиз, бутун қалбингиз билан, жону дилингиз билан уни изласангиз, топасизлар. Кулфатда қолганингизда, бошингизга кўргиликлар тушганда, охири Эгангиз Худога қайтасизлар, Унинг сўзига қулоқ соласизлар. Ўшанда У сизларни тарк этмайди, йўқ қилмайди, отабоболарингиз билан қасам ичиб қилган аҳдини унумтмайди. Эгангиз Худо раҳмдил Худодир» (Қонунлар 4:25-31).*

7. «*Эгангиз Худонинг буюк ва ҳайбатли номидан қўрқмасангиз, шу китобда ёзилган қонуннинг ҳамма сўзларини бажармасангиз, Эгамиз ўзларингизни ва авлодларингизни оғир ва доимий кулфатларга, ёмон, тузалмайдиган хасталикларга гирифтор қиласди. Сизларни ваҳимага туширадиган барча Миср хасталикларини бошингизга солади, улардан ҳеч қачон шифо топмайсиз. Сизлар йўқ бўлгунингизча, Эгамиз мана шу қонун китобида ёзилмаган бошка хасталигу оғатларни ҳам бошингизга келтираверади. Сизлар осмондаги юлдузлар каби кўп эдингизлар, аммо Эгангиз Худога қулоқ солмаганингиз учун саноқли бўлиб қоласизлар. Эгамиз сизларга яхшилик қилиб, сизларни кўпайтиргандан қанчалик мамнун бўлган бўлса, сизларни ҳалок қилиб йўқ қилгандан ҳам шунчалик мамнун бўлади. Мулк қилиб оладиган юртингиздан сизларни сугуриб, улоқтириб ташлайди» (Қонунлар 28:58-63).*

8. Чиқиши 28: 13-30 Олий Руҳонийнинг либоси тасвирланган: ефод ва Урим ҳамда Туммим кўйилган кўкракпеч. Бу кўкракпеч "ҳукм кўкрак нишони" (Иошен ха-мишпат) деб аталади; у тўртбурчак, икки қатлам бўлиши керак; ўн иккита тош кўкрак нишони ичида эмас, ташқарисида жойлашган бўлиши зарур. Левилар 8:7-8 да биз Чиқиши 29:1-37 даги амрларга мувофиқ Мусо Ҳорун ва унинг ўғилларини руҳоний қилиб тайинлаганини ўқиймиз. У (Мусо) "*Сўнг Ҳоруннинг устига кўйлакни кийдириб, белига белбогни боғлади. Устидан ридони кийдириб, эфодни тақди. Белига нақши солинган камарни боғлаб, эфодни маҳкамлади. Кўксига кўкракпеч тақиб, кўкракпеч халтасининг ичига урим ва туммимни солди»* (шунингдек қаранг: Қонунлар 33:8; Яхудий электрон энциклопедияси, [www.eleven.co.il](http://www.eleven.co.il), урим ва туммим бўлими. – Тарж. изоҳи).

9. Амазиёнинг ўғли Уззиё, шунингдек, Азария номи билан ҳам танилган (қаранг: 4 Шоҳлар 15: 1,13,30). У Яхудо шоҳи бўлган ва хукмронлигини 16 ёшида, Истроил шоҳи Жеробом хукмронлигининг 27-йилида бошлаган. Шоҳлар китобида унинг хукмронлиги 52 йил (милоддан аввалги 788-737) давом этганлиги ва у одил бўлганлиги ва отаси Амазия сингари Раббийнинг қўзига ёқадиган нарсани қилгани, гарчи у баландликни бекор қилмаган ва одамларга у ерда қурбонлик қилиш ва тутатки тутатишга рухсат берган бўлсада.

10. Омиз ўғли Ишаёнинг Яхудо ҳамда Қуддусга оид башорати. Бу даврларда Яхудода Уззиё, Йўтом, Охоз ва Ҳиззиё каби шоҳлар хукмронлик қиласарди (*Ишаё 1:1*).

*11. «Бош руҳонийларнинг ҳаммаси омма қаторида ўзга халқларнинг жирканч одатларига тақлид қилиб, Худога ўта бевафо бўлдилар. Шу йўсин, улар Эгамизнинг Ўзи муқаддас қилган Куддусдаги уйни булгадилар. Отабоболарининг Худоси — Эгамиз Ўз халқи ва масканига раҳм қилиб, уларнинг олдига қайта-қайта пайғамбарларини жўнатди. Лекин улар Худонинг элчиларини ҳақорат қилиб, Худонинг сўзларидан нафратландилар, пайғамбарларни масхара қилдилар. Охири Эгамиз Ўз халқидан шу қадар газабландики, улар најсомсиз қолдилар. Эгамиз уларга қарши Бобил шоҳини тортиб келди. Бобил шоҳи Маъбадда уларнинг ёшларини қиличдан ўтказди, на ёш эркакка, на аёлга, на кексага, на хастага шафқат қилди. Худо Яхудо халқининг ҳаммасини Бобил шоҳининг қўлига берган эди» (2 Солномалар 36:14-17).*

12. Ишаё 42:1-4 [9], 49:1-6 [13], 50:4-9 [11], 61:1-3.

13. Доктор Кайзер Бостондаги Брандейс университетида машхур олим Сайркс Гордон раҳбарлиги остида таълим олди. Кайзернинг фикрига кўра, Қул бу - шахс эканлигининг исботини биз Ишаё пайғамбар китоби 49:5-да топамиз, у ерда Қул Худо томонидан “Ёқуб наслини тиклаш ва Исроилдан қолгандарини қайтариш” учун ишлатилади. Доктор Кайзер ёзади: «Қулнинг бундай хизмати Исроил халқига ҳавола бўлиши мумкин эмас, чунки, чунки у ҳолда улар ўзларига ваъда қилинган нажотни олиш ўрнига, ўзлари ҳаракат қилишлари зарур». Кайзер давом этади: «Қул шахс бўлиши шартлигининг иккинчи далили Ишаё пайғамбар китоби 42:6 да бўлиб, у ерда Раббий Қулни ҳам давват этади, ҳам “халқ учун насиҳат” қилиб қўяди. Агар Қул - Исроилга ваъда қилинган насиҳат бўлса, демак, Исроил билан айнан бир бўлиши ва айни пайтда Исроилга хизмат қилиши мумкин эмас».

Учинчи далил Ишаё Китоби 53:8 да жойлашган, унда Қул Исроил ҳаққи-хурмати учун “тириклар еридан зўрлик билан ажратиб олинган”. Қандай қилиб Исроил Исроилдан ажратиб олиниши мумкин? Бу ерда Қулни Исроил халқи билан айнанлаштириш қанчалик маъносиз эканлиги мутлақо аён. Бу шахс ва айнан Масих Шахсидир, чунки Қул Исроил халқи ҳаққи-хурмати учун ўлади.

Тўртинчи далил Пайғамбар Закариё Китоби 3:8ни, эрамиздан аввалги 518 йилда ёзилган матннинг талқинини ўз ичига олади. Кайзернинг фикрига кўра, бу оят Менинг Қулим сўзини бошқа, Масихий унвон - Новда билан боғлайди. Кайзер далиллар келтиришда давом этади: «Токи ивритча Цемах, Новда сўзи Ишаё 4:2, Еремиё 23:5-6 ва Закариё 6:12-13 китобларида келадиган Қул билан айнанлаштирилаётган бўлса (шундай бўлиши ҳам керак), у ҳолда Қул номи Масихга ҳам тааллуқли бўлиши зарур».

Кайзернинг Исроилни Қул билан айнанлаштириб бўлмайди, деган фикр фойдасига бешинчи далили шундан иборатки, "Ишаё 52:13-53:12 даги Қулнинг таърифи Ишаё пайғамбарнинг Исроил халқига ёки бу сайёрадаги бошқа одамларга берган тавсифига тўғри келмайди". Бу шу китобда кейинроқ батафсил тушунирилган.

Кайзернинг сўзларига кўра, " олтинчи далил оят деб аталадиган камида тўртта жойга ишора қиласди, унда Қул ўзи хизмат қилаётган Исроилнинг

тавба қилған қолдиқларидан аник фарқ қиласы. Шундай қилиб, Қул Үзи синдирилмайдынан ёки үчирмайдынан муҳтож исроилліклардан фарқ қиласы (Ишаё 42:3). Худди шу нарсаны 42:6 ва 49:8 оятлари ҳақида ҳам айтиш мүмкін, уларда юқорида айтиб үтилганидек, хизматкорга "халқ учун даъват" (Исроил) бўлиши ваяда қилинган.

14. Раббийнинг хизматкори сўзлари (ивритча Евед Адонай) Мусога нисбатан 17 марта, Ёшуага нисбатан икки марта ва Довудга нисбатан икки марта ишлатилган (17 ва 35-Забурларнинг кириш қисмида). Ушбу атаманинг охирги ишлатилиши Исроил халқига тегишли бўлиб, Ишаё 42:19 да топилган. Мусо Иброҳим, Исҳоқ ва Ёқубни "Сенинг [Худонинг] хизматкорларинг" деб атайди (Чиқиш 32:13; Қонунлар 9:27; шунингдек, қаранг: Ибтидо 26: 24; Забур 104: 6,42).

15. Қул чекланган мажбурий хизмат муддатини (олти йил) бажариши керак эди, лекин кейин У Хўжайинига бўлган муҳаббат ва садоқат туфайли қолиши ва хизмат қилишни давом эттириши мүмкін эди (Чиқиш 21:2). Хўжайнинг қулларига ғамхўрлик қилиши ва уларга ҳурмат билан муносабатда бўлиши керак эди (Чиқиш 21:26-27). Қул ўзини хўжайнини билан тўлиқ айнанлаштириди; хўжайнинг иши Қул ҳаётининг қисмати ва мақсади (эвед) бўлди.

16. Бойлиги 47 млрд долларга баҳолангандан, ўз бойлигининг 75 фоизини хайрия фондларига берган америкалик миллиардер.

17. Судандаги марказий ҳукумат, "Жанжавид" норасмий ҳукуматпаст араб қуролли гуруҳлари ва маҳаллий негроид аҳолининг исёнчи гуруҳлари ўртасида қуролли қарама-қаршиликка айланиб кетган миллатлараро можаро.

18. Чукурроқ муҳокама қилиш учун қаранг: Брюс Ф. Ф. Янги Аҳд ҳужжатлари: улар ишончлими? Иллинойс, InterVarsity, 1983.

19. Қаранг Матто 14:15-21; Марк 32-44; Луқо 9:10-17; Юнус 6:1-13.

20. Қаранг: <http://www.leaderu.coni/orgs/probe/docs/bib-docu.html>

## **ШАЛОМ!**

«Society for Distribution for Hebrew Scriptures» (SDHS, «Яхудий Битикларини тарқатиш жамияти») Сизга Янги Аҳдга (Брит ИаХадаша ВЕТХИЙ ЗАВЕТ (ТАНАХ) бепул буюртма беришни таклиф қилади

SDHS Муқаддас Битиклар (Янги Аҳд - Брит ХаХадаша ва Эски Аҳд -Танаҳ) ва “Масихий башоратлар” рисоласини ҳар бир яхудий уйига БЕПУЛ беришни истайди, чунки Муқаддас Битиклар дунёга яхудийлар орқали ниъом этилган!

[www.sdhs.co.uk](http://www.sdhs.co.uk); эл.манзил [offls@sdhs.co.uk](mailto:offls@sdhs.co.uk) яхудийларга Брит ХаХадаша ва Танаҳни ўнта турли тилда, иврит ёндош матни билан бирга ҳадя қилади. Бу ерда 17 тилдаги 37 та Муқаддас Битиклар ёзилган компакт дискни буюртма қилиш мумкин.

Яхудийлар [www.comfort-israel.com](http://www.comfort-israel.com) сайтидан ўқиши учун 17 та тилдаги Муқаддас Битикларни юклаб олишлари мумкин (жумладан рус, украин, идиш тилларида).

**Бош идора манзили:**

**THE SOCIETY FOR DISTRIBUTING HEBREW SCRIPTURES, Joseph House 1 Bury Mead Road, Hitchin, Herts., SG51RT, ENGLAND.**

[www.lightforisrael.org](http://www.lightforisrael.org) ва [www.sdhs.co.uk](http://www.sdhs.co.uk) сайтлари саҳифаларида SDHS (Аҳдлар, Битиклар, рисола) босма материалларининг каталоги ва буюртма бланкасига ҳавола кўрсатилган. 1940 йилда яхудийлар томонидан тузилган SDHS ташкилоти дунёнинг турли мамлакатларига китоблар ва рисолаларни бепул жўнатади.

Шунингдек, Украина, Киевда координаторга [sdariy@gmail.com](mailto:sdariy@gmail.com) электрон почтаси, +380503113822 телефони орқали мурожаат қилиш мумкин.

[www.llfeinYeshua.com](http://www.llfeinYeshua.com); [www.israelendebijbel.com](http://www.israelendebijbel.com).  
Буюртмани рус ёки инглиз тилида жўнатиш мумкин.

Масих башорати ва Худонинг Истроилга, Куддусга ва яхудий халқига берган ваъдалари бажарилишини ўз ичига олган “Сион устида қанотлар” рисоласи!

Рисолани [www.wmpress.org](http://www.wmpress.org) сайтида ўқиб чиқиши ёки бепул юклаб олиш мүмкін.

Рус тилида сўзлашувчи яхудийлар учун радиодастурлар:  
[www.netivyah.org](http://www.netivyah.org) ва [www.mashiah.info](http://www.mashiah.info)

Рус тилида сўзлашувчи яхудийлар учун интернет:  
[www.osp.mobi](http://www.osp.mobi)  
<http://cls.jewsforjesus.org>  
[www.beitsarshalom.org](http://www.beitsarshalom.org)

Исо фильмини кўриш [www.jesusfilm.org](http://www.jesusfilm.org)

“Масихга оид башоратларнинг бажарилиши”ни интернетда инглизча онлайн ўқиши [www.whoisjesus-reaily.com](http://www.whoisjesus-reaily.com), [www.messlanlcible.com](http://www.messlanlcible.com)

Муқаддас Китобнинг 648 тилдаги таржимаси қўйидаги манзил бўйича  
<http://www.faithcomesbyhearing.com>

Янги Аҳдни иврит тилида ўқиши ва юклаб олиш [www.yeshua4u.co.il](http://www.yeshua4u.co.il)

Муқаддас Китоб турли тилларда  
[www.bible.com](http://www.bible.com), [www.Bibles.net](http://www.Bibles.net), <http://biblegateway.com>, [www.goshen.net](http://www.goshen.net)

Иврит тилида сўзлашувчи яхудийлар учун [www.israelchai.tv](http://www.israelchai.tv)

Исо ҳақида иврит тилидаги вебсайтлар  
<http://yeshua.co.il>, [www.xrabi.co.il](http://www.xrabi.co.il), [www.IGOD.co.il](http://www.IGOD.co.il)

Агар сиз Россияда яшаётган бўлсангиз ва сухбатлашиш ва қўпроқ билишни истасангиз, қўйидаги манзил бўйича мурожаат қилишингиз мүмкін:

Россия, Москва

“Бейт Сар Шалом” Масихийлик Маданий-маърифий маркази  
телефон: +79161527091  
[beltsarshalom.rus@gmail.com](mailto:beltsarshalom.rus@gmail.com)

## УКРАИНАДАГИ МАНЗИЛЛАР

**“Масих Нури” Яхудий Масихийлар жамоаси**  
Одесса ш, Ришельевская к, 9А  
Хизмат ҳар шанба соат 11.00да бўлиб ўтади  
бизнинг сайтимиз: [www.orhamashiah.org](http://www.orhamashiah.org)

“Янги Куддус” Яхудий Масихийлар жамоаси  
Одесса ш, Академик Глушко к, 29, ауд. 510

Хизмат ҳар шанба соат 17.00да бўлиб ўтади

**«Бейт Симха» Яхудий Масиҳийлар жамоаси**

Хмельницкий ш, Свобода к, 36, ИТТМ, мажлислар зали

Хизмат ҳар шанба соат 15.00да бўлиб ўтади

тел.(0382)707—968

**«Бэт-Эль» Яхудий Масиҳийлар жамоаси**

Ильичевск ш, Транспортная к, 3, КБ-430, мажлислар зали

Хизмат ҳар шанба соат 16.00да бўлиб ўтади

тел. (04868)2-56-90

Эҳтимол манбаларга мурожаат қилиш ва Яратувчи билан ўзаро муносабатларни қайта кўриб чиқиш вақти келгандир? “Ишаё 53. Шарҳлар” сизга саволлар ва жавоблар бўйлаб сайр қилишингизга ёрдам беради ва Танаҳ китобидан бутун ҳаётингизни ўзгартириб юбориши мумкин бўлган бобни янгитдан кашф этишингизга ёрдам беради.

“Ишаё 53. Шарҳлар” амалда Худо билан қандай алоқа ўрнатишни тушунириб, Танаҳ сюжетини тушунарли ва оддий тилда тақдим этади. Бу китоб кўз ўнгимизда Яратувчи билан шахсан алоқаларнинг чексиз имкониятини очувчи ҳайратланарли қалитини намоён қиласди.

“Ишаё 53. Шарҳлар” китоби жуда тушунарли ва дўстона тилда ёзилган! Бу китоб Танаҳни ўқишига ҳар қачонгидан кўра янгича муносабатда бўлишда менга ёрдам берди.

*Стив, Манхеттен*

Мен Худо излаётган эдим ва дўстим менга Яхудий Битикларидағи Ишаё пайғамбар китобининг 53-бобини ўқиб чиқиши маслаҳат берди. Бу бобда тасвирланган Худонинг Қули менинг диққатимни ўзига шунчалик жалб қилдики, буни ҳатто тасаввур ҳам қила олмагандим!

*Рубен Нью Жерси*

Мен Яхудий Битикларидағи Ишаё пайғамбар китобининг 53-бобини ўқиб чиқдим ва бу боб менинг ҳаётимни мангув ўзгартириб юборди! Ниҳоят, Худо билан шахсан алоқалар мен учун қандай аҳамиятга эга эканлигини тушундим. Бу боб менга умид бахш этди!

*Менахем, Бруклин*